

А. А. ХАШИМОВ.  
Ш. А. МАДЖИДОВ  
Н. М. МУМИНОВА



# ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ

33(045) 371119  
X-33 Хамидов А.А.  
Извещение о продаже  
машин Эмира ба-  
ссаева застройщика  
шук в Кыргызстане  
2014 45,000 с/н

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

---

**А.А. ХАШИМОВ, Ш.А. МАДЖИДОВ,  
Н.М. МУМИНОВА**

# **ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ**

**Ўқув қўлланма**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 2014 йил 3 мартағи 79-сонли буйрукка асосан 79-010 ракам билан рўйхатга олиниб нашрга тавсия этилган

**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОНГ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2014**

УЎК: 330.322.(075)  
КБК: 65.9(5У)-56  
Х – 33

33(075)  
X-33

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат  
институти ректори,  
техника фанлари доктори,  
профессор **Қадам ЖУМАНИЯЗОВ** таҳрири остида

**Илмий мухаррир:**  
**Х.Х. Камилова – ТТЕСИ проректори, профессор**

**Такризчилар:**

**Н.Х. Ҳайдаров – ТМИ проректори, и.ф.д., профессор;**  
**С.Н. Юлдашев – ТТЕСИ, “Менежмент” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент.**

**Х – 33** Ҳашимов А.А., Маджидов Ш.А., Муминова Н.М.  
Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув кўлланма. – Тошкент: «Sharq», 2014. – 248 б.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бозор иқтисодиёти талабарига жавоб бера оладиган ракобатбардош дарслик ва ўқув кўлланмаларнинг янги авлодини яратиш ва фойдаланишни тақозо этади.

Ушбу ўқув кўлланмада инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштиришни назарий ва амалий асослари кенг ёритилган.

Ўқув кўлланма 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат) таълим йўналишидаги бакалаврлар, 5А230201 – “Менежмент” (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат) мутахассислигидаги магистрлар, иқтисодиётга йўналтирилган факультетлар талабалари, катта илмий ходим-изланивчилар, шунингдек, касб-хунар коллежларининг шу соҳадаги ўқитувчилари ҳамда корхоналарнинг иқтисодий бўлим ходимлари учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-26-122-8

УЎК: 330.322.(075)  
КБК: 65.9(5У)-56

ISBN 978-9943-26-122-8

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2014.

SDVO  
tes...  
In...  
371-119

УДК: 330.322.(075)

ББК: 65.9(5У)-56

Х – 33

Под редакции ректора Ташкентского института  
текстильной и легкой промышленности,  
д.т.н., профессора Кадама ЖУМАНИЯЗОВА

**Научный редактор:**

**Х.Х.Камилова – проректор ТИТЛП, профессор;**

**Рецензенты:**

**Н.Х. Хайдаров – проректор ТФИ д.э.н., профессор;**

**С.Н. Юлдашев – заведующий кафедрой «Менеджмент»  
ТИТЛП, к.э.н., доцент**

Х – 33 Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Муминова Н.М.

Организация и финансирование инвестиций. Учебное пособие. – Тошкент: «Sharq», 2014. – 248 стр.

В национальной программе по подготовке кадров поставлены конкретные задачи по созданию и эффективному использованию нового поколения учебников и учебных пособий, отвечающих требованиям рыночной экономики и реалиям сегодняшнего дня.

В данном учебном пособии широко освещены теоретические и практические основы организации и финансирования инвестиций.

Учебное пособие предназначено для бакалавров, обучающихся по направлению 5230900 – «Бухгалтерский учет и аудит» (хлопковой, текстильной и легкой промышленности), магистрам по специальности 5A230201 – «Менеджмент» (хлопковой, текстильной и легкой промышленности), старших научных сотрудников – соискателей, студентов экономического факультета, а также преподавателей и работников экономических служб предприятий.

ISBN 978-9943-26-122-8

УДК: 330.322.(075)

ББК: 65.9(5У)-56

UO'K: 330.322.(075)

KBK: 65.9(5O')-56

Kh – 33

Edited by **Kadam JUMANIYAZOV**,  
rector of Tashkent institute of textile and light industry,  
*doctor of technical sciences, professor.*

**S c i e n t i f i c e d i t o r:**

**Kh.Kh.Kamilova** – vice rector of TITLI, *professor.*

**R e v i e w s b y**

**N.Kh.Haydarov** – vice rector of TFI, *doctor of economic sciences, professor.*

**S.N.Yuldahev** – head of chair the "Management" of TITLI, *candidate of economic sciences, assistant professor.*

Kh – 33 Khashimov A.A., Madjidov Sh.A., Muminova N.M.  
Organization and financing investment. Textbook. –  
Tashkent: «Sharq», 2014. 248 page.

The main tasks of cadre teaching national program are writing and effectively using new textbooks which are suitable to present requirement and market economic.

Theoretical and practical principles of organization and financing investments are widely presented in this textbook.

This textbook is written for bachelors who specialize for "Book keeping and audit" – 5230900 (cotton, textile and light industry), for masters who specialize for "Management" – 5A230201(cotton, textile and light industry), high scientific specialists, students of economic departments, teachers and workers of economic sections.

ISBN 978-9943-26-122-8

UO'K: 330.322.(075)

KBK: 65.9(5O')-56

*«...инвестицияларсиз модернизация ҳам,  
янгиланиши ҳам бўлмайди»*

**I.A. КАРИМОВ**

## **КИРИШ**

Мамлакатимизда инвестицион сиёsatни шакллантириши ва амалга ошириш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Инвестицияларни жалб этишда, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация килиши, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Мустақиллик йилларида бу йўналишда мамлакатимизда муҳим натижаларга эришилди: республика-миизда 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 14 фоиз кўп, яъни 11 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг микдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 22,9 фоизини ташкил этади.

Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 2 миллиард 500 миллион АҚШ долларини, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар микдори эса 79 фоизни ташкил килди.

Президентимиз «...мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёsatини 2013 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо ўтмоқда.

Бу ўринда гап ишлаб чиқаришни диверсификация килиш ва мамлакатимиздаги хом ашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча кийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқлари хақида бормоқда.

Ана шу мақсадларга эришиш учун 2011–2015 йилларда Узбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тұғрисидаги дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий киймати қарийб 50 миллиард АҚШ долларини ташкил этган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутади<sup>1</sup>.

Ҳал килувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим устувор йўналиш – чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга улкан эътибор қаратилмоқда.

Узбекистонда инвесторлар учун ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёркин далилидир.

Кўриниб турибдики, инвестициянинг республикализм иқтисодиётидаги ўрни катта. Шу нуқтаи назардан, инвестиция тушунчаси бозор иқтисодиётининг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, унинг можияти ва аҳамияти катта эканлиги билан ажралиб туради.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Бош мақсадимиз – кенг кўламли исполю хотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш». Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2013 йил 19 январь.

Бу түшүнчө көнгө камровли бўлиб, иқтисодчи олимларнинг инвестицияга доир турли ёндашув ва карашларини ўз ичига олади.

Тавсия этилаётган ўкув қўлланма Олий таълимнинг 230000 – «Иқтисод» соҳасидаги 5230900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат) таълим йўналишидаги бакалаврлар, 5А230201 – «Менежмент» (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат) мутахассислигидағи магистрлар учун мўлжалланган бўлиб, инвестицияларни, уларнинг иқтисодий моҳияти ҳамда макро (микро) иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти; инвестицион фаолият ва инвестиция дастури; давлат инвестиция дастури; иқтисодиётда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти; реал инвестицияларни молиялаштириши; инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришининг мухим шакллари (лизинг); инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва инвестиция қарорларини қабул қилиш услубияти ва услуби; инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириши; инвестиция таваккалчилари ва уларни пасайтириш йўллари кабиларни ўз ичига олади.

Мазкур ўкув қўлланма «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат) таълим йўналиши ўкув режасидаги «Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириш» фанининг дастури асосида яратилган.

## **I БОБ.**

### **“ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАЗМУНИ**

---

#### **1.1. Инвестициянинг иқтисодий тушунчаси ва иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни**

---

Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ва уни барқарор ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни мухимдир. Республикамиз Президенти таъкидлаганидек, «...биз истеъмолни эмас, балки инвестицияларни купайтирдик. Бугунги кунга келиб, бу сиёsat ўз самарасини бермоқда»<sup>1</sup>. Шу нуктаи назардан, инвестиция моҳиятини тӯғри ва тӯла талкин этиш катта аҳамият кассб этади.

Инвестиция иқтисодий категория сифатида иқтисодий тизимнинг макро ҳамда микро даражасида кенг ишлатилади. Ҳозирги кунда иқтисодчи олимлар томонидан бу иқтисодий категорияга турлича таърифлар берилган бўлса-да, лекин назариётчи ва амалиётчиларни қондирадиган инвестицияга берилган ягона таъриф мавжуд эмас.

Замонавий иқтисодий адабиётларда ҳамда илмий тадқиқотларда инвестиция таърифига доир турлича қарашлар мавжуд. Бу манбаларда инвестицияга бе-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т.: «Узбекистон», 1997. – 192-193 б.

рилган таърифлар, асосан, капиталларни ошириш ёки жорий даромад (фойда) олиш манбаи сифатида талкун этилган. Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция субъектлари инвестицияларни жалб этиш орқали капиталларини ёки даромадни (фойдани) кўнайтиришдан манфаатдор. Шу билан бирга, айрим холларда, ноиктисодий мақсадлар учун ҳам инвестициялардан фойдаланишлари мумкинлиги етарли дарражада ўз ифодасини топмаган.

Иқтисодий адабиётларда «Инвестиция» билан «Капитал қўйилмалар» тушунчаси бир хил, ухшашиб деб ифодалангандан, яъни инвестиция асосий воситаларга капитал маблағларнинг қўйилиши сифатида ўтироф этилган. Маълумки, инвестиция айланма активларнинг ўсиши, турли молиявий инструментлар ҳамда номоддий активларга ҳам йўналтирилади.

Бу тушунчага қуйидагича таърифлар берилган: «Капитал қўйилмалар, бу – хўжаликнинг тақрор ишлаб чиқаришини кенгайтириш ҳамда унинг сифатини яхшилашга йўналтирилган харажатлар мажмуудир»;

«Капитал қўйилмалар асосий воситаларни тақрор ишлаб чиқариш, кенгайтириш ҳамда уларнинг сифат таркибини яхшилаш харажатларининг мажмуудир»;

«Капитал қўйилмаларга асосий воситалар фойдаланишга топширилгунга қадар уларни сотиб олиш учун корхонанинг сарфланган харажатлари киради».

Капитал қўйилмалар инвестициянинг таркибий қисми сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

Айрим таърифларда инвестиция «узоқ муддатли қўйилмалар», деб таъкидланади. Дарҳақиқат инвестициянинг айрим турлари, биринчи навбатда, капитал қўйилмалар, акциялар бўйича инвестиция ва бошқалар узоқ муддатли характерга эга, лекин инвестиция қисқа муддатли булиши ҳам мумкин, мазалан, облигациялар, қисқа муддатли молиявий

қўйилмалар, бир йил муддатгача бўлган давр учун муомалага чиқарилган депозит сертификатларига йўналтирилган инвестициялар.

Инвестициядек мураккаб иқтисодий категория тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунида «Инвестициялар – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳукуклар», деб таъриф берилган.

Инвестицияга доир таърифларга хорижий иқтисодчи олимлар: «Инвестициялар – жорий лаҳзада муайян бир қийматликдан келажакдаги (балки ноаник бўлган) қийматлик учун воз кечишdir» яъни «келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишидир»; «Инвестиция, бу – анча узоқ муддат тугагандан кейин келажакда даромад олиш максадида ресурсларнинг сарфланиши»; «Инвестициялар – бу капитални жойлаштиришнинг шундай усулики, у капитал қийматининг сакланиши ёки ўсиб боришининг таъминлаши ҳамда даромаднинг ижобий микдорини келтириши лозим»; «Инвестиция, бу – келажакда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарса. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмайдиган, захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир»; «Инвестиция, бу – моддий захираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга харажатлардир»; «Инвестициялар факат бир мамлакат ичida шу мамлакат фуқаролари ва ташкилотлари томонидан эмас, балки чет давлатлар ва уларнинг корхона, ташкилотлари томонидан ҳам қўйилиши мумкин. Улар хорижий инвестициялар деб аталиб, миллий иқтисодиётга хорижий мамлакатлар валютаси, яъни пул маблағлари, кимматбаҳо қоғозлар, кредитлар кўринишидаги ка-

питал кўйилмаларининг барча шакларида намоён бўлади»; «Маҳсулот сифатини яхшилаш ёки кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чикариш учун янги объектларни яратиш, модернизациялаш, қайта таъмирлашга капиталларни йўналтириш» каби фикрларни илгари сурғанлар.

Узбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан: «Инвестициялар, бу – назарда тутилган ва тутилмаган, аммо эҳтимоли бор таваккалчиллар ҳамда кўзланаётган самараларни баҳолаш асосида, ўз ва ўзга маблағлар қийматини капиталлашуви ва жамғарилишини таъминлаш мақсадида молиявий ва реал активларга боғланиши»; «Инвестициялар, бу – мулк шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик обьектига сарфлашидир»; «Инвестициялар нафакат қимматли қоғозларни молиялантириш, балки асосий воситалар, айланма маблағларга сарфланган маблағларни ўз ичига олади»; «Инвестициялар, бу – давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад олиш ва (ёки) бошқа ижобий самарадорликка эришиш мақсадида мамлакат ичкарисида ва ташқарисида янги корхоналар ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш, кўчмас мулк, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда активларни сотиб олишга йўналтирилаётган молиявий маблағлари, мулкий ва интеллектуал бойлиқдир»; «Инвестиция, бу – фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида, давлат, ҳукукий ва жисмоний шахслар (инвесторлар) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланмаган эҳтиёжни қондириш учун иқтисодиётнинг турли соҳаларига

маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойлиқдир» сингари инвестиция тушунчасининг турли томонларини илмий изланишларда ифодалашган. Таърифларда инвестиция тушунчасининг ўхшаш ва ўзаро тўлдирувчи томонлари ўз ифодасини топган. Иқтисодчи олимларнинг фикрлари таҳлили шундан далолат берадики, инвестициялар назарий ва амалий жиҳатдан мураккаб ва кўп аспектли хусусиятига эга бўлган иқтисодий категориядир.

Инвестицияга куйидагича таъриф берилиши максадга мувофик: *Инвестиция, бу – капиталнинг барча шакларини хўжалик фаoliyatining turli obъektlariga foida olish maқsadiida kiritiliishi hamda bозор tamoyillariga асосланган тавакkалик, likvidlik va vaqt omiliga bogliq bulgan iқtisodiy ёki noiқtisodiy samara olishidir.*

Шундай килиб, «Инвестиция» ва «Капитал кўйилмалар» тушунчалари моҳиятининг ёритилишида уларнинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари ва фаркларига, яъни капитал кўйилмаларнинг инвестициялар таркибий кисми эканлигига эътибор бериш лозим.

---

## **1.2. Инвестицияни назарий ва иқтисодий мазмуни ва инвестицияларнинг зарурлиги. Инвестициянинг шакллари**

---

Иқтисодий назария ва инвестицион жараёнларни амалга оширишда инвестицияларни турли куринишини белгиловчи юздан ортиқ тушунчалар мавжуд.

Инвестицияларни самарали бошқариш, тармок бўйича илмий асосланган инвестицион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида инвестицияга доир терминларни тизимлаштириш ва таснифлаш лозим. Бу борада иқтисодчи олимларнинг турли қарашлари мавжуд.

Иқтисодий адабиётларда инвестициялар қуйидаги хусусиятига кура таснифланган: ишлатилиш соҳаси; амалга ошириш муддати; тури; ишлатилиш йўналиши; ҳажми; ишлатилишнинг функционал соҳаси бўйича. Жумладан инвестициялар: реал (капитал қўйилмалар); молиявий (портфелли) инвестициялар; номоддий активларга инвестициялар булишилик фикрлари илгари сурилган. Узбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг З-моддасида мулжалланган объектга кура, инвестициялар: капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга булинади.

Иқтисодчи олимларнинг илмий рисолаларида инвестицияларнинг турли хусусиятларини инобатта олган ҳолда тизимлаштирилиши ва таснифланиши илмий ва амалий жиҳатдан асосланган. Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни аниқлашда юкорида келтирилган таснифланишлар етарли даражада эмаслиги кўринмоқда.

Шу нуқтаи назардан, инвестициялар (1-расм)да келтирилган хусусиятларига қараб таснифланиши мақсадга мувофиқдир.

Капитал қўйилиш объектларига кўра: инвестициялар реал ва молиявийга булинади.

*Реал инвестициялар* асосий воситаларни вужудга келтириш, товар-моддий бойликлари захирасини оширишга қўйиладиган капитал, яъни корхоналарни бунёд этиш ҳамда уларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш учун етарли миқдорда захираларни барпо этишга йўналтириладиган инвестиция миқдоридан иборат.

*Молиявий инвестициялар* эса даромад олиш мақсадида инвестицияларни турли қимматли қофозларга (акциялар, облигациялар, банкларнинг депозит сертификатлари ва бошқалар) қўйилиши назарда тутилади. Масалан, ипакчилик тармоғидаги хиссадор-

1-расм. Инвестицияларнинг таснифланиши

Капитал кўйилиш объектларига кўра:	Инвестицион жараёнларда иштирок этиш хусусиятига кўра:	Такрор ишлаб чиқариш йуналишига кўра:	Даромадларнинг боғлиқлик даражасига кўра:	Инвестор-корхоналарга бўлган муносабатга кўра:
Реал; молиявий.	Бевосита; билвосита; интеллектуал.	Ялпи; реновация; соф.	Ишлаб чиқариш; автоном.	Ички; ташқи.
Амалга ошириш муддатига кўра:	Биргаликда амалга оширилишига кўра:	Даромадлилик даражасига кўра:	Таваккалчилик даражасига кўра:	Ликвидлик даражасига кўра:
Узок; ўрта; кисқа.	Боғлиқ бўлмаган; ўзаро боғлиқ бўлган; бир-бирини инкор этувчи.	Юкори; ўрта; кам; даромадсиз.	Таваккалчиликсиз; паст; ўрта; юкори.	Юкори; ўрта; паст; ноликвидлик.

Инвестицияланадиган капиталнинг мулкчилик шаклига кўра:	Инвестициялаш жараёнида капиталнинг ишлатилишига кўра:	Худудлар бўйича капитални жалб этиш манбала-рига кўра:	Инвестицияланадиган капиталнинг худудлар (бозорлар) бўйича йўналтирилишига кўра:	Корхона активларини яратишга кўра:
Хусусий; давлат; хорижий; аралам.	Дастраски; реинвестициялар; дезинвестициялар.	Миллий; хорижий.	Ички; халқаро.	Якка тартибда; стратегик.
Тармоқ бўйича йўналтирилишига кўра:	Узаро боғлиқлик даражасига кўра:	Кушимча инвестициялар		Жорий инвестициялар
Тармоқларнинг классификаторларига асосан, тармоқлар кесими ва фаолият доирасида.	Якка ҳолда ажратилган; ташқи омилларга боғлиқ бўлган; ташқи омилларга таъсир этувчи.	Ишлаб чиқаришни кенгайтиришга; ўзгаришларни амалга оширишга; инвестиция жараёнини рационализация қилишга; маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги дастури бажарилишини таъминлашга; ишлаб чиқаришда диверсификацияни амалга оширишга; хавф-хатарнинг олдини олишга.		Капитал ва бошқа таъмирлапларни амалга ошириш; дастгоҳларни алмаштиришга йўналтириш.

лик жамияти шаклида фаолият курсатаётган «Кумуш» ҲЖнинг 35 % акциясини Буюк Британиянинг «Кардхил Инвестмент Компани Л.Т.Д.» компанияси, «Алишер Навоий тўқимачилик» ҲЖнинг 43,3 % акциясини Афғонистоннинг «Старс Компани Лимитед» компанияси, «Мустаффо» ҲЖнинг давлат улуси ҳисобидан 25 % акциясини Чехиянинг «Клуб-97» фирмаси томонидан сотиб олиниши орқали инвестициялар киритилган.

**Инвестициялар** инвестицион жараёнларда иштирок этиш хусусиятига кура: бевосита, билвосита ва интеллектуал инвестицияларга бўлинади.

**Бевосита инвестициялар** инвестор томонидан капитал қўйилмаларни тұғридан-тұғри инвестицион объектларга йўналтирилишини назарда тутади. Одатда, бевосита инвестициялар бошқа корхоналарни устав фондига капиталларнинг қўйилишида намоён бўлади.

**Билвосита инвестиациялар** инвесторлар томонидан воситачи молиявий ташкилотлар орқали капитал қўйилмаларнинг қўйилиши тарзida ифодаланади. Масалан, ипакчилик тармоғидаги қиймати 6,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган 4 та пиллакашлик корхоналарини модернизациялаш лойиҳасининг 85 % и Корея Республикасининг «Эксимбанк»и томонидан молиялаштирилди.

**Интеллектуал инвестициялар** патентлар, лицензиялар, ноу-хаулар, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга инвестицияларнинг йўналтирилишини назарда тутади. Ҳозирги кунда тўқимачилик тармоғида инвестицияни бу туридан етарли даражада фойдаланилмайди.

Такрор ишлаб чиқариш йўналишига кўра: инвестициялар ялпи, реновация ва соф инвестицияларга бўлинади.

**Ялпи инвестиция** маълум давр ичида асосий воситалар ва номоддий активларни вужудга келтириш учун сарфланадиган инвестицион капиталнинг умумий ҳажмини ифодалайди. **Реновация инвестицияси** асосий воситаларни қайта тиклашга қўйиладиган капиталнинг ҳажмини ифодалайди. Микдорий жиҳатдан реновация инвестицияси маълум даврдаги амортизация ажратмалари суммасига тенглаштирилади.

**Соф инвестиция** асосий воситаларни такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун инвестицияланадиган капитал ҳажмини ифодалайди. Микдорий жиҳатдан соф инвестиция маълум даврдаги ялпи инвестициядан барча турдаги амортизацияланадиган капиталларнинг амортизация ажратмаси суммасининг айрмаси сифатида ҳисобланади.

Даромадларнинг боғлиқлик даражасига кўра: инвестициялар ишлаб чиқариш ва автоном инвестицияларга бўлинади.

**Ишлаб чиқариш инвестицияси** жамғариш ва истеъмол орқали соф даромад олиш динамикасини ифодалайди.

**Автоном инвестиция** соф даромад (фойда)нинг шаклланишига бевосита боғлик бўлмаган капитал қўйилмаларни ифодалайди. Технологик жараёнларни такомиллаштириш учун йўналтириладиган инвестиция бунга мисол бўлади.

Инвесторларнинг корхоналарга бўлган муносабатига кўра инвестициялар ички ва ташқига бўлинади.

**Ички инвестиция** инвестор-корхоналар ўзларининг операцион активларини купайтиришга капитални йўналтиришини ифодалайди.

**Ташқи инвестиция** капитални бошқа корхоналарнинг реал активларига қўйилишини ифодалайди.

Амалга ошириш муддатига кўра: шартли равишда узок – 10 йил ва ундан кўп; ўрта муддатли – 5 йилдан

10 йилгача ва қисқа муддатли – 1 йилдан 5 йилгача гурухларга бўлинади. Масалан, пиллакашлик корхоналарига, асосан, қисқа муддатли инвестициялар киритилади.

Инвестициялар биргаликда амалга оширилишига кўра: боғлик бўлмаган, ўзаро боғлик бўлган ва бир-бирини инкор этувчи инвестицияларга бўлинади.

**Боғлик бўлмаган инвестициялар** инвестицион дастур доирасидаги инвестицион лойиҳанинг таркибига кирувчи ўзаро боғлик бўлмаган обьектларга капитални йўналтиришни назарда тутади. Масалан, пиллакашлик корхонаси курилиши жараёнида инвестицияларнинг пилла чикиндиларини қайта ишлаш цехини барпо этишга жалб этилишини шулар қаторига киритиш мумкин.

Маълум бир кетма-кетлиқда жойлашган ва ўзаро боғлик бўлган инвестицион обьектларга **ўзаро боғлик бўлган инвестициялар** киритилади. Масалан, пиллакашлик корхонасидаги саралаш ва пилла ўраш цехларига шундай кўринишдаги инвестициялар йўналтирилади.

**Бир-бирини инкор этувчи инвестициялар** ўхаш технологиялар ва маҳсулот турларини муқобиллик асосида танлашга қаратилган инвестициялардир.

Инвестициялар даромадлилик даражасига кўра: юқори, ўрта, кам ва даромадсиз инвестицияларга бўлинади.

**Юқори даромадли инвестициялар** инвестицион бозорлардаги ўртacha фойда меъёрига нисбатан юқори соф инвестицион фойда даражасини таъминловчи лойиҳаларга капитал қўйилишини ифодалайди.

**Ўрта даромадли инвестициялар** инвестицион бозорларда шаклланган фойда меъёрига мос келадиган, соф инвестицион фойдани олиш имкониятини

берадиган лойиҳаларга капитал қўйилишини ифодалайди.

**Кам даромадли инвестициялар** соф инвестицион фойданинг даражаси, унинг ўртача меъёридан кам бўлган объектларга инвестициялар йўналтирилишини ифодалайди.

**Даромадсиз инвестициялар** инвестор томонидан фойда олмаслик мақсадида инвестицион объектларни инвестициялашни ифодалайди. Одатда, бундай инвестициялардан ижтимоий, экологик ва бошқа ноиқтисодий самара олиш максад қилиб қўйилади.

Инвестициялар таваккалчилик даражасига кўра: таваккалчиликсиз, паст, ўрта ва юқорига бўлинади.

**Таваккалчиликсиз инвестициялар** ҳисобланган, реал, соф инвестицион фойда олиниши кафолатланган ёки капитални йўқотиш хавфи бўлмаган инвестицион объектларга маблағлар қўйилишини ифодалайди.

**Паст таваккалчиликли инвестициялар** бозордаги ўртача хавф-хатар даражасидан паст бўлган инвестицион объектларга капитал йўналтирилишини ифодалайди.

**Ўрта таваккалчиликли инвестициялар** бозордаги ўртача хавф-хатар даражасига мос келадиган инвестицион объектларга киритилган капитал.

**Юқори таваккалчиликли инвестициялар** бозордаги ўртача хавф-хатар даражасидан юқори бўлган инвестицион объектларга капитал қўйилишини ифодалайди.

Ликвидлик даражасига кўра: юқори, ўрта, паст, ноликвидли инвестицияларга бўлинади.

**Юқори ликвидли инвестицияларга** жорий бозорда ўз қийматини йўқотмаган ҳолда, кисқа муддат ичизда (одатда бир ойгача) пул шаклига айлантириш имконияти мавжуд бўлган инвестицион объектларга йўналтириладиган инвестициялар киради.

**Ўрта ликвидли инвестициялар** жорий бозорда ўз кийматини йўқотмаган ҳолда, одатда, бир ойдан олти ойгача бўлган муддат ичида пул шаклига айлантириш имконияти мавжуд бўлган инвестицион объектларга киритиладиган инвестицияларdir.

**Паст ликвидли инвестициялар** жорий бозорда ўз кийматини йўқотмаган ҳолда, узоқ муддатдан кеин (ярим йил ва ундан кўп) пул шаклига айлантириш имконияти мавжуд бўлган инвестицион объектларга киритиладиган инвестициялар.

**Ноликвидли инвестициялар** деганда алоҳида амалга ошириш имконияти бўлмаган ва инвестицион бозорлардаги барча мулк таркибига биргаликда киритиладиган инвестициялар тушунилади.

Инвестицияланадиган капитал мулкчилик шаклига кўра: хусусий, давлат, хорижий ва аралаш инвестицияларга бўлинади.

**Хусусий инвестициялар** жисмоний шахслар, шунингдек, нодавлат мулк шаклига эга бўлган юридик шахслар томонидан капиталларни тўқимачилик корхоналарига қўйилишини ифодалайди.

**Давлат инвестициялари** капиталларни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат фондлари ҳамда давлат корхоналари томонидан қўйилишини ифодалайди.

**Хорижий инвестициялар** чет эллик инвесторлар фойда (даромад) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўшаётган мулкий бойликларнинг ва уларга нисбатан ҳуқукларнинг, шунингдек, интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқукларнинг барча турлари чет эл инвестициялари хисобланади.

Бойликларнинг бирламчи ёки такрор қўшиш шаклининг бирон бир тарзда ўзгартирилиши уларнинг инвестиция сифатидаги моҳияти ўзгаришига олиб

келмайди. Масалан, ҳозирги кунда йилига 145 тонна хом ипак ипини ишлаб чиқариш кувватига эга бўлган «Хуа-Лу» хорижий пиллакашлик корхонаси 100 % хорижий инвестиция асосида ишлётган корхона ҳисобланади.

*Аралаш инвестициялар* инвестиция объектларига хусусий ва давлат капитали қўйилишини ифодалайди. Масалан, ипакчилик тармоғида фаолият курсатаётган 6 та қўшма корхона аралаш инвестиция асосида ташкил этилган бўлиб, уларнинг 64,1 % ини хорижий инвестициялар, қолган 35,9 % ини эса «Ўзбекенгилсаноат» ДАК улуши ташкил этади.

Инвестициялаш жараёнида капитал ишлатилишига кура: дастлабки инвестициялар, реинвестициялар, дезинвестицияларга бўлинади.

*Дастлабки инвестициялар* ўз маблағи ҳамда карз шаклидаги молиявий ресурслар ҳисобига инвестицион мақсадлар учун қайта шаклланган капитал ишлатилишини ифодалайди.

*Реинвестициялар* инвесторнинг фаолияти нағијасида олинган фойдани (даромадни) муомалага киритиш.

*Дезинвестициялар* инвестицион мақсадлар учун қайта ишлатмаслик шарти билан илгари киритилган инвестицион капитални инвестицион оборотдан ажратиб олиш жараёнини ифодалайди. Масалан, корхона кўрган заарни қоплаш учун йўналтирилган инвестиция.

Худудлар бўйича капитални жалб этиш манбаларига кура: миллий ва хорижий инвестицияларга бўлинади.

*Миллий инвестициялар* мамлакатимиздаги турли инвестицион объектларга корхоналар ёки давлат ташкилотларининг капитали қўйилишини ифодалайди.

**Хорижий инвестициялар** республикамиздаги инвестицион объектларга хориждаги юридик ёки жисмоний шахсларнинг капитали кўйилишини ифодалайди. Бундай инвестициялар давлат томонидан кафолатланган ёки тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар шаклида киритилади. Масалан, ҳозирги кунда пиллакашлик корхоналарига тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар киритилмоқда.

Капиталнинг худудлар (бозорлар) бўйича йўналтирилишига кўра, инвестициялар ички ва ҳалқаро инвестицияларга бўлинади.

**Ички инвестициялар** мамлакат ичидағи турли шаклдаги капиталларнинг кўйилишини ифодалайди.

**Ҳалқаро инвестициялар (ёки ҳалқаро бозордаги инвестициялар)** мамлакатдаги турли шаклдаги капиталларни унинг ташқарисида қўйилишини ифодалайди.

Корхона активларини яратишга кўра: янги барпо этиладиган корхоналар ёки улар таркибида барпо этиладиган шуъба корхоналар активларини яратишини ифодалайди. Булар, ўз навбатида, якка тартибдаги ва стратегик инвестицияларга бўлинади.

**Якка тартибдаги инвестициялар** корхонанинг жорий фаолияти давомида янги ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш учун ишлатиладиган инвестция.

**Стратегик инвестициялар** стратегик инвестицион лойихаларни амалга ошириш учун йўналтириладиган инвестициялар.

Тармоқ бўйича йўналтирилишига кўра таснифланища, тармоклар кесими ва фаолият доирасида инвестицияларнинг таксимланиши назарда тутилади. Бундай таснифланиш давлат томонидан тармоклар бўйича инвестициялаш жараёнини бошқаришда ҳам-

да тармоқларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолашда қўулланилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги ПҚ - 512 сонли қарорида 2006–2010-йиллар мобайнида хорижий инвестициялар киритиш асосида ипакчилик тармоғи ривожлантирилиши белгиланган.

Ўзаро боғлиқлик даражасига кўра: якка ҳолда ажратилган, ташки омилларга боғлиқ бўлган ва ташки омилларга таъсир этувчи инвестицияларга бўлинади.

*Якка ҳолда ажратилган инвестициялар* бошқа инвестицияларга эҳтиёж қолдирмайдиган қўйилмалар.

*Ташки омилларга боғлиқ бўлган ва таъсир этувчи инвестициялар* ўзаро боғлиқ бўлиб, улар инфляция даражаси, ижтимоий инфраструктура, ишлаб чиқаришнинг мавжудлигига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлган капитал қўйилмалар.

*Кўшимча инвестициялар* ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ўзгаришларни амалга оширишга: инвестиция жараёнини рационализация қилишга, маҳсулот ишлаб чиқариш янги дастурининг бажарилишини таъминлашга, ишлаб чиқаришда диверсификацияни амалга оширишга ва хавф-хатарнинг олдини олишга инвестициялар йўналтирилишини ифодалайди.

*Жорий инвестициялар* капитал ва бошқа таъмирлашларни амалга ошириш ва дастгоҳларни алмаштиришга инвестициялар йўналтирилишини ифодалайди.

Тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқилган ва тавсия этилаётган инвестицияларнинг таснифланиши инвестицион жараён иштирокчилари (инвесторлар, тижорат банклари, кредит муассасалари, давлат, корхоналар ва бошқа молиявий институтлар) учун иқтисодий ахборот манбай сифатида инвестицияга доир қарорларни қабул қилиш учун хизмат қиласди.

### **1.3. Давлат инвестицион сиёсати**

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини бошқариш ва назорат килишнинг асосий механизми ҳисобланади.

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар ва таклифлар бўйича маълумотлар банкини шакллантириш мониторингнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Бунда қўйидагиларга эътибор бериш лозим:

- республика инвестиция дастурига киритилган ва биринчи навбатда, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали рӯёбга чиқарилишини таъминлаш;
- давлат бошқаруви органларининг, инвестиция жараёни бошқа қатнашчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини, улар тўлиқ тугаллангунга қадар, амалга ошириш билан боғлик масалаларни ўз вақтида ҳал этиш юзасидан жавобгарлигини ошириш;
- инвестиция лойиҳалари ҳаракатига уларни амалга оширишнинг барча босқичларида тўскинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва ўрганиш, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши билан боғлик бўлган турли масалаларни кўриб чиқиш муддатларини ўзгартириш йўли билан бартараф этиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш;
- инвестиция лойиҳалари тасдиқланган ҳажмлар ва муддатларга қатъий риоя қилинган ҳолда инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари ва ваколатли банклар томонидан маблағлар билан ўз вақтида таъминланиши устидан назорат килиш;

- инвестиция лойиҳаси бўйича хорижий шериклар олдида қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишига кўмаклашиш;
- инвестиция муҳитини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

Аниқ дастурга эга ва Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг таркибий қисми бўлган инвестиция лойиҳалари мониторинг объекти ҳисобланади.

Инвестиция дастурининг таркибий қисми бўлган устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатига киритилган лойиҳалар бўйича маълумотлар банкини шакллантирилади. Унда:

- инвестиция лойиҳасининг ташаббускори томонидан тасдиқланган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастурига киритилган инвестиция лойиҳаси паспорти;

- ҳар бир инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган режа-жадваллари;

- устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатига киритилган инвестиция таклифлари бўйича ишлаб чиқиладиган янгидан бошланётган устувор инвестиция лойиҳаларини олға суриш чора – тадбирлари дастури.

Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаси ташаббускори томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган ахборот асосида шакллантирилади.

Инвестиция лойиҳаси паспортида инвестиция лойиҳаси ташаббускори, хорижий шерик, лойиҳанинг умумий киймати ва барпо этилаётган ишлаб чиқаришнинг лойиҳадаги куввати, маҳсулотни экспорт қилиш, маблағ билан таъминлаш манбалари ва схемаси бўйича прогноз кўрсаткичлар, лойиҳанинг қопла-

**1.3. 1-жадвал**

**Вилоятлар кесимида ишга туширилган объектлар**

Худудлар номи	Лойиҳалар сони	Мажбулот юкувват	Лойиҳадининг киймати (млн. USD)	Янги иш уринлари
Қорақалпоғистон Республикаси	4	Ип калава – 12,2 минг тн. Трикотаж матоси – 1,5 минг тн. Трикотаж буюмлари – 1,8 млн. дона Тикув буюмлари – 0,6 млн. дона	16 375,3	700
Андижон	3	Ип калава – 5,0 минг тн. Трикотаж матоси – 2,5 минг тн. Трикотаж буюмлари – 1,3 млн. дона	11 703,3	584
Бухоро	3	Ип калава – 1,0 минг тн. Мато – 7,5 млн. п. м. Тикув буюмлари – 0,5 млн. дона	3 970,0	220
Наманган	4	Ип калава – 8,4 минг тн. Тикув буюмлари – 2,0 млн. дона	12 427,0	440
Самарқанд	2	Ип калава – 0,9 минг тн. Трикотаж матоси – 0,2 минг тн. Трикотаж буюмлари – 1,2 млн. дона	2 663,6	117

*Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши*

Сирдарё	2	Ип калава – 7,25 минг тн.	10 000,0	175
Тошкент	4	Ип калава – 11,3 минг тн. Тикув буюмлари – 1,8 млн. дона	60 084,0	800
Фарғона	2	Ип калава – 8,0 минг тн. Бўялган ип калава – 2,0 минг тн.	18 500,0	150
Хоразм	2	Ип калава – 5,5 минг тн.	26 100,0	200
Тошкент ш.	2	Ип калава – 8,0 минг тн.	21 000,0	350
Жами:	28	Ип калава 60,5 минг тн., Мато 7,5 млн.п.м., Трикотаж матоси 6,2 минг тн., Трикотаж буюмлари 3,7 млн. дона.	194,8	3 736

ниш ва қарз маблағларини қайтариш муддатлари түғрисидаги ахборотлар, шунингдек, зарурат бўлганда, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилаётган корхона бўйича маълумотлар ифодаланади.

Режа-жадвалда янги ташкил этилаётган корхона-нинг техник-иктисодий асосланишини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш (зарурат бўлганда), асосий контрактни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш, инвестиция лойиҳаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорини тайёрлаш ва қабул килиш, кредит битимларини имзолаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш, миллий ва хорижий валютада маблағ билан таъминлашни бошлаш, ишлаб чиқариш майдонларини ва инфратузилма объектларини қуриш, технологик асбоб-ускуналарни ўрнатиш, корхонанинг

лойиҳадаги қувватга чиқиши бўйича аниқ муддатлар тұғрисидаги ахборотларни ўз ичига олади.

Чора-тадбирлар дастури Халқаро молия ва иқтисодий институтлар ҳамда донор мамлакатлар иштирокида Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш регламентига мувофиқ ишлаб чиқилади ва инвестициялашдан олдин инвестиция лойиҳаларининг техник-иктисодий асосланишини тасдиқлаш ва маблағ билан таъминлашнинг аниқ манбаларини белгилашгача бўлган ишлар мажмуасидан (уларни бажаришнинг прогнози муддатларини кўрсатган ҳолда) иборат.

Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар ойда:

- хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тұғрисида Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ҳажмда ва муддатларда тақдим этиладиган йиғма статистика ахбороти бўйича – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан;
- марказлаштирилган инвестициялардан, шу жумладан, Ҳукумат кафолати остида жалб этиладиган хорижий инвестициялар ва кредитлардан фойдаланиш бўйича – Молия вазирлиги ва тијорат банклари томонидан;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича – Адлия вазирлиги томонидан;
- хусусийлаштирилаётган корхоналар акциялари пакетини хорижий инвесторларга сотиш, мулкида давлат улуши бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти бўйича – Давлат рақобат кўмитаси томонидан;
- кичик ва хусусий бизнес соҳасидаги, шу жумладан, жалб этилаётган хорижий кредит линиялари иш-

тирокидаги инвестиция лойиҳалари бўйича – Давлат рақобат қўмитаси томонидан;

• лойиҳа курсаткичлари (ложиҳадаги қувватни таъминлаш, янги иш ўринларини барпо этиш) инвестиция лойиҳаси ташаббускори томонидан бажарилиши юзасидан тақдим этиладиган ахборотлар асосида маълумотлар банки янгилаб борилади.

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари мажлисларида кўриб чиқилади.

Инвестиция дастури доирасида 2012 йилда 1,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланганлиги истиқболдаги барқарор иктисодий ўсиш жараёнлари кузатилиши кутилаётганлигидан далолат беради. Мазкур хорижий инвестицияларнинг 75% и тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келади.

### **1.3.2-жадвал**

#### **Ипакчилик тармоғида 2007–2012 йиллар мобайнида амалга оширилган инвестицион лойиҳалар**

<b>Корхоналарнинг номи</b>	<b>Жойлашган худуд</b>	<b>Хом ипак ишлаб чиқариш куввати, тн.</b>	<b>Лойиҳанинг қиймати, минг USD.</b>
ҚҚ «Romstar» (XXP)	Бухоро	100	1120
ҚҚ «Helil Silk» (XXP)	Наманган	50	800
ҚҚ «Ravnaq Silk» (XXP)	Тошкент	50	550
XK «Singapore-Samarqand» (БАА)	Самарқанд, Фарғона	250	1970

МЧЖ «Хоразм Ipagi» (Ўзбекистон)	Хоразм	75	460
ҚҚ «Silver Silk» (Буюк-Британия)	Фарғона	225	2742
ҚҚ «Malobar Silk» (БАА)	Навоий	30	330
ШК «Golden Silk» (Вьетнам)	Наманган	100	1253
Хус.К «Surxon Termez Silk» (Ўзбекистон)	Сурхондарё	100	1500
Хус.Ф «Jizzax Kuxinur» (Ўзбекистон)	Жиззах	75	750
ШК «Asia Silk» (Вьетнам)	Қорақалпоғистон Республикаси	50	400
ҚҚ «Muborak Pure Silk» (XXP)	Наманган	50	500
МЧЖ «Kumushkent Ipagi» (Ўзбекистон)	Бухоро	50	400
<b>Жами:</b>		<b>1205</b>	<b>12775</b>

Президентимиз таъкидлаганидек, «Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда глобал инқизорзининг оқибатларини, бугунги ва эртанги кутиладиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, катъий, ҳар томонлама ўйланган кенг кўламли лойиҳалар бугун амалга оширилмоқда».

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ташки дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизация килиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларни амалга оширишимизда хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларига асосланган

инвестицияларига эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, жаҳон бозоридаги талабнинг пасайиб бориши маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизнинг экспорт кўламига жиддий таъсир кўрсатади.

Шунга асосланган ҳолда, Ҳукуматимиз томонидан Инкиrozга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилган булиб, мазкур Дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлов-чи чора-тадбирлар мажмую уз аксини топди.

Бу ҳолат миллий иқтисодиётимизнинг юқори инвестицион салоҳиятга эга бўлаётганлиги ва Ҳукуматимиз томонидан яратилаётган қулай инвестицион муҳит билан бевосита боғлиқдир.

Натижада 2011 йилда 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, уларнинг 70% и тўғридан-тўғри жалб қилинадиган инвестициялар улушига тўғри келади. Жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган реал секторларини модернизация қилишга йўналтирилган.

### *Тест топшириги*

- 1. Реал инвестициялар қўйидаги мақсадларда киритилади:**
  - А. Конун томонидан тақиқланмаган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятига
  - Б. Молиявий воситаларни сотиш ва сотиб олишга
  - С. Асосий воситаларни қайта ишлаб чиқаришга
  - Д. Тадбиркорлик фаолиятида асосий ва айланма капитални ташкил этиш мақсадида
  
- 2. Ички инвестициялар нима?**
  - А. Мазкур мамлакатда инвестиция фаолиятини юритаётган инвестор томонидан йўналтирилган инвестициялардир

- Б. Бошқа мамлакатда инвестиция фаолиятини юритаётган инвестор томонидан йўналтирилган инвестициялардир
- С. Инвестиция фаолиятини юритаётган инвестор томонидан йўналтирилган пул маблағлари
- Д. Инвестор томонидан бошқа инвестиция фаолиятини юритаётган инвесторга йўналтирилган инвестициялардир
- 3. Кимлар инвестиция фаолияти қатнашчилари ҳисобланади?**
- А. Инвестиция ташкилотлари, инвестиция фондлари, тижорат банклари
- Б. Бюджетдан ташқари фондлар, сугурта компаниялари ва ташкилотлари
- С. Факат давлат ва нодавлат корхоналари ва ташкилотлари
- Д. Қонун томонидан рухсат этилган барча жисмоний ва юридик шахслар
- 4. Реинвестиция нима?**
- А. Инвестиция фаолияти натижасида олинган фойдани муомаладан чиқариш
- Б. Инвестиция фаолияти натижасида олинган фойдани қайта инвестициялаш
- С. Инвестиция фаолияти натижасида олинган фойданинг мулкдорлар уртасида таксимланиши ва чет элга олиб кетилиши
- Д. Инвестиция фаолияти натижасида олиниши кутилган фойданинг бой берилиши
- 5. Капитал қўйилмалар инвестициялар тушунчаси билан қандай фарқланади?**
- А. Фарқланмайди
- Б. Капитал қўйилмалар фақат қимматли қоғозлар сотиб олишга йўналтирилади

- С. Капитал қўйилмалар инвестициялар таркибига кириб, асосан, корхоналарнинг асосий фондларини тиклаш, қайта таъмирлаш, бутунлай янгилашга йўналтирилади
- Д. Капитал қўйилмалар инвестициялар таркибига кириб, асосан, корхоналарнинг асосий фондларини тиклаш, қайта таъмирлаш, бутунлай янгилашга йўналтирилмайди

**6. Молиявий инвестициялар нима?**

- А. Бу муомаладаги молиявий воситалар
- Б. Қимматли қоғозлар
- С. Банклардаги қўйилмалар
- Д. Бу муомаладаги молиявий воситалар, шунингдек, банк депозитларига муайян муддатга боғланган инвестор маблағлари

**7. Инвестициялар мўлжалланган обьектига қўра қандай турларга бўлинади?**

- А. Реал, молиявий
- Б. Портфель, молиявий
- С. Капитал, инновацион, ижтимоий
- Д. Венчур, реал

**8. Ташқи инвестиция фаолиятини амалга оширишда қандай омиллар ўрганилади?**

- А. Мамлакатдаги иқтисодий вазият
- Б. Мамлакатдаги ижтимоий вазият
- С. Мамлакатдаги сиёсий вазият
- Д. Мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий вазият

**9. Худуд инфратузилмасининг ривожланганилиги – бу қайси омиллар гурухига киради?**

- А. Ижтимоий
- Б. Сиёсий

С. Интеллектуал

Д. Иқтисодий

10. «\_\_\_\_\_» – мамлакат, тармоқ ёки алохida олинган бирор бир корхона инвестицияларининг даромадлилиги, ривожланиш истиқболлари ва инвестицион риск даражаси нуткай назаридан баҳоланишидир.

- А. Инвестиция мухити
- Б. Инвестиция фаоллиги
- С. Инвестиция жозибадорлиги
- Д. Инвестиция салоҳияти

### ***“Блиц-сурров” учун саволлар ва топшириқлар***

1. Фаннинг предмети ҳакида маълумот беринг.
2. Фаннинг мақсади ва вазифалари ҳакида маълумот беринг.
3. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан боғликлиги.
4. Ўзбекистон Республикасига инвестицияларни жалб килишининг меъёрий-хукукий асослари масалалари.
5. Худудларнинг инвестицион фаолигини баҳолаш.
6. Инвестицион бозорнинг макроиктисодий кўрсаткичлари.
7. Минтақаларда корхоналарга инвестицияни жалб килиш қобилиятини баҳолаш.
8. Инвестицион дастурнинг таркибий қисмлари нималардан иборат?
9. Инвестицион дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш мониторинги вазифаси нималардан иборат?
10. Маълумотлар банки қандай маълумотларни ўз ичига олади?
11. Инвестиция лойиҳаси паспорти қандай маълумотларни ўз ичига олади?

12. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш Режа – Жадвали қандай маълумотларни ўз ичига олади?
13. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши қайси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилади?

### ***“Ақлий хужум” усулидан фойдаланиш учун саволлар ва топшириқлар***

1. Инвестицион бозорнинг тузилиши.
2. Ўзбекистон Республикасига инвестицияларни жалб қилиш масалалари.
3. «Инвестициялар», «Капитал қўйилмалар» ҳақида нималарни биласиз?
4. Молиявий (портфель) инвестициялар ҳақида маълумот беринг.
5. Реал (моддий) инвестициялар ҳақида маълумот беринг.
6. Интеллектуал инвестициялар ҳақида маълумот беринг.
7. Инвестиция фаолиятининг субъектлари ва обьекти ҳақида маълумот беринг.
8. «Капитал қўйилмалар» деганда нимани тушунасиз?
9. Инвестиция ва капитал қўйилмалар ўртасидаги ўхшашиблик ва фарқ нимадан иборат?
10. Инвестиция тушунчалик таърифига доир иқтисодчи олимларнинг ёндашувларига муносабатингизни билдиринг.
11. Инвестицияларнинг қандай шаклларини биласиз?
12. Инвестициялар қандай хусусиятларига қараб таснифланади?
13. Ўзбекистонда инвестиция йўналтириладиган устувор тармоклардан қайси бирини биласиз?
14. Иқтисодиётимизга чет эл инвестицияларини жалб этиш зарурати ва аҳамиятини шарҳлаб беринг.
15. Мамлакатимизда хорижий инвестициялар, айниқса, түғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилиши учун қандай имтиёзлар белгиланган?

### *Адабиётлар рўйхати*

1. Узбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тұғрисида»ги Конуни. // Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 10-модда.
2. «Узбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастури тұғрисида»ги Узбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2006 йил 9 октябрь, ПҚ – 484-сон. Узбекистон Республикаси Конун хужжатлари түплами, 2006 й. 41(229)-сон 411-модда.
3. *Каримов И.А.* Узбекистон XXI аср бусагасида: хавфисликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.–Т.: «Узбекистон», 1997.–192–1936.
4. *Бирман Г., Шмидт С.* Экономический анализ инвестиционных проектов. / пер. с англ. / Под ред. Л.П. Белых. – М.: «Банки и биржи», ЮНИТИ, 1997. – 13 с.
5. *Воҳидов С.В.* ва бошқ. Бошка тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 6 б.
6. *Вахрин П.И., Нишистой А.С.* Инвестиции: Учебник.-3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2005. – 376 с.
7. *Дэниелс Джон Д., Рабеда Ли Х.* Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции. Пер. с англ. 6-е изд., – М.: «Дело» ЛТД, 1994. – 10-11 с.
8. *Жӯраев А.С., Ҳўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С.* Инвестиция лойиҳалари таҳлили.–Т.: «Шарқ» 2003.–186.
9. *Иванов Г.И.* Инвестиции, сущность виды, механизмы, функционирование. – Ростов н/Д: «Феникс», 2002. – 250 с.
10. *Лоренс Ж. Гитман, Майкл Д. Жонк.* Основы инвестирования. Пер.с англ. – М.: «Дело», 1999. -10 с.
11. *Клас Эклунд.* Эффективная экономика. Шведская модель. – М.: «Экономика», 1999.– 96 с.

12. *Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия хисоби.* Т.: Шарқ, 2004. -222 б.
13. *Колтынок Б.А. Инвестиции.* – СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2000. – 422 с.
14. *Макконелл К. Р., Брю С.Л. Экономикс, принципы, проблемы и политика. 2-том,* – М.: Изд-во Республика, 1992. – 388 с.
15. *Хасанов Б., Эгамбердиева С. Капитал құйилмалар хисоби ва аудитини такомиллаштириш.* Монография. – Т.: «Фан» нашриёти, 2007. – 7 б.
16. *Чистов Л.М. Эффективное управление социально-экономическими системами. Теория и практика.* – СПб.: «Петрополис» 1998. – 9 с.
17. *Шарп У., Александр Г., Бейли Д. Инвестиции: Пер. с анг.* – М.: ИНФРА – М, 1999. – XII, - 1 с.
18. *Гозибеков Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Иктисад фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати* – Т.: 2002. – 6 б.
19. *Құзиеva Н.Р. «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йұналишлари» Иктисад фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати* – Т.: 2007. – 10-11 б.
20. *Ҳайдаров Н.Х. «Иктисадиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари» Иктисад фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати* – Т.; 2005. – 6 б.

## **II БОБ.**

### **ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ ВА ВАҚТ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ИНВЕСТИЦИОН ДАРОМАДЛАРНИ ҲИСОБЛАШ**

Инвестицион лойиҳа самарадорлигини аниклашда самарадорликни аниклаш усули ва кўрсаткичларни танлашга эътибор берилади. Жумладан, саноат корхоналари учун куйидаги кўрсаткичлар самараали ҳисобланади:

- активларнинг жорий қиймати асосида ҳисобланган ишлаб чиқариш рентабеллиги;
- маҳсулотни сотиш ҳажми рентабеллиги;
- моддий ва меҳнат ресурсларининг ишлатилиш самарадорлиги;
- жалб этиладиган инвестициялардан олинадиган даромад.

Шу билан бир қаторда, фойда ҳажми ва амортизация ажратмаси ҳам корхоналар учун инвестицион лойиҳани баҳолашнинг асосий мезони сифатида каралади.

Аксарият хорижий иктисадчи олимларнинг илмий ишларида инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолашда вакт мезонини ҳисобга оладиган қуйидаги икки гурух кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилган:

1. Дисконтлаш бўйича баҳолашга асосланган «динамик» усуллар:

- инвестицион лойиҳанинг самарадорлигини дисконтлашнинг соғ жорий қиймат усули асосида баҳолаш – NPV (Net Present Value);

- инвестицион лойиҳанинг самарадорлигини дисконтлашнинг инвестициялар рентабеллик индекси асосида баҳолаш – PI (Profitability Index);
- инвестицион лойиҳанинг самарадорлигини дисконтлашнинг фойданинг ички меъёри усули асосида баҳолаш – IRI (Internal Rate Index);
- инвестицион лойиҳанинг самарадорлигини дисконтлашнинг қоплаш муддати усули асосида баҳолаш – DPP (Discounted Payback Period).

2. Ҳисоблаш бўйича баҳолашга асосланган «статистик» усуллар:

- инвестицияни қоплаш муддати усули – PP (Payback Period);
- инвестиция самарадорлиги коэффициенти усули – ARR (Accounted Rate of Return).

Реал инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичларидан фойдаланиш ва ҳисоблаш услубиятини батафсил кўриб чиқамиз.

---

## **2.1. Инвестицияларнинг муқобил варианларини жорий этишда NPV-соғ жорий қийматни таққослаш усули**

---

*Инвестицион лойиҳани самарадорлигини дисконтлашнинг соғ жорий қиймат (NPV – Net Present Value) усули инвестициялашнинг натижалари түгрисида умумлаштирилган маълумот олиш имконини беради, яъни унинг мутлақ суммасидаги якуний самарасини.*

**Дисконтлашнинг соғ жорий қиймати, бу – муайян вақт оралиғида даромад ва капитал қўйилмалар орасидаги дисконтланган фаркни ифодалайди**

Инвестицион лойиҳа самарадорлигини ҳисоблашнинг асосий мезони сифатида дисконтланган *NPV*

усулидан фойдаланишнинг максадга мувофиқлиги талқин қилинади.

Инвестицион лойиҳаларнинг  $NPV$  усули қўлланилиши натижасида инвестицион харажатлар билан келажакда олинадиган даромад орасидаги нисбат аниқланади. Шунинг учун амалиётда  $NPV$  усулидан кенг фойдаланилади.

Пулнинг вакт ва таваккалчилик омиллари таъсирида ўзгариши дисконтлаш коэффициенти ёрдамида ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ўз кийматини соғ жорий қийматга тенг миқдорда оширишдан манфаатдор.

Пулда ифодаланган инвестицион лойиҳани амалга ошириш мобайнида  $NPV$  кўрсаткичи ижобий (мусбат) қийматга эга бўлиши дастлабки харажатлар копланишини билдиради.

Инвестицион лойиҳанинг  $NPV$  қанчалик юқори бўлса, унинг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади ва бу лойиҳа амалга ошириш учун қабул қилинади.

Агар инвестицион лойиҳани  $NPV$  салбий (манфий) қийматга эга бўлса, белгиланган фойда нормаси таъминланмайди, яъни лойиҳа самарасиз (заарли) ҳисобланади. Бундай лойиҳанинг татбиқ этилиши иктиносидий жиҳатдан максадга мувофиқ эмас.

Инвестицион лойиҳанинг  $NPV$  нолга тенглиги уни фақатгина капитал харажатлар копланиши ва фойда келтирмаслигини билдиради. Бу хилдаги лойиҳаларнинг ҳам амалга оширилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Пул оқимлари вақтга боғланган ҳолда таксимланганлиги сабабли дисконтлаштириш фоиз ставкалари  $r$  бўйича амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан, дисконтлаш ставкаси даражасининг тўғри асосланиши муҳим ҳисобланади.

Инвестицион харажатлар амалга оширилганда инвестицион лойиҳанинг  $NPV$  қуидагича ҳисобланади:

$$NPV = \sum_{t=1}^n \frac{SPO_t}{(1+r)^t} - IX$$

бу ерда,  $SPO_t$  – алоҳида шаклдаги инвестицион лойиҳалар амалга оширилганда соф пул оқимлари суммаси;

$IX$  – инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилганда инвестицион харажатлар суммаси;

$t$  – ҳисоблаш давридаги  $n$  интерваллар сони.

Инвестицион харажатлар бир неча босқичда амалга оширилса, у ҳолда инвестицион лойиҳанинг соф яорий қиймати  $NPV$  қуидагича ҳисобланади:

$$NPV = \sum_{t=1}^n \frac{SPO_t}{(1+r)^t} - \sum_{t=1}^n \frac{IX_t}{(1+r)^t}$$

бу ерда,  $IX_t$  – инвестицион лойиҳадан фойдаланиш давридаги интерваллар бўйича инвестицион харажатлар суммаси.

*I-мисол.* Пиллакашлик корхонаси қиймати 2 млн. USD га тенг бўлган лойиҳани таҳлил килади. Қуидаги жадвалда соф пул тушумининг қиймати келтирилган.

(млн. USD)

Номр	А лойиҳа	Б лойиҳа
1	0,9	0,8
2	1,6	1,1
3	-	0,6

Инвестицион лойиҳалар бўйича муқобил харажатлар 12 % га тенг.

Ҳар бир инвестицион лойиҳа бўйича  $NPV$  ни аниқлаймиз. Қайси лойиҳа афзал?

*А* лойиҳанинг соғ жорий қиймати тенг:

$$NPV = \frac{0,9}{1+0,12} + \frac{1,6}{(1+0,12)^2} - 2 = 0,08 \text{ млн. USD}$$

*Б* лойиҳани соғ жорий қиймати тенг:

$$NPV = \frac{0,8}{1+0,12} + \frac{1,1}{(1+0,12)^2} + \frac{0,6}{(1+0,12)^3} - 2 = 0,02 \text{ млн. USD.}$$

$0,08 > 0,02$  бўлганлиги сабабли *А* лойиҳа қабул қилинади.

**1-топшириқ.** Пиллакашлик корхонаси иккита 2,5 млн. USD га тенг бўлган инвестицион лойиҳани таҳлил қиласи. Қўйидаги жадвалда соғ пул тушумининг қиймати келтирилган.

(млн. USD)

Йил	А лойиҳа	Б лойиҳа
1	1,2	0,9
2	1,8	1,3
3	-	0,8

Инвестицион лойиҳалар бўйича муқобил харажатлар 11 % га тенг.

Ҳар бир инвестицион лойиҳа бўйича  $NPV$  ни аниқланг. Қайси лойиҳа афзал?

Юқоридаги мисол ва топшириқни замонавий компьютер технологиясидан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаймиз.

(Microsoft Office Excel) дастуридаги  $f_x$  функция ёрдамида ( $NPV$  ёки ЧПС) дисконтлашни ставкаси,

шунингдек, келгуси толов қиймат (манфий) ва тушум (мусбат) түғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда инвестициянинг соф жорий қийматини аниқлаймиз.

**1-мисол** маълумотлари ёрдамида ҳисоблаш натижалари қўйидагича:

*A* лойиҳани  $NPV (0,12; -2; 0,9; 1,6) = 0,08$  млн. USD;

*B* лойиҳа учун  $NPV (0,12; -2; 0,8; 0,6) = 0,02$  млн. USD.

**2-топширик.** Пиллакашлик корхонасининг инвестицион лойиҳаси бўйича соф жорий қиймат суммасини аниқланг:

– лойиҳани амалга ошириш муддати – 5 йил.

– лойиҳа бўйича умумий инвестицион харажат ҳажми 1000000 USD. Инвестицион харажатлар суммаси йиллар бўйича қўйидагича: 1 йил – 700000 USD; 2 йил – 300000 USD.

– лойиҳа бўйича соф пул оқимининг ҳисобланган суммаси 1800000 USD, лойиҳанинг учинчи йилдан бошлаб бир маромда соф пул оқими шаклланади (йилига 600000 USD)

– лойиҳанинг дисконтланган ставкаси йилига 10 % ни ташкил қиласди.

Инвестицион харажатлар оқимининг ҳақиқий қиймати ва инвестицион лойиҳа бўйича соф пул оқимини ҳисобланг.

1) Дисконтланган ставка 10%, қўйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:  $D=1/(1+r)^n$

$$D=1/(1+0,1)^0=1,0; D=1/(1+0,1)^1=0,909;$$

$$D=1/(1+0,1)^2=0,826; D=1/(1+0,1)^3=0,751;$$

$$D=1/(1+0,1)^4=0,683.$$

2) Ҳозирги қийматдаги лойиҳа бўйича умумий инвестицион харажат ҳажми:  $700000 \times 1,0 = 700000$ ;  $300000 \times 0,909 = 272000$  USD.

(USD)

**Инвестицион лойихага оид маълумотлар**

Кўрсаткичлар	Лойихани амалга ошириш йиллари					Умумий қиймат	Умумий ҳақиқий қиймат
	1	2	3	4	5		
Лойиха бўйича умумий инвестицион ҳаражат ҳажми	700000	300000	-	-	-	1000000	-
Соф пул оқими	-	-	600000	600000	600000	1800000	-
Дисконтланган ставка, 10%	1,000	0,909	0,826	0,751	0,683	-	-
Ҳозирги қийматдаги лойиха бўйича умумий инвестицион ҳаражат ҳажми	700000	272000	-	-	-	-	972000
Ҳозирги қийматдаги соф пул оқими	-	-	496000	451000	410000	-	1357000

3) Ҳозирги кийматдаги соф пул оқими:

$600000 \times 0,826 = 496000$ ;  $600000 \times 0,751 = 451000$  USD;  
 $600000 \times 0,683 = 410000$  USD.

Инвестицион харажатларнинг умумий суммаси ва соф пул оқимининг ҳозирги кийматини ҳисобга олган ҳолда, инвестицион лойиҳа бўйича соф жорий киймат суммасини аниқлаймиз.

$NPV = 1357000 - 972000 = 385000$  USD.

Ҳисоблаш натижалари шуни курсатадики, инвестицион лойиҳани амалга ошириш натижасида соф жорий киймат суммаси 385000 USD ни ташкил этади.

---

## **2.2. Инвестицияларнинг муқобил варианatlарини жорий этишда даромаднинг ички меъёри асосида такқослаш усули – IRI (Internal Rate Index)**

---

Даромаднинг ички меъёри (*IRI*) ҳисоблаш усули. Даромаднинг ички меъёри деб, лойиҳанинг соф жорий киймати 0 га тенг бўлган фойз ставкаси тушунилади.

Хорижий мамлакатлар амалиётида, капитал қўйилмаларни таҳлил қилишнинг дастлабки босқичи сифатида *IRI* кўрсаткичидан фойдаланилади. Лойиҳалар танловида кейинги босқичга *IRI* кўрсаткичи 10-20% дан кам бўлмаган инвестицион лойиҳалар танлаб олинади.

**Бу мезон инвестициядан пул оқимининг келажакдаги кийматини дисконт ставкаси билан белгиланган инвестицион маблағларнинг ҳозирги кийматига келтирилган аниқ бир инвестицион лойиҳанинг даромадлилик даражасини ифодалайди.**

Даромаднинг ички меъёрига инвестицион лойиҳа фойдалигининг кафолатланган қуий даражаси, деб қараш мумкин.

Агар *IRI* ишлаб чиқариш тармоғи капиталини ўртача қийматидан юқори ва лойиҳа бўйича таваккалчилик даражаси инобатга олинган бўлса, лойиҳа иқтисодий самарали деб ҳисобланади.

Иккинчи томондан, *IRI* лойиҳага жалб этилаётган молиялаштириш манбалари учун максимал тўлов ставкаси билан боғлиқликни билдиради. Бунга инвестицион харажатлар самарадорлигини баҳолашда кредит бўйича максимал ставка белгиланишини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Шундай қилиб, *IRI* «тўсик кўрсаткичи» ҳисобланади: агар капиталнинг қиймати *IRI* кўрсаткичининг сонли қийматидан юқори бўлса, бундай инвестицион лойиҳа режалаштирилган даражадаги пулни кўпайтириш ва сарфланган маблағни кайтариш учун етарли бўлмайди. Демак, бундай турдаги инвестицион лойиҳалар қабул қилинмайди.

Инвестицион лойиҳаларни солиштирма иқтисодий баҳолашда *IRI* кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Инвестициянинг соф жорий қиймати  $NPV(r_0) < 0$  бўлган ҳол учун дисконтлаш ставкаси қиймати  $r_0$  танлаймиз.

Шунингдек, инвестициянинг соф жорий қиймати  $NPV(r_1) > 0$  бўлган ҳол учун дисконтлаш ставкаси қиймати  $r_1$  танлаймиз.

Бунда даромаднинг ички меъёри қуидагича аниқланади:

$$IRI = r_0 - \frac{(r_1 - r_0)NPV(r_0)}{NPV(r_1) - NPV(r_0)}$$

**2-мисол.** 1-мисолдаги маълумотлар асосида *B* вариантдаги лойиҳанинг даромадни ички меъёрини ҳисоблаймиз.

**Б** лойиха соф жорий қийматининг  $r$  дисконтлаш ставкаси тенг:

$$NPV(r) = \frac{0,8}{1+r} + \frac{1,1}{(1+r)^2} + \frac{0,6}{(1+r)^3} - 2 = 0,02$$

$r = 0,12$  соф жорий қиймат  $NPV(r) = NPV(0,12) = 0,02$  млн. АҚШ доллари  $> 0$ .

$r = 0,15$  соф жорий қиймат  $NPV(r) = NPV(0,15) = -0,08$  млн. АҚШ доллари  $< 0$ .

Демак даромаднинг ички меъёри тенг:

$$IRR = 0,15 - \frac{(0,12 - 0,15)(-0,08)}{0,02 - (-0,08)} = 0,126 = 12,6\%$$

**З-топшириқ.** 1-топшириқдаги маълумотлар асосида **Б** вариантдаги лойиха даромаднинг ички меъёрини ҳисоблаймиз.

(Microsoft Office Excel) дастуридаги  $f_x$  молиявий функция (**ВСД**) ёрдамида ҳисоблаймиз, яъни  $f_x \rightarrow$ молиявий $\rightarrow$ **ВСД** $\rightarrow$ **OK**. Компьютерни мулоқот ойнаси (диалоговое окно) ни түлдирамиз. (*Предложения*) графасида кутилаётган қиймат ставкаси катталиги кўрсатилади (катталик кўрсатилмаган бўлса, 10% килиб олинади). (**OK**) тутмачаси босилади. 2-мисолда (**ВСД**)  $(-2; 0,8; 1,1; 0,6) = 13\%$ .

Даромаднинг ички меъёри асосида самарадорликни аниқлашда қуидаги шарт бажарилиши талаб этилади: ҳисобланайдиган инвестицион лойиҳанинг **IRI** ўрнатилган даромадлилик ставкасидан юкори бўлса, лойиҳа самарали, акс ҳолда самарасиз ҳисобланади.

---

### **2.3. Инвестицияларнинг муқобил варианларини жорий этишда лойиҳани қоплаш муддати усули – PP (Payback Period)**

**Инвестицион лойиҳани қоплаш муддати (QM) усули.** Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини

баҳоловчи қоплаш муддати кенг тарқалган кўрсат-  
кичлардан ҳисобланади.

**Қоплаш муддати – амалга оширилган инвестици-  
янинг (капитал қўйилманинг) қайтарилиши кутила-  
ётган йили сифатида ифодаланади.**

Амалиётда муқобил инвестицион лойиҳаларнинг  
самарадорлик даражасини баҳолашда **QM** дан даст-  
лабки мезон сифатида фойдаланилган.

Ликвидлик билан боғлиқ инвестицион таваккал-  
чилик даражасини баҳолаш ва капитал қўйилмалар  
самарадорлигини аниклашда **QM** дан фойдаланиш  
мумкин. Яъни лойиҳани амалга оширишда **QM** қан-  
чалик кўп бўлса, инвестицион таваккалчилик даража-  
си шунчалик юқори бўлади.

Демак, белгиланган **QM** дан кам бўлган ҳар қан-  
дай инвестицион лойиҳалар амалга ошириш учун  
қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Бозор иқти-  
солиёти шароитида инвестицион **QM** нинг ягона меъ-  
ёри мавжуд эмас.

Инвестициянинг **QM**, одатда, йиллар буйича ўлча-  
нади. Иқтисодий адабиётларда **QM** оддий ва дисконт-  
ланган турларига ажратилади.

Агар дастлабки инвестиция (капитал қўйилма)  
войиҳасини амалга ошириш давомида йиллик  
пул оқимлари ўзаро тенг бўлса, инвестицияни **QM**  
куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$QM = \frac{K_h}{P_o}$$

Бу ерда,  $K_h$  – инвестицион лойиҳадаги капитал  
қўйилмалар ҳажми, сўм;

$P_o$  – йиллик пул оқимлари (даромад) миқдори,  
сўм.

Бу усулдан фойдаланиш баъзи муаммоларни вужудга келтириши мумкин. Жумладан, инвестицияларни қоплаш муддати соф фойда қиймати буйича эмас, балки ялпи фойда ҳисобида амалга оширилади.

Амалиётда барча солиқлар ва бошқа мажбурий түловларни тұлагандан кейин корхона ихтиёрида қолган маблағлар мажбуриятларни үз вактида бажаришга етарли бұлмаслиги мумкин.

Бундай шароитда инвестицияни **QM** моҳиятини йүқтөді.

Инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда корхона үз маблағи ҳамда жалб этилган маблағлардан фойдаланиши мумкин. Одатда, оддий **QM** буйича ҳисоблаш ишлари амалга оширилгандан үз маблағи ёки қарзға олинган капиталнинг турли хилдаги баҳоси ҳисобға олинмайды. Бу эса ушбу усульнинг камчилигиге сифатида қаралади.

**З-мисол.** 1-мисолда келтирилған маълумотлар асосида ҳар бир инвестицион лойиҳанинг **QM** ни аниклаймиз.

Пиллакашлик корхонаси учун дастлабки, қиймати 2,0 млн. АҚШ долларига teng бұлған **A** инвестицион лойиҳанинг қопланиши учун биринчи йилда 0,9 млн. АҚШ доллары ва иккинчи йилда  $(2,0 - 0,9) = 1,1$  млн. USD иккинчи йилга режалаштирилған (1,6 млн. USD дан) инвестиция йұналтириш лозим. Шунда **A** лойиҳаның  $QM = 1 + 1,1 / 1,6 = 1,7$  йилга teng.

Қиймати 2,0 млн. АҚШ долларига teng бұлған **B** инвестицион лойиҳаның қопланиши учун биринчи йилда 0,8 млн. USD; иккинчи йилда 1,1 млн. USD ва учинчи йилда  $2,0 - (0,8 + 1,1) = 0,1$  млн. USD (0,6 млн. USD дан) инвестиция йұналтириш лозим. Шунда **B** лойиҳаның  $QM = 1 + 1 + 0,1 / 0,6 = 2,2$  йилга teng.

$1,7 < 2,2$  бұлғанлиги сабабли **A** лойиҳаның қабул қилиниши мақсадға мувофик, яғни **QM** қисқа бұлған лойиҳа.

Амалиётда коплаш муддати усули, асосан, инвестицион лойихалар бўйича умумлашган маълумотлар олишда фойдаланилади.

Бунга сабаб бу усул *QM* тугагандан кейинги пул оқимларини хисобга олмайди.

## **2.4. Инфляция. Инфляция шароитида келгусида пулнинг қадрини хисоблаш**

**Инфляция – миллий валютанинг қадрсизланиши, яъни унинг сотиб олиш хусусияти пасайиши ва мамлакатда баҳонинг ошишини ифодалайди.**

Инфляция бўлмаган шароитда сотиб олиш қийматига эга бўлган пулни  $S$  билан белгилаймиз.

Инфляция шароитида сотиб олиш қийматига эга бўлган пулни эса  $S_a$  билан белгилаймиз. Бунда бир хилдаги товарларни сотиб олиш назарда тутилади. Демак,  $S_a > S$  бўлади.

$\Delta S = S_a - S$  деб белгилаймиз. Бунда  $a = (\Delta S - S) / S$  бўлади. Ўни инфляция даражаси дейилади, яъни ўсиш индекси. Бу кўрсаткич ўрганилаётган даврда баҳонинг ўртача неча фоизга ошганини кўрсатади.  $\Delta S = S_a - S \rightarrow S = S + \Delta S$  лекин,  $a = \Delta S / S \rightarrow \Delta = aS$ . Демак,

$$S_a = S + \Delta S = S + aS$$

*11+a* катталиги **инфляция индекси** деб юритилади. Бу ўсиш индекси. Бу ўрганилаётган даврда баҳо ўртача неча маротаба ошганини курсатади.

**4-мисол.** Ҳар ойда баҳо  $1,5\%$  га ошмоқда. Инфляция даражаси бир йилда қанча бўлади?

Бунда  $12 \times 1,5 = 18\%$  нотуғри жавоб ҳисобланади. Сабаби  $1,5\%$  ни ҳар ойда эришилган натижага караб

хисоблаш зарур, яъни мураккаб фоиз ставкаси орқали.

Тұғри хисоблаш қуидагича бұлади:  
 $I_{\text{шт}} = (1 + 0,015)^{12} = 1,2$ , яъни баҳо бир йилда 1,2 маротаба ёки 20 % га ошади.

**5-мисол.** Инфляция даражаси январ ойида 2 %, феврал ойида 1 % ва март ойида 3 % ни ташкил қилган.

Демак, үрганилаёттан даврда инфляция индекси неча фоизни ташкил этади?

Инфляция даражаси  $= (1 + 0,02)(1 + 0,01)(1 + 0,03) = 1,061$  яъни, үрганилаёттан даврда инфляция даражаси 6,1% ни ташкил этади.

*Фишер формуласи ёрдамида оддий фоизли ҳол учун инфляцияни ҳисобга олувиши ставка. D-дастлабки сумма, n- ҳисоблаш даври, i-ссуда фоизининг йиллик оддий ставкаси. Бунда  $S=D(1+ni)$  суммани ташкил этади. Бу сумма инфляцияни ҳисобга олмайды.*

Үрганилаёттан даврда инфляция даражаси  $n$  тенг  $a$ .  
 $S_a$  – бу инфляция шароитидаги пулнинг сотиб олиш қобилияти инфляция бұлмаган ҳолдаги  $S$  пулни сотиб олиш қобилиятига тенг. Демак,

$$S = S(1+a) = D(1+ni)(1+a)$$

Лекин,  $S_a$  суммани  $D$  ни дастлабки суммасини  $n$  муддатта  $i_a$  ссуда фоизини оддий ставкаси бүйича инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш ҳам мумкин бұлади, яъни,

$$S = D(1+ni_a)$$

Шу ерда,  $D(1+ni_a)(1+a) = D(1+ni_a) \rightarrow (1+ni)(1+a) = 1+ni \rightarrow 1+ni + a + ni = i = (ni + a + ni)/n$ .

Демак,  $i$ -йиллик оддий ссуда фоизи ставкаси бўйича реал даромад олиш учун ўрганилаётган даврда инфляция даражаси  $a$  бўлган дастлабки суммани  $n$  муддатда жойлаштириш лозим.

Агар  $n=1$  йил бўлса,  $i = i + a + i_a$  га teng булади. Бу Фишер формуласидир.  $a + i_a$  катталиги **инфляция мукофоти** дейилади.

**6-мисол.** Ҳисоблаш даври  $n=3$  ой, кутилаётган ойлик инфляция даражаси 2%. Йиллик  $i=5\%$  реал даромадни таъминлаш учун дастлабки суммани қандай фоизли оддий ссуда ставкаси бўйича кўйиш лозим?

Ҳисоблаш даври учун кутилаётган инфляция  $n=3$  ой 0,25 йил  $I=(1+0,02)^3=1,061$ , яъни ўрганилаётган давр учун инфляция даражаси  $a=0,061$ . Бунда  $i = (ni + a + nia)/n = i = (0,25 \times 0,05 + 0,061 + 0,25 \times 0,05 \times 0,061)/0,25 = 0,297 (=29,7\% \text{ йилига})$ .

**7-мисол.** Йиллик  $i=15\%$  оддий ссуда ставкаси шарти билан апрель-июнъ ойлари учун дастлабки сумма кўйилган. Апрель ойида инфляция даражаси 1%, май ойида 1,5% ва июн ойида 2% ни ташкил этган. Оддий ставкали ссуда фоизининг йиллик реал даромади қандай?

Ўрганилаётган даврда инфляция индекси  $n=3$  ой  $=0,25$  йил  $I=(1+0,01)(1+0,015)(1+0,02)=1,046$ , яъни ўрганилаётган даврда инфляция даражаси  $a=0,046$  га teng. Бунда  $i = (ni - a)/(n+na)$   $i = (0,25 \times 0,15 - 0,046)/(0,25 + 0,25 \times 0,046) = -0,033 (= -3.3\% \text{ йилига}, \text{ яъни операция заарли})$ .

*Мураккаб фоизли ҳол учун инфляцияни ҳисобга олувчи ставка. Ўрганилаётган даврда дастлабки сумма  $i_a$  – мураккаб фоизли ссуда ставкалари ва  $n$  –*

муддатга,  $a$  – инфляция даражаси бўйича инвестицияланган шароитда кўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$i = (1 + i_a) / \sqrt[n]{1+a} - 1$$

**8-мисол.** Ҳисоблаш даври  $n=3$  йил, кутилаётган йиллик инфляция даражаси  $14\%$ . Йиллик  $i=5\%$  реал даромадни таъминлаш учун дастлабки суммани қандай фоизли мураккаб ссуда ставкаси бўйича қўйиш керак?

Ҳисоблаш даври учун кутилаётган инфляция  $n=3$  йил  $I=(1+0,14)^3=1,48$ , яъни инфляция даражаси  $a$  кўрилаётган давр учун  $a=0,48$ . Бунда,

$$i = (1+i) \sqrt[3]{1+a-1} = (1+0,05) \sqrt[3]{1+0,48-1} = 0,197 (=19,7 \% \text{ иилига})$$

**9-мисол.** Дастребаки сумма  $n=3$  йилга мураккаб йиллик фоизли ссуда ставкаси  $i = 20\%$  бўйича қўйилган. Инфляция даражаси биринчи йилда  $16\%$ , иккинчи йилда  $14\%$  ва учинчи йилда  $13\%$  ни ташкил этган. Мураккаб ставкали ссуда фоизининг йиллик реал даромади қандай?

Инфляция даражаси урганилаётган даврда  $n=3$  йилда  $I=(1+0,16)(1+0,14)(1+0,13)=1,494$ , яъни инфляция даражаси  $a$  урганилаётган даврда  $a=0,494$ . Бунда мураккаб йиллик фоизли ссуда ставкаси

$$i = (1+0,2) / \sqrt[3]{1+0,494-1} = 0,05 (=5\% \text{ иилига}).$$

---

## 2.5. Инфляция шароитида келтирилган қийматни ҳисоблаш усули

---

**Инфляция пул оқими қийматига таъсир этади, яъни пулнинг сотиб олиш қобилиятини пасайтиради.**

Инфляция шароитида соф жорий қийматни баҳолашнинг иккита тури мавжуд: номинал ставка (инфляцияни ҳисобга оладиган дисконтлаш ставкаси) ва реал ставка (инфляцияни ҳисобга олмайдиган дисконтлаш ставкаси).

$$\text{Реал дисконтлаш ставка} = \frac{(1 + \text{номинал ставка})}{(\text{инфляция индекси}) - 1}$$

**10-мисол.** Шойи тўқиши корхонаси инвестицион лойиҳани куриб чикмоқда. Дастраски харажат 3,0 млн. USD га тенг, қолдиқ қиймат – 0, лойиҳани амалга ошириш муддати 3 йил.

(млн. USD)

Йил	Солик тўлагандан кейинги кутилаётган фойда
1	1,4
2	1,5
3	1,7

Инвестиция бўйича альтернатив харажат 15% га тенг, кутилаётган йиллик инфляция даражаси – 7%. Инфляция шароитида инвестицион лойиҳанинг соф жорий қийматини аниқлаймиз.

*1-усул.* Номинал пул оқими ва номинал ставкани ишлатилиши.

Инфляцияни ҳисобга олган ҳолда, пул оқимини аниқлаймиз ва жадвални тўлдирамиз.

Йил	Инфляция индекси	Инфляцияни ҳисобга олган ҳол учун пул оқими
1	1,07	$1,4 \times 1,07 = 1,50$

2	$1,07^2=1,145$	$1,5 \times 1,145 = 1,72$
3	$1,07^3=1,225$	$1,7 \times 1,225 = 2,08$

Жадвалнинг 3-устунини тўлдиришда солик тўлағандан кейинги кутилаётган фойда тегишли инфляция индексига кўпайтирилади. Бунда, лойиҳанинг соф жорий қиймати teng:  $(1,50/1,15 + 1,72/1,15^2 + 2,08/1,15^3) - 3 = 0,972$  млн. USD.

2-усул. Реал пул оқимлари ва реал дисконтлаш ставкаларининг ишлатилиши.

Реал дисконтлаш ставкаси  $= (1 + 0,15) / 1,07 - 1 = 0,075$

Бунда лойиҳанинг соф жорий қиймати teng:  $(1,4 / 1,075 + 1,5 / 1,075^2 + 1,7 / 1,075^3) - 3 = 0,969$  млн. USD.

Рақамлар яхлитланиб олинганлиги сабабли натижалар бир оз фарқ қиласди.

## **2.6. Инвестицион қарорларни баҳолашни таққослаш усули (*WACC* усули)**

---

Капиталнинг турли манбалари қийматини аниқлагандан кейин пиллакашлик корхонасини узоқ муддатли молиялаштириш қийматини баҳолаш имкониятига эга бўлади. Капитални ўртача қиймати *WACC* (ингл. Weighted average cost of capital) қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$WACC = i\text{-капитал манбанин} \times i\text{-капитал манбанин} \text{ қийматини салмоғи}$$

Бу маълумотлар асосида инвестицион лойиҳаларни баҳолаш учун керак бўладиган дисконтлаш коэффициенти ҳисобланади.

**11-мисол.** Пиллакашлик корхонаси капиталининг манбай йиллик фоизларда бозор қиймати ва қиймати жадвалда келтирилган.

Капитал манбалари	Қиймати	Бозор қиймати
Кредит	10	0,5
Оддий акция	16	1,9
Облигация	8	0,6

Пиллакашлик корхонаси капитали ўртacha қийматини аниклаймиз ва қуйидаги жадвалда расмийлаштирамиз.

Капитал манбаси	Қиймати	Бозор қиймати	Бозор қиймати буйича салмоғи	WACC
1	2	3	4=3/(3 сумма)	5=2x4
Кредит	10	0,5	0,167	1,67
Оддий акция	16	1,9	0,633	10,128
Облигация	8	0,6	0,2	1,6
Сумма	-	3	1	13,398

Демак, пиллакашлик корхонаси капиталини ўртacha қиймати  $WACC = 13,398$  йиллик фоизни ташкил этади.

## 2.7. Аннуитет ва унинг турлари

**Аннуитет (молиявий рента),** бу – бир хил вақт оралиғида кетма-кет тұловлар хисобланади. Масалан: нафака фондига бадаллар.

*Рента оралиғи,* бу – иккита кетма-кет тұловлар оралиғидаги вақт. Агар тұловлар үзаро тенг бұлса, бу доимий рента, аксинча үзгарувчан рента дейилади.  $R$ , бу – алохыда рента тұловининг катталиги. Рента муддати  $t$ , бу – рентани дастлабки ва охирги тұловиғача бұлған вақт.

Рента тұловлари тұлаш муддатининг охирида амалга оширилса уни “постнумерандо” ва рента оралиғининг бошида амалга оширилса “пренумерандо” дейилади.

Дисконтланган тұловларни ҳисоблашда  $i$  – мураккаб фоиз ставкасидан фойдаланилади.

*Рентани келгуси сүммаси  $S$ ,* бу – тұлов муддати келгандың тұловлар ва фоизларнинг биргаликда тұлаши.

*Рентани ҳозирги қыймати  $A$ ,* бу – математик дисконтлаш ёрдамида рентани тұлов муддатининг бошида фоизлар билан биргаликда тұланишини ифодалайды.

## 2.8. Аннуитетни келгуси қыймати ва келтирилған қыйматини хисоблаш усуллари

“Постнумерандо” шакида рентани келгусидаги сүммаси қуйидагича ҳисобланади:

$$S = R \frac{(1+i)^n - 1}{i}$$

**12-мисол.** Мижоз  $n=5$  йил муддатда тијорат банкида  $R=1\ 000\ 000$  сүм пул маблагини сақлаган. Омо-

нат бўйича фоизлар мураккаб фоиз ставкаси бўйича йиллик  $i=15\%$  микдорида ҳисоблаб борилган. Рентани келгусидаги суммаси куйидагини ташкил қиласди:

$$S = 1000000 \frac{(1+0,15)^5 - 1}{0,15} = 6742380 \text{ сўм}$$

“Пренумерандо” шаклида рентани келгусидаги суммаси куйидагича ҳисобланади:

$$S = R(1+i) \frac{(1+i)^n - 1}{i}$$

**13-мисол.** (*Мисол 12*) да келтирилган маълумотлар асосида “Пренумерандо” шаклида рентани келгусидаги суммасини ҳисоблаймиз.

$$S = 1000000(1+0,15) \frac{(1+0,15)^5 - 1}{0,15} = 7753740 \text{ сўм}$$

Оддий рентани ҳозирги қиймати қуйидагича ҳисобланади:

$$A = R(1+i) \frac{1 - 1 / (1+i)^n}{i}$$

**14-мисол.** Оддий рентани ҳозирги қиймати (*Мисол 12*)даги маълумотлар асосида ҳисоблаймиз.

$$A = 1000000(1+0,15) \frac{1 - 1 / (1+0,15)^5}{0,15} = 3854978 \text{ сўм}$$

Оддий рентани алоҳида тўловлари –  $R$  “постнумерандо” шаклида куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$R = \frac{Si}{(1+i)^n - 1}$$

**15-мисол.**  $n=3$  йилда  $S=50000$  минг сүмни жамғариш учун мураккаб йиллик фоиз ставкаси  $i=12\%$  ни ташкил этгандаги йиллик тўловлар микдорини ҳисоблаймиз.

$$R = \frac{50000 \times 0,12}{(1+0,12)^3 - 1} = 14536,574 \text{ минг.сўм}$$

**16-мисол.** (Мисол 15)да келтирилган маълумотлар асосида йил бошига тўловларнинг амалга оширилишини ҳисоблаймиз.

$$R = \frac{Si}{(1+i)((1+i)^n - 1)} = \frac{50000 \times 0,12}{(1+0,12)((1+0,12)^3 - 1)} = \\ = 13229,87 \text{ минг.сўм}$$

**17-мисол.** Мижоз  $n=3$  йилгача йиллик  $i=14\%$   $A=50000$  минг сўмлик кредит олди. Йил охирида тўловнинг сўндирилиш микдорини ҳисоблаймиз.

$$R = \frac{Ai}{1 - 1 / (1+i)^n} = \frac{50000 \times 0,14}{1 - 1 / (1+0,14)^3} = 21536,57 \text{ минг.сўм}$$

**18-мисол.** (Мисол 17)да келтирилган маълумотлар асосида ҳар йили бошига тўловларнинг амалга опирилишини ҳисоблаймиз.

$$R = \frac{Ai}{(1+i)(1 - 1 / (1+i)^n)} = \frac{50000 \times 0,14}{(1+0,14)(1 - 1 / (1+0,14)^3)} = \\ = 118891,73 \text{ минг.сўм}$$

Оддий рентта муддатини куйидаги формула орқали аниклаймиз:

$$n = \ln(1 + \frac{Si}{R(1+i)}) / \ln(1+i)$$

Бу ерда:

$R$  – алохіда тұлов катталиғи;

$i$  – фоиз ставкасы;

$S$  – келгуси сума;

$A$  – ҳозирги қыймат.

**19-мисол.** Йиллик тұловлар миқдори  $R=5000$  минг сүм, фоиз ставкаси  $i=12\%$ , келгуси сума  $S=30000$  минг сүм. “Постнумерандо” ва “Пренумерандо” шаклида оддий рента муддатларини ҳисоблаймиз:

1) “Постнумерандо” рента учун  $n=\ln(1+Si/R)/\ln(1+i)$

$n=\ln(1+30000000\times0,12/5000000)/\ln(1+0,12)=4,8$  йил.

2) “Пренумерандо” рента учун  $n=\ln(1+Si/R(1+i))/\ln(1+i)$

$n=\ln(1+30000000\times0,12/5000000(1+0,12))/\ln(1+0,12)=4,4$  йил.

**20-мисол.** “Постнумерандо” ва “Пренумерандо” шаклидаги ренталар учун  $A=30000$  минг сүм, йиллик тұловлар  $R=9000$  минг сүм ва фоиз ставкаси  $i=15\%$  хол учун кредитни йиллик сұнишини ҳисоблаймиз.

1) “Постнумерандо” рента учун  $n=-\ln(1-Ai/R)/\ln(1+i)$

$n=-\ln(1-30000000\times0,15/9000000)/\ln(1+0,15)=5$  йил.

2) “Пренумерандо” рента учун  $n=-\ln(1-Ai/R(1+i))/\ln(1+i)$

$n=-\ln(1-30000000\times0,15/9000000(1+0,15))/\ln(1+0,15)=4,1$  йил.

## Мустақил иш учун топширик

**1-топширик.** Пиллакашлик корхонасининг қиймати  $a$  млн. USD га teng бўлган лойиҳаси таҳлил килинади. Қуйидаги жадвалда соф пул тушумининг қиймати келтирилган.

йил	А лойиҳа	Б лойиҳа
1	$b$	$d$
2	$c$	$e$
3	-	$f$

Инвестицион лойиҳалар бўйича муқобил харажатлар  $g\%$  га teng. Ҳар бир инвестицион лойиҳа бўйича  $NPV$  ни аниқланг? Қайси лойиҳа афзал?

**2-топширик.** Ипак йигириув корхонасининг қиймати  $a$  млн. USD га teng бўлган лойиҳаси таҳлил килинади. Қуйидаги жадвалда соф пул тушумининг қиймати келтирилган.

йил	А лойиҳа	Б лойиҳа
1	$b$	$d$
2	$c$	$e$
3	-	$f$

Инвестицион лойиҳалар бўйича муқобил харажатлар  $g\%$  га teng. Ҳар бир инвестицион лойиҳа бўйича  $IRR$  ни аниқланг.

**3-топширик.** Шойи тўкув корхонасининг қиймати  $a$  млн. USD га teng бўлган лойиҳаси таҳлил килинади. Қуйидаги жадвалда соф пул тушумининг қиймати келтирилган.

йил	А лойиҳа	Б лойиҳа
1	$b$	$d$
2	$c$	$e$
3	-	$f$

Инвестицион лойиҳалар бўйича муқобил харажатлар  $g\%$  га тенг. Ҳар бир инвестицион лойиҳа бўйича  $QM$  ни аникланг.

**(топширик вариантлари 1-3)**

T/p.	a	b	c	d	e	f	g
1.	2,1	1,1	1,5	0,8	1,2	1,6	11
2.	2,3	1,2	1,6	0,9	1,3	1,7	12
3.	2,4	1,3	1,7	0,7	1,4	1,8	13
4.	2,6	1,4	1,8	0,6	1,5	1,9	14
5.	2,8	1,5	1,9	0,5	1,6	1,8	15
6.	2,3	1,1	1,8	0,8	1,5	1,7	11
7.	2,7	1,2	1,7	0,9	1,4	1,6	12
8.	2,8	1,3	1,6	0,7	1,3	1,5	13
9.	2,9	1,4	1,5	0,6	1,2	1,4	14
10.	2,4	1,5	1,4	0,5	1,1	1,3	15
11.	2,1	1,2	1,5	0,9	1,2	1,7	11
12.	2,3	1,3	1,6	0,7	1,3	1,8	12
13.	2,4	1,4	1,7	0,6	1,4	1,9	13
14.	2,6	1,5	1,8	0,5	1,5	1,8	14
15.	2,8	1,1	1,9	0,8	1,6	1,7	15
16.	2,3	1,2	1,8	0,9	1,5	1,6	11
17.	2,7	1,3	1,7	0,7	1,4	1,5	12
18.	2,8	1,4	1,6	0,6	1,3	1,4	13
19.	2,9	1,5	1,5	0,5	1,2	1,3	14
20.	2,8	1,1	1,4	0,8	1,4	1,6	15

**4-топширик.** Ҳар ойда баҳо  $a\%$  га ошмоқда. Инфляция даражаси бир йилда қанча бўлади?

**5-топширик.** Инфляция даражаси январь ойида  $b\%$ , февраль ойида  $c\%$  ва март ойида  $d\%$  ни ташкил қилган.

Демак, ўрганилаётган даврда инфляция индекси неча фоизни ташкил этади?

**6-топшириқ.** Ҳисоблаш даври  $e$  ой, кутилаётган ойлик инфляция даражаси  $f\%$ . Йиллик  $g\%$  реал даромадни таъминлаш учун дастлабки суммани қандай фоизли оддий ссуда ставкаси бўйича кўйиш лозим?

**7-топшириқ.** Йиллик  $h\%$  оддий ссуда ставкаси шарти билан январь-июнь ойлари учун дастлабки сумма кўйилган. Январь ойида инфляция даражаси  $i\%$ , февраль ойида  $j\%$ , март ойида  $k\%$ , апрель ойида  $l\%$ , май ойида  $m\%$  ва июнь ойида  $n\%$  ни ташкил этган. Оддий ставкали ссуда фоизининг йиллик реал даромади қандай?

**(топшириқ вариантлари 4-7)**

T/p.	a	b	c	d	e	f	g	h	i	j	k	l	m	n
1.	2,0	3	4	3	6	1,6	3	15	0,3	2,0	1,6	0,4	3	1,7
2.	1,6	1	2	1	3	1,7	4	16	0,4	1,6	1,7	0,5	4	1,8
3.	1,7	2	3	2	9	1,8	5	17	0,5	1,7	1,8	0,6	5	1,9
4.	1,8	3	4	3	12	1,9	6	18	0,6	1,8	1,9	0,7	3	2,1
5.	1,9	4	5	4	3	2,1	7	19	0,7	1,9	2,1	0,8	4	2,2
6.	2,1	2	3	2	9	2,2	4	20	0,8	2,1	2,2	0,9	4	2,3
7.	2,2	3	4	3	6	2,3	3	21	0,9	2,2	2,3	0,5	3	2,4
8.	2,3	1	2	1	12	2,4	6	22	0,5	2,3	2,4	0,6	5	2,5
9.	2,4	2	3	2	3	2,5	5	23	0,6	2,4	2,5	0,8	5	2,6
10.	2,5	3	4	3	6	2,6	8	24	0,8	2,5	2,6	0,7	4	2,7
11.	2,6	3	4	3	12	2,7	7	25	0,7	2,6	2,7	0,6	5	2,8
12.	2,7	1	2	1	9	2,8	3	26	0,6	2,7	2,8	0,4	3	2,9
13.	2,8	2	3	2	6	2,9	4	27	0,4	2,8	2,9	0,3	4	1,5
14.	2,9	3	4	3	3	1,5	6	28	0,3	2,9	1,5	0,5	5	1,4
15.	1,5	4	5	4	9	1,4	7	29	0,5	1,5	1,4	0,6	3	1,3
16.	1,4	3	4	3	12	1,3	8	30	0,6	1,4	1,3	0,4	4	1,2
17.	1,3	2	2	2	6	1,2	6	15	0,4	1,3	1,2	0,5	4	1,1
18.	1,2	1	2	1	9	1,1	7	16	0,5	1,2	1,1	0,8	3	1,0
19.	1,1	2	3	2	3	1,0	3	17	0,8	1,1	1,0	0,3	3	2,0
20.	1,0	3	4	3	12	2,0	5	19	0,3	1,0	2,0	0,4	5	1,1

**8-топшириқ.** Ҳисоблаш даври  $o$  йил, кутилаётган йиллик инфляция даражаси  $p\%$ . Йиллик  $q\%$  реал даромадни таъминлаш учун дастлабки суммани қандай фоизли мураккаб ссуда ставкаси бўйича қўйиш керак?

**9-топшириқ.** Дастлабки сумма  $r$  йилга мураккаб йиллик фоизли ссуда ставкаси  $s\%$  бўйича қўйилган. Инфляция даражаси биринчи йилда  $t\%$  ва иккинчи йилда  $u\%$  ни ташкил этган. Мураккаб ставкали ссуда фоизининг йиллик реал даромади қандай?

**(топшириқ варианatlари 8-9)**

T/p.	$o$	$p$	$q$	$r$	$s$	$t$	$u$
1.	3	10	4	2	15	13	14
2.	2	11	5	1	16	14	15
3.	1	12	6	2	14	12	13
4.	4	13	7	1	13	11	12
5.	5	14	8	2	12	10	11
6.	3	15	4	3	15	13	14
7.	2	10	5	1	16	14	15
8.	1	11	6	2	17	15	16
9.	5	12	7	3	13	11	14
10.	4	13	8	2	14	12	13

T/p.	$o$	$p$	$q$	$r$	$s$	$t$	$u$
11.	2	10	5	3	16	14	15
12.	1	11	6	2	14	12	13
13.	4	12	7	1	13	11	12
14.	5	13	8	2	12	10	11
15.	3	14	4	1	15	13	14
16.	2	15	5	2	16	14	15
17.	1	10	6	3	17	15	16
18.	5	11	7	1	13	11	12
19.	3	12	8	2	14	12	13
20.	2	10	5	3	15	13	14

**10-топшириқ.** Шойи тўқиши корхонаси инвестицион лойиҳани кўриб чикмоқда. Дастлабки харажат  $a$  млн. USD га тенг, қолдиқ қиймат – 0, лойиҳани амалга ошириш муддати 3 йил.

Йиллар	Солик тўлагандан сўнг кутилаётган фойда
1	$c$
2	$b$
3	$d$

Инвестиция буйича альтернатив харажат  $g\%$  га тенг, кутилаётган йиллик инфляция даражаси  $-f\%$ . Инфляция шароитида инвестицион лойиҳани  $NPV$  ни аникланг.

**(топшириқ варианatlари 10)**

T/p.	a	b	c	d	f	g
1.	2,1	1,1	1,5	0,8	6	11
2.	2,3	1,2	1,6	0,9	7	12
3.	2,4	1,3	1,7	0,7	8	13
4.	2,6	1,4	1,8	0,6	9	14
5.	2,8	1,5	1,9	0,5	8	15
6.	2,3	1,1	1,8	0,8	7	11
7.	2,7	1,2	1,7	0,9	6	12
8.	2,8	1,3	1,6	0,7	5	13
9.	2,9	1,4	1,5	0,6	4	14
10.	2,4	1,5	1,4	0,5	3	15

№	a	b	c	d	f	g
11.	2,3	1,5	1,4	0,5	3	12
12.	2,4	1,1	1,5	0,8	6	13
13.	2,6	1,2	1,6	0,9	7	14
14.	2,8	1,3	1,7	0,7	8	15
15.	2,3	1,4	1,8	0,6	9	11
16.	2,7	1,5	1,9	0,5	8	12
17.	2,8	1,1	1,8	0,8	7	13
18.	2,9	1,2	1,7	0,9	6	14
19.	2,4	1,3	1,6	0,7	5	15
20.	2,1	1,4	1,5	0,6	4	11

**11-топшириқ.** Пиллакашлик корхонаси капиталининг манбай йиллик фоизларда бозор қиймати ва қиймати жадвалда келтирилган.

Капитал манбалари	Қиймати	Бозор қиймати
Кредит	<i>a</i>	<i>x</i>
Оддий акция	<i>b</i>	<i>y</i>
Облигация	<i>c</i>	<i>m</i>

Пиллакашлик корхонаси капиталининг ўртача қийматини аникланг.

**(топшириқ варианatlари 11)**

T/p.	a	b	c	x	y	m
1.	11	14	4	1,5	0,8	0,2
2.	12	15	5	1,4	0,9	0,6
3.	13	16	6	1,3	0,7	0,7
4.	14	16	6	1,2	0,6	0,8

T/p.	a	b	c	x	y	m
11.	15	14	5	1,4	0,8	0,2
12.	11	15	6	1,3	0,9	0,6
13.	12	16	6	1,2	0,7	0,7
14.	13	16	8	1,1	0,6	0,8

5.	15	18	8	1,1	0,5	0,9
6.	11	15	5	1,2	0,6	0,2
7.	12	17	7	1,3	0,7	0,1
8.	13	15	5	1,4	0,8	0,3
9.	14	17	7	1,5	0,9	0,4
10.	15	17	7	1,6	0,9	0,5

15.	14	18	5	1,2	0,5	0,9
16.	15	15	7	1,3	0,6	0,2
17.	11	17	5	1,4	0,7	0,1
18.	12	15	7	1,5	0,8	0,3
19.	13	17	7	1,6	0,9	0,4
20.	14	17	4	1,5	0,9	0,5

**12-топширик.** Мижоз  $n$  йил муддатда тижорат банкида  $R$  сүм пул маблағини сақлаган. Омонат бүйича фоизлар мураккаб фоиз ставкаси бүйича йиллик  $i\%$  миқдорида ҳисоблаб борилган. Рентанинг келгусидаги суммасини аниқланг.

**13-топширик.** Мижоз  $n$  йил муддатда тижорат банкида  $R$  сүм пул маблағини сақлаган. Омонат бүйича фоизлар мураккаб фоиз ставкаси бүйича йиллик  $i\%$  миқдорида ҳисоблаб борилган. “Пренумерандо” шаклида рентанинг келгусидаги суммасини аниқланг.

**14-топширик.** Мижоз  $n$  йил муддатда тижорат банкида  $R$  сүм пул маблағини сақлаган. Омонат бүйича фоизлар мураккаб фоиз ставкаси бүйича йиллик  $i\%$  миқдорида ҳисоблаб борилган. Оддий рентанинг ҳозирги қийматини аниқланг.

**15-топширик.**  $n$  йилда  $S$  минг сүмни жамғариш учун мураккаб йиллик фоиз ставкаси  $i\%$  ни ташкил этганда йиллик тұловлар миқдорини аниқланг.

**16-топширик.**  $n$  йилда  $S$  минг сүмни жамғариш учун мураккаб йиллик фоиз ставкаси  $i\%$  ни ташкил этганда йил бошига тұловларнинг амалга оширилишини аниқланг.

**17-топширик.** Мижоз  $n$  йилгача йиллик  $i\%$  ли  $A$  минг сүмлик кредит олди. Йил охирида тұловнинг сұндирилиш миқдорини аниқланг.

**18-топшириқ.** Мижоз  $n$  йилгача йиллик  $i$  % ли  $A$  минг сүмлик кредит олди. Ҳар йили бошига түловларнинг амалга оширилишини аникланг.

**19-топшириқ.** Йиллик түловлар миқдори  $R$  минг сүм, фоиз ставкаси  $i$  %, келгуси сумма  $S$  минг сүм. “Постнумерандо” ва “Пренумерандо” шаклида оддий рента муддатларини аникланг.

**20-топшириқ.** “Постнумерандо” ва “Пренумерандо” шаклидаги ренталар учун  $A$  минг сүм, йиллик түловлар  $R$  минг сүм ва фоиз ставкаси  $i$  ҳол учун кредитнинг йиллик сүнишини аникланг.

**(топшириқ варианatlари 12-20)**

Г/р.	$n$	$i$	$R$	$S$	$A$
1.	3	12	1000	30000	50000
2.	2	13	2000	40000	60000
3.	5	14	3000	50000	70000
4.	4	15	4000	60000	80000
5.	3	14	5000	70000	90000
6.	2	13	6000	80000	20000
7.	5	12	7000	90000	30000
8.	4	15	8000	20000	40000
9.	3	14	9000	30000	50000
10.	5	13	1000	40000	60000
11.	4	12	2000	50000	70000
12.	2	15	3000	60000	80000
13.	3	14	4000	70000	90000
14.	5	13	5000	80000	30000
15.	4	12	6000	90000	40000
16.	3	14	7000	30000	50000
17.	2	15	8000	40000	60000
18.	5	13	9000	50000	30000
19.	2	12	1000	60000	50000
20.	3	13	2000	30000	60000

**Тест топшириги**

**1. Инвестицион лойиҳанинг дисконтланган қоплаш муддати кайси формула ёрдамида хисобланади?**

A.  $\text{ДКМ} = \sum_{t=1}^n \frac{ux}{(1+n)} / \sum_{t=1}^u \frac{cno}{(1+r)^u}$

B.  $\text{КМ} = \frac{K}{\Pi}$

C.  $\text{СЖК} = \sum_{t=1}^n \frac{cnn}{(1 + \text{ДИМ})^n} - UX = 0$

D. Барча жавоблар тұғри.

**2. Инвестицион лойиҳа таркибиға қуидагилар киради:**

A. Лойиҳанинг қисқача тавсифи, лойиҳанинг асосий ғояси.

B. Бозор таҳлили ва маркетинги, хом ашё ва уни етка-зид бериш.

C. Лойиҳалаштириш ва технология, инвестицион объектнинг жойлашиши.

D. Барча жавоблар тұғри.

**3. Инвестицион лойиҳалар нечта гурух бүйича таснифланади?**

A. 2 та.

B. 3 та.

C. 4 та.

D. 5 та.

**4. Молиялаштириш манбаларига доир инвестицион лойиҳалар.**

A. Ички имкониятлар ҳисобига амалга ошириш.

B. Акцияларнинг эмиссияси ҳисобига молиялаштириш.

C. Тижорат банкларининг кредити ҳисобига молиялаштириш.

D. Барча жавоблар тұғри.

**5. Инвестицион лойиҳа – бу...**

- А. Маълум ҳаракатларини амалга оширувчи, яъни келгусида фойда олиш мақсадида капитал кўйилишига асосланган, ташкилий-хукукий ва молиявий ҳисобкитоб хужжатлари тизими.
- Б. Корхона, тармоқ, ҳудудида инвестицион жозибадорликни таъминловчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, хукукий ва бошқа шарт-шароитларнинг объектив жамламаси.
- С. Инвестиция объектларини таснифлаш ва баҳолаш, рейтинг орқали таққослашни амалга ошириш, тури иқтисодий ривожланиш босқичлари ва даражасидаги хўжалик ҳамда инвестицион жараёнларни киёслаш орқали таҳлил қилиш.
- Д. Ўзининг маблағи ҳамда қарз шаклидаги молиявий ресурслар ҳисобига инвестицион мақсадлар учун қайта шаклланган капитал ишлатилишни ифодалайди.

**6. Корхонанинг инвестицион лойиҳаларини амал қилиш муддатлари қандай?**

- А. Қисқа муддатли.
- Б. Ўрта муддатли.
- С. Узок муддатли.
- Д. Қисқа, ўрта ва узок муддатли.

**“Блиц-сурʼов” саволлари:**

1. Даромаднинг ички меъёри қандай кўрсаткич ҳисобланади?
2. Даромаднинг ички меъёри кўрсаткичи қандай ҳолларда қўлланилади?
3. Қоплаш муддати усулини ҳисоблаш формуласи қандай кўринишга эга?
4. Дисконтлашнинг қоплаш муддати инвестицияларни қоплаш муддатидан нимаси билан фарқ қиласи?
5. Дисконтлашнинг қоплаш муддати усули нима мақсадда қўлланилади?

## **«Ақтүй хұжум» усулидан фойдаланиши учун саволлар ва топшириқтар**

1. Соғ жорий қыймат усулининг таърифини айтиб беринг.
2. Соғ жорий қыйматни хисоблаш формуласи кандай күренишга эга?
3. Пул оқимини дисконтлашга асосланган баҳолашнинг инвестициялар рентабеллиги индекси усулидан кандай ҳолларда фойдаланилади?
4. Инвестициялар рентабеллик индексини хисоблаш формуласини көлтииринг.

### ***Адабиётлар рұйхаты***

1. Велинский П.Л., Ливициц В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов: Теория и практика: Учеб. пособие. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: Дело, 2004. – 317-319 с.
2. Джонс Эрнест. Деловые финансы: Пер. с англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 1998. – 654 с.
3. Жураев А.С., Хұжамқұлов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойихалари таҳлили; Акад. М.Шарифхұжаев таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2003. – 256-б.
4. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. – М.: МАЭП; ИИК «Калита», 2000. – 144 с.
5. Кочетков И.А., Никешин С.Н., Рудаков Ю.П. и др. Управление проектами (зарубежный опыт). – СПб.: «ДваТри», 1993. – 458 с.
6. Маҳмудов Н.М., Маджидов Ш.А. Ипакчилик тармоғыда инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2009,- 166 бет.
7. Шарп У., Александр Г., Бейли Д. Инвестиции: Пер. с англ. – М.: Инфра-М, 1999-ХII. – 251-259 с.

### **III БОБ.**

#### **ҚАТЪЙ БЕЛГИЛАНГАН ДАРОМАД КЕЛТИРУВЧИ ИНСТРУМЕНТЛАРНИНГ БОЗОР ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ**

---

##### **3.1. Купонли облигациялар даромадлилиги турлари ва уларнинг бозор баҳосини аниқлаш қоидаси. Номинал баҳода сотиладиган купонли облигациялар даромадлилиги**

---

Кредит муносабатлари тизимида облигациялар чиқариш ва сотиб олиш муҳим ахамиятга эга. Облигациялар чиқариш ва сотиб олишда эмитент – қарздор, инвестор эса кредитор хисобланади. Эмитент давлат ёки корхона, инвестор эса корхона ёки фуқаролар бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, облигацияларнинг замонавий тушунчаси пул ҳужжати сифатида тушунилади, унда қарздорнинг кредиторга муайян муддатга фойдаланган вақти учун муайян микдорда пул суммасини қайтариш бўйича мажбуриятлари кайд этилади.

Облигация замонавий субъектлари факат банк ёки мижозлардан ташқари эмитентлар ва инвесторлар ҳам бўлиши мумкин. Давлат эмитент сифатида намоён бўлади. Одатда давлат облигациялари бюджет воситаларидағи етишмовчиликларни тўлдириш учун ишлаб чиқарилади, оборотда мавжуд бўлган кредит воситалари ёки туғридан-туғри пул эмиссияси ҳисобидан эмас, балки қўшимча, харакатсиз воситаларни жалб қилиш орқали чиқарилади. Бу аҳоли ёки корхонанинг пул жамғармалари бўлиши мумкин.

Демак, облигация заёми, биринчидан, құшимча молиявий ресурсларни жалб қиласы, иккинчидан, жуда көнг доирадаги кредиторлар манфаатларини мужассамлайды, улар муайян даражада банк тизими-нинг монополияларига қарши тұра олади.

Облигацияларнинг яна бир мұхим хусусияти шундаки, кредит мұносабатларининг ушбу типида кредитор облигация заёмининг бутун даври мобайнида кредитор булып қолиш мажбуриятини олмайды. Агар дастлабки кредитор ушбу ролда қолишини истамаса, у қарздорлик мажбуриятини сотиш ҳукукiga ҳам зәг.

Шундай килиб, облигация мағсус қимматли қоғоз булып, фонд бозорида ғоят мұхим ақамият касб этади. Қимматли қоғозларнинг бошқа турларидан фарқли үлароқ, облигациялар үз әгасига иккита ҳукуқни беради: 1) құйилған омонатнинг ишончлиліги, чунки у қайтарилиши керак; 2) құйилған капиталга қайд этилған ва кафолатланған даромад олиш ҳукуқи.

Шубхасиз, ушбу ҳукуклар облигацияларга инвесторлар доирасининг қизиқишини кучайтиради, айниқса, таваккалчилікни маъқул күрмайдыганлар учун у барқарор даромад келтирүвчи манбадир.

Облигацияларни ҳар хил белгиларга күра тавсифлаш мүмкін. Агар эмитент (ссуда олувчи)нинг хусусиятларига қараб түркүмласақ, унда қуидаги облигацияларни ажратып күрсатыш мүмкін:

– давлат облигациялари үта ишончли булып, улар бүйича даромад унчалик юқори эмас;

– муниципал облигациялар, улар бүйича даромад анча кам, воситаларни қайтариш кафолати мутлак эмас, шундай бұлса-да, ушбу облигациялар тезда үз инвесторини топади, чунки улар мақсадді ижтимоиј дастурни молиялаш учун чиқарилади;

– корхонанинг облигациялари, уларнинг ишончлилігі давлат ва муниципалга қараганда кам,

айниқса улар узок муддатта – 10–20 йилга чиқарылса, аммо ушбу таваккалчилик қандайдыр миқдорда оширилгандык купон ставкаси орқали қопланади.

Хорижий облигациялар инвесторлар учун анча кулай, айниқса, фаолияти чет мамлакатлар билан боғлиқ кишилар учун керакдир.

Облигациялар бир шахснинг номига ҳам чиқарилиши мумкин, бунда облигация босма қоғозида унинг биринчи эгасининг фамилияси кўрсатилиади.

Даромадлилик белгисига қараб облигацияларни кўйидагича туркумлаш мумкин:

- фоизли (даромадли) облигациялар, улар заёмнинг бутун муомала даври мобайнида даромад олиб туради, ушбу даромадларни тўлаш шакли ҳар хил булиши мумкин;

- фоизсиз (мақсадли) облигациялар, улар бўйича пул даромади тўланмайди. Бундай облигацияларни одатда корхоналар конкрет дастур бўйича чиқаради;

- конвертиранган (алмашинадиган) облигациялар, уларнинг эгаси эмитентнинг эълонига мувофиқ ўз облигацияларини уша эмитентнинг акциясига конвертиранган баҳоларда алмаштириб олиши мумкин.

Даромадли облигациялар ютуқли булиши мумкин, эмитент аввалдан ушбу нашрда ютуқлар ўйналиши мумкин, деб эълон қиласи.

Ютуқли облигациялар ютуқ баҳоси билан дарров куяди, қолган облигациялар эса заёмнинг амал қилиш даври тугаши билан улар бўйича тегишли даромад тўлангандан кейин куяди.

Даромад тўлашнинг муҳим шакли дисконт облигациялар чиқарылган ҳолларда қулланилади. Бундай облигациялар уларнинг номинал қийматидан паст баҳоларда, яъни дисконт (чегирма) билан сотилади.

Купон чегирмаси билан чиқарылдиган облигациялар бўйича даромад ҳам ҳар хил услублар билан тўланади. Агар чиқариш шартида қайд этилган став-

кадан бошқа шартлар бўлмаса, бу шуни билдиради-  
ки, ҳар йили унинг эгаси ушбу ставкага тенг даромад  
олади.

Кўплаб облигацияларни уларнинг асосий шарт-  
ларига қараб бирлаштириш мумкин. Бундай шароит-  
лар жумласига шуни киритиш мумкинки, облигация-  
ларнинг барча турлари бўйича даромад эмитентнинг  
хўжалик фаолияти натижаларига боғлик эмас, у би-  
ринчи навбатда, бошқа гурдаги қимматли қоғозлар  
бўйича туланади.

Облигацияларнинг тугаши (куйиши) бўйича жа-  
вобгарлик уларни чиқарган субъектлар зиммасида  
бўлади. Эмитент ушбу мажбуриятни бажармаса, унда  
мазкур масала қонуний тартибда ҳал қилинади.

Облигацияларга инвесторларнинг қизиқишилари  
қимматли қоғозларнинг яна бир муҳим хусусиятлар-  
нинг тугаш (қўйиш) муддатини белгилашга ҳам кўп  
жиҳатдан боғлиқдир. Облигацияларнинг тез муд-  
датлилиги инвесторланган воситаларни қайтариш  
кафолати билан бирга, уларни маълум даражада ин-  
фляцион жараёнлардан ҳимоя қилишга ҳам ёрдам бе-  
ради. Ушбу химояланганлик узоқ муддатли заёmlар  
шароитида қўшимча иқтисодий ричаглар билан ҳам  
қўллаб-куватланиши мумкин.

Бундан ташқари, кредитнинг облигацион шакли  
эмитентни жалб қилувчи хусусиятларга эга. Энг ав-  
вало, облигация етарли даражада баркарор кредит ре-  
сурсга эга, ундан облигацион заём амал қилишининг  
бутун даври мобайнида фойдаланиш мумкин. Заём  
воситаларининг ушбу тури учун тўлов амалда бозор  
конъюнктурасига боғлик эмас. Қарздорлик мажбу-  
риятининг ушбу тури чекланган даврга эга экан, шу  
туфайли у истиқболли инвестицион сиёsatни шакл-  
лантиришга катъий таъсир кўрсата олмайди, аксинча,  
улар муайян инвестицион дастурни амалга оширишга  
мақсадли таъсир кўрсатади.

Облигацияларнинг юқорида санаб ўтилган барча афзалликлариға қарамай, бошқа қимматли қоғозлар каби ўзининг муаммолариға ҳам эга. Облигациялар учун, шубҳасиз, уларни сотиб ўтказувчи бозор муаммоси мавжуд экан, демак, эмитентлар манфаатини ҳам химоя килувчи чоралар тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда давлат қарз мажбуриятлари чиқаришнинг механизмини яратиша бой тажриба түпланган. АҚШда давлат органларининг қарз мажбуриятлари (куйиш муддати бир йилгача бўлса) ғазначилик вексели деб юритилади, 10 йилгача бўлган заёmlар – ўртача муддатли кредит чипталари (ноталар), 10 йилдан 30 йилгача – федерал бон (облигациялар) деб юритилади. Ғазначилик векселлари бозорда кенг қўлланиладиган давлат мажбуриятидир.

Молия вазирлигининг ўртача муддатли қарз мажбуриятлари (ноталари) ғазначилик чипталаридан фарқли улароқ, чегирма билан сотилмайди. Бундан ташқари, улар бўйича фоизли тўловлар мажбуриятлар тугагандан сунг эмас, балки ярим йилликлар бўйича амалга оширилади. Ярим йиллик тўловларнинг миқдори (купон ставкаси) заём чиқариш шартлари орқали белгиланади. Муддат тугагандан сунг охирги фоиз тўлови мажбуриятининг номинал қиймати билан бирга тўланади.

Ишончлилигига қараб корхона облигациялари (дебентурлар) сақланувчи (закладной) ва сақланмайдиган бўлади. Сақланувчи облигациялар корхонанинг жисмоний ва пул активлари – эмитент томонидан маҳсус ҳужжат – закладной орқали таъминланади. Бу ҳукукий ҳужжат корхонанинг, яъни эмитентнинг розилигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, ушбу облигацион заём бўйича қарз тўланмаса, у ўзига тегишли мулкини (ёки ерни) сотиш ҳукукига эга. Бу заклад-

ной банкда ёки депозитарийда сакланиши мумкин. Закладной операцияларининг бир неча хили мавжуд.

Дастлабки саклашга кўйиладиган облигациялар фирманинг «катта» қимматли қоғозлари ҳисобланади. Улар асосий капитал миқдорида чиқарилади. Дастлабки саклашга кўйиладиган облигациялар муомалада бўлса, корхона иккиласми сакланадиган облигацияларни чиқариши мумкин.

Конвертиранган облигацияларга киритиладиган инвестицияларнинг ўз-ўзини қоплаши қимматли қоғозларнинг ҳимоя қилиш даражасини характерловчи муҳим кўрсаткичdir. У облигацияларга бўлган даромад конверция баҳосида таклиф қилинадиган мукофотни қоплаши керак.

Ҳар қандай облигацияларнинг инвестицион сифатини баҳолашда уларнинг даромадлилигини аниқлаш муҳимдир.

Облигацияларга воситалар киритишнинг даромадлилиги ёки қулайлилиги анча ўзгариши мумкин. У кўп жиҳатдан заём капиталининг бозор қиймати билан боғлиқ. Энг аввал, бу тебранишлар банк кредитидан фойдаланишининг фоиз ставкалари ўзгариши билан боғлиқ. Бозор ҳар доим барча турдаги заём ва банк воситалари, облигацион заёmlар қийматини тенглаштиришга интилади.

Банк ставкаси – ўзгарувчан, купон ставкаси эса аввалдан муайян муддатда қайд қилинган бўлгани учун ушбу мослаштириш облигациянинг бозор баҳосини ўзгартириши ҳисобига бўлади.

Агар банклардаги кредит ставкалари камайса, унда аввал белгиланган юқори ставкаларда облигацион заёmlарга маблаг (воситалар) киритиш инвестор учун анча қулайлик туғдиради.

Шунинг учун облигацияларнинг даромадлилиги фақатгина купон ставкаларига эмас, облигациялар-

нинг бозор киймати ўзгаришига ҳам боғлик. Облигациялар даромади белгиланган фоиз микдорида оли-надиган инвестициялар (фойдаланилган даромад) ёки инвестициялар кийматининг (бозор баҳоларининг) ўзгаришидан келадиган даромад вужудга келади.

Облигациялар бўйича ушбу икки хил даромад фақатгина қулай вазият вужудга келган пайтдагина нисбатан мустақил мавжуд бўлади.

Облигациялар бўйича даромаднинг уч хил тури мавжуд:

- номинал даромад ёки купон ставкаси бўйича белгиланадиган фойдаланилган даромад;
- облигацияларнинг бозор баҳосининг ўзгаришини ҳисобга оладиган жорий даромад ставкаси бўйича белгиланадиган жорий даромад;
- карздан кечиши пайтида олиниши мумкин бўлган, банк ставкаси бўйича белгиланадиган умумий ёки ваъда қилинадиган даромад.

Купон ставкаси бўйича ҳар йили тўланадиган сумма сифатида белгиланадиган номинал бўйича даромад облигацияларнинг бозор қиймати ўзгаришини билдирамайди. Бу ҳисоб-китоб облигациялар биринчи марта эмиссия қилинганда уларнинг инвестицион сифатини баҳолашда кўпланилади. Иккиласми чарзарда эса ушбу ҳисоб-китоб ўз мазмунини йўқотади, яъни облигацияларнинг бозор баҳосини белгилайдиган омиллар ҳаракатга келади. Бундай пайтда облигацияларнинг жорий даромадлилиги зарур. Жорий даромадлилик ставкаси йиллик купон тўловларининг жорий бозор баҳосига муносабати сифатида аниқланади.

Облигацияни купон фоизларини тўлаш ва облигацияни номинал қопладиган “Постнумерандо”нинг оддий рентаси сифатида қараш мумкин. Шунинг учун облигациянинг жорий қиймати рентанинг ҳозирги қийматига teng бўлади.

$i$  – жорий бозор фоиз ставкаси,  $r$  – купонли фоиз ставкаси,  $P$  – облигациянинг номинал қиймати,  $n$  – облигациянинг сўндирилишигача бўлган давр,  $R=rP$  – купон тўлови,  $A_n$  – облигацияни жорий бозор қиймати бўлса, у ҳолда

$$A_n = R \frac{1 - 1 / (1 + i)^n}{r} + P / (1 + i)^n$$

тeng бўлади.

Бу “Постнумерандо” шаклидаги оддий рентанинг замонавий қийматини аниқлаш формуласи.

### 1-мисол.

Облигациянинг номинал қиймати  $P=500000$  сўм, купонли фоиз ставкаси  $r=15\%$ , облигациянинг сўндирилишигача бўлган давр  $n=3$  йил, жорий бозор фоиз ставкаси  $i=12\%$ .

Облигациянинг жорий бозор қийматини аниқлаймиз.

Купон тўлови катталиги  $R=rP=0,15*50000=7500$  сўм. Бунда облигациянинг жорий бозор қиймати:

$A = 7500 * (1 - 1 / (1 + 0,12^3)) / 0,12 + 50000 / (1 + 0,12)^3 = 54464,29$  сўм,  $i < r$  ҳолда облигациянинг бозор қиймати катта облигацияни номинал қиймати  $P$  дан катта бўлади.

Облигациянинг яна бир муҳим характеристикаси бўлиб **фойда нормаси** ҳисобланади. Фойда нормаси куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

<i>Фойда нормаси</i> =	$\left( \begin{array}{l} \text{купон} \\ \text{тўлови} \\ + \\ \text{облига-} \\ \text{цияни} \\ \text{охирги} \\ \text{даврдаги} \\ \text{баҳоси} \end{array} \right) - \left( \begin{array}{l} \text{облига-} \\ \text{цияни} \\ \text{бошлангич} \\ \text{даврдаги} \\ \text{баҳоси} \end{array} \right)$	$: \text{облига-} \\ \text{цияни} \\ \text{бошлангич} \\ \text{даврдаги} \\ \text{баҳоси}$
------------------------	--	--

### **2-мисол.**

Купонли фоиз ставкаси  $r=10\%$  бўлган номинал қиймати  $P=100000$  сўмлик облигация йил бошида  $a=120000$  сўмга сотиб олинган, яъни облигацияни баҳоси уни номинал қийматидан юқори.

Купон тўлови олингандан кейин йил охирида облигация  $S=117500$  сўмга сотилди.

Йиллик фойда нормасини аниклаймиз.

Купон тўлови миқдори:  $R=rP=0,1*100000=10000$  сўм.

Фойда нормаси:  $(10000+117500-120000)/120000=0,0625 (6,25\%)$ .

Юқоридаги мисолни икки усул орқали чизиксиз тенглама ечимини кўриб чиқамиз, яъни:

- ўртача усули;
- интерполяция усули.

#### *1. Ўртача усулда:*

Ўртача усулда облигациянинг даромадлилиги куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\text{Облигациянинг} \quad \text{бир давр} \quad / \quad \text{облигациянинг} \\ \text{даромадлилиги} = \quad \text{учун ўртача} \quad | \quad \text{уртача қиймати} \\ \qquad \qquad \qquad \qquad \qquad \qquad \qquad \text{фойда}$$

### **3-мисол.**

Номинал қиймати  $P=100000$  сўм. Купон фоиз ставкаси  $r=10\%$  ва сўндириш муддати  $n=10$  йил бўлган облигация  $120000$  сўмга сотиб олинди. Ўртача усул ёрдамида облигацияни даромадлилигини аниклаймиз.

Купон тўловининг миқдори:  $R=rP=0,1*100000=10000$  сўм.

Бунда умумий тўлов суммаси  $n*R+P=10*10000+100000=200000$  сўм.

Умумий фойда	=	Умумий тұлов суммаси	-	облигацияни сотиб олиши баҳоси
-----------------	---	-------------------------	---	-----------------------------------

Умумий фойда =  $200000 - 120000 = 80000$  сүм.

Бир давр учун үртатаға фойда	=	умумий фойда	/	даврлар сони
---------------------------------	---	-----------------	---	-----------------

Шунинг учун, бир давр учун үртатаға фойда =  $=80000/10 = 8000$  сүм.

Облигациянинг үртатаға қиймати	=	$\left  \begin{array}{l} \text{облигациянинг облигациянинг} \\ \text{номинал + сотиб олиши} \\ \text{қиймати баҳоси} \end{array} \right  / 2$
-----------------------------------	---	---

Облигациянинг үртатаға қиймати =  $(100000 + 120000)/2 = 110000$  сүм.

Облигациянинг даромадлилиги =  $8000/110000 = 0,073$  (7,3%).

## 2. Интерполяция усулида:

Интерполяция усулида облигациянинг даромадлилиги үртатаға усулда ҳисобланғанга нисбатан аник қийматтаға эга бўлади.

Интерполяция усулида облигациянинг даромадлилиги куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$i = i_0 + \frac{A_n - A_n(i_0)}{A_n(i_1) - A_n(i_0)} (i_1 - i_0)$$

### 4-мисол.

Номинал қиймати  $P=100000$  сүм. Купон фоиз ставкаси  $r=10\%$  ва сүндириш муддати  $n=10$  йил бўлган облигация  $120000$  сүмга сотиб олинди. Интерполяция усули ёрдамида облигациянинг даромадлигини аниқлаймиз.

Үртача усул ёрдамида облигациянинг даромадлиги қиймати  $i=0,073$  аниқланган.  $I=0,07$  ва  $i=0,08$  ҳамда облигацияни жорий қийматининг бозор фоиз ставкаларини хисоблаймиз:

$$A_n(i_0) = R \frac{1 - 1 / (1 + i_0)^n}{i_0} + P / (1 + i_0)^n$$

$A_n(i_0) = 10000 * (1 - 1 / (1 + 0,07)^{10}) / 0,07 + 100000 / (1 + 0,07)^{10} = 121071$  сүм.

$$A_n(i_1) = R \frac{1 - 1 / (1 + i_1)^n}{i_1} + P / (1 + i_1)^n$$

$A_n(i_1) = 10000 * (1 - 1 / (1 + 0,08)^{10}) / 0,08 + 100000 / (1 + 0,08)^{10} = 113420$  сүм.

Демак, облигацияларнинг даромадлилик қиймати:  
 $i = 0,07 + (120000 - 121071) / (113420 - 121071) * (0,08 - 0,07) = 0,071$  (7,1%).

## Мустақил иш учун топшириқ

### 1-топшириқ.

Облигациянинг номинал қиймати  $P$  сүм, купонли фоиз ставкаси  $r \%$ , облигациянинг сундирилишигача бўлган давр  $n$  йил, жорий бозор фоиз ставкаси  $i \%$ .

Облигациянинг жорий бозор қийматини аниқланг.

T/p.	P	n	i	r
1.	600000	2	16	18
2.	700000	3	11	13
3.	800000	4	13	15

T/p.	P	n	i	r
11.	800000	3	11	13
12.	500000	4	13	19
13.	650000	3	12	15

4.	500000	3	12	19
5.	650000	4	9	12
6.	550000	2	13	16
7.	750000	3	12	15
8.	530000	3	8	10
9.	640000	2	7	9
10.	790000	4	14	17

14.	550000	4	9	12
15.	750000	2	13	16
16.	530000	3	12	15
17.	640000	3	8	10
18.	790000	2	7	9
19.	600000	4	14	17
20.	700000	2	15	18

### **2-төпшириқ**

Купонли фоиз ставкаси  $r\%$  бўлган номинал қиймати  $P$  сўмлик облигация йил бошида  $a$  сўмга сотиб олинган, яъни облигациянинг баҳоси унинг номинал қийматидан юкори.

Купон тўлови олингандан кейин йил охирида облигация  $S$  сўмга сотилди.

Ийллик фойда нормасини аниқланг.

### **3-төпшириқ**

Номинал қиймати  $P$  сўм. Купон фоиз ставкаси  $r\%$  ва сўндириш муддати  $n$  йил бўлган облигация  $S$  сўмга сотиб олинди. Уртacha усул ёрдамида облигацияни даромадлилигини аниқланг.

### **4-төпшириқ**

Номинал қиймати  $P$  сўм. Купон фоиз ставкаси  $r\%$  ва сўндириш муддати  $n$  йил бўлган облигация  $S$  сўмга сотиб олинди. Интерполяция усули ёрдамида облигациянинг даромадлилигини аниқланг.

### **(төпшириқ вариантлари 2-4)**

T/p.	$P$	$n$	$S$	$a$	$r$
1.	130000	10	140000	150000	10
2.	140000	11	150000	160000	11
3.	150000	12	160000	170000	12
4.	100000	13	103000	108000	13

5.	100000	14	110000	120000	14
6.	100000	15	105000	110000	15
7.	170000	10	180000	190000	10
8.	160000	11	170000	180000	11
9.	170000	12	180000	190000	12
10.	130000	13	140000	150000	13
11.	150000	14	160000	170000	14
12.	100000	15	103000	108000	15
13.	100000	14	110000	120000	14
14.	151000	13	161000	171000	13
15.	169000	12	179000	189000	12
16.	148000	11	158000	168000	11
17.	159000	10	169000	179000	10
18.	175000	15	185000	195000	15
19.	155000	14	165000	175000	14
20.	166000	13	176000	186000	13

### *Тест топшириги*

#### **1. Облигация – бу...**

- А. Үз кийматига нисбатан қатъий белгиланган фоиз шаклида даромад келтирүвчи қимматли қоғоздир.
- Б. Эмитенттинг қысқа муддатли қарз мажбуриятидир.
- С. Үз эгасига дивиденд олиш ҳукуқини берувчи қимматли қоғоздир.
- Д. Нотұғри жавоб йүк.

#### **2. Облигация:**

- А. Корхона ва ташкилттар күлидаги пул маблағларини тұплаш мақсадида чиқарилади.
- Б. Жорий йилдаги бюджет камомадини қоплаш мақсадида чиқарилади.
- С. Акциядорлик жамияти фаолиятини молиялаштириш учун құшымча маблағ яратиш мақсадида чиқарилади.
- Д. Нотұғри жавоб йүк.

**3. Облигациянинг акциядан фарқи шундаки...**

- А. Үз эгасига мазкур акциядорлик жамиятига аъзо бўлиб кириш хукукини беради.
- Б. Уни сотиб олган инвестор эмитентнинг кредиторига айланади.
- С. Жамият фойда ооломай қолган ҳолларда унинг эгаси дивиденд ооломай қолиши мумкин.
- Д. Нотўғри жавоб йўқ.

**4. Кўйидаги ташкилотларнинг қайси бирлари облигацияларни чиқаришга ҳақли?**

- А. Республика хукумати.
- Б. Корхоналар ва ташкилотлар.
- С. Акциядорлик жамиятлари.
- Д. Нотўғри жавоб йўқ.

**5. Омонат облигациялари – бу...**

- А. Кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган қимматли қофоздир.
- Б. Омонатчининг номига қайд қилиб қўйилган қимматли қофоз бўлиб, эгаси уни сотолмайди.
- С. Омонатчининг номига қайд қилиб қўйилган қимматли қофоз бўлиб, эгаси уни хоҳлаган пайтда сота олиши мумкин.
- Д. Нотўғри жавоб йўқ.

**6. Инвестицион лойиҳани молиялаштиришнинг карзга олинган манбаси – бу...**

- А. Облигация, бюджетдан ташқари фондлардан олинган кредитлар, банк кредитлари
- Б. Хукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар
- С. Давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари фонд маблағлари
- Д. Ипотека ссудалари

### **“Блиц-сурров” саволлари:**

1. Облигациялар баҳоси ва даромадлилиги қандай хисобланади?
2. Облигациянинг ўртача қиймати қандай аниқланади?
3. Бир давр учун ўртача фойда қандай аниқланади?
4. Фойда нормаси қандай аниқланади?
5. Облигациялар бўйича даромаднинг нечта тури мавжуд?

### **“Ақлий ҳужум” усулидан фойдаланиш учун савол ва топшириқлар**

1. Облигацияларнинг қиймати ва даромадлилигини тушунтиринг.
2. Даромадлилик белгисига қараб облигацияларни қандай туркумлаш мумкин?
3. Облигацияларни белгиларига кўра тавсифлаб беринг.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Бутиков И. «Қимматли қоғозлар бозори». – Т. «Шарқ»: 2006.й 156 б.
2. Гуломов С.С., Боев Ҳ.И. Валюта барқарорлиги таъминланса. “Иқтисод ва хисобот”. № 7 – 8. 1997.3 б.
3. Абдуллаев Ё., Шоҳаузамий Ш. Қимматли қоғозлар. 100 савол ва жавоб. – Т.: Мехнат 1997.й 96 б.
4. Иванов А.П. Финансовые инвестиции на рынке ценных бумаг. – М.: «Дашков и К», 2004 г.
5. Месцерова Н.В. “Организованные рынки ценных бумаг”. – М.: «Логос» 2000г.
6. Бередникова Г.Б. «Рынок ценных бумаг и биржевое дело». – М.: «ИНФРА», 2000г.

## **IV БОБ.**

### **ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХА ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ**

---

#### **4.1. Инвестицион лойиҳанинг бизнес режаси асосий қисмларининг тузилиши. Инвестицион лойиҳанинг ҳаётий циклга эгалиги**

---

Корхоналарнинг инвестицион фаолиятини ривожлантириш истиқболлари инвестицион дастур доирасида ҳамда алоҳида илмий асосланган лойиҳаларни ишлаб чикиш орқали амалга оширилади.

Барпо этиладиган корхоналар реал инвестициялар шаклидаги инвестицион лойиҳалар асосида бўнёд этилган.

Иқтисодий адабиётларда «инвестицион лойиҳа» тушунчаси турлича талқин қилинади.

Хорижий тадқиқотчилардан Жонс Эрнест «Инвестицион лойиҳа, бу – вақт билан чегараланган, ресурс ва маблағларнинг белгиланган миқдордаги сарфи ва натижалар сифатида кўйиладиган талаблар асосида тизимнинг ўзгаришидир», деб таъкидлаган.

Инвестицион лойиҳанинг кенг қамровли тушунчасини И.А. Кочетков ифодалаган. Унга кўра, «Инвестицион лойиҳа, бу – барпо этилаётган ёки модернизация қилинаётган обьектлар, технологик жараёнлар ва улар учун техник ва ташкилий ҳужжатлар, моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурсларни яратиш билан боғлиқ тадбирлар ва бошқарув қарорлари бажарилишини ўз ичига оладиган мақсад тизимиdir».

Инвестицион лойиҳалар тушунчасига доир қарашларда инвестицион лойиҳанинг турли хусусиятларини қамраб олган фикрлар турлича бўлишига қарамай, улар кўп жиҳатдан бир-бирига яқин.

Инвестицион лойиҳани куйидаги таъриф аниқ белгилайди: *маълум ҳаракатларни амалга оширувчи, яъни келгусида фойда олиши мақсадида капитал қўйилишига асосланган, ташкилий-хуқуқий ва молиявий ҳисоб-китоб хужжатлари тизими*дир.

Инвестицион лойиҳалар турли шакл ва мазмунга эга. Улар корхоналарни барпо этиш, турли объекtlарни қуриш, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган бўлиши мумкин.

Корхона ўзининг инвестицион имкониятларидан ва инвестицион фаолияти йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқади.

Инвестицион лойиҳалар турли белгиларга қараб таснифланади.

Хозирги кунда инвестицион лойиҳанинг таснифланишига доир турли ёндашувлар, қарашлар мавжуд.

Инвестицион лойиҳаларнинг таснифланишлири қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, улар ўзаро ўхшаш ёхуд шакл жиҳатдан фарқ қилса-да, мазмунан бир хил ёки жуда яқин.

Корхоналарнинг инвестицион лойиҳалари 4.1.1-расмда келтирилган тарзда бўлиши лозим.

Корхонанинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашга доир инвестицион лойиҳалар таснифланишнинг муҳим белгиларидан ҳисобланиб, ўз ичига саккизта гуруҳни олади.

Улар куйидагича: маҳсулот ҳажми ўсишини; маҳсулот турлари кенгайтирилишини; маҳсулот сифати оширилишини; маҳсулот таннархи пасайтири-

### **Корхонанинг инвестицион лойиҳалари таснифи**

Корхона иқтисодий са-  
марадорлигини таъмин-  
лашга доир инвестицион  
лойиҳалар:

- маҳсулот ҳажми  
узишини таъминлайдиган;
- маҳсулот турлари кен-  
гайтирилишини таъмин-  
лайдиган;
- маҳсулот сифатини  
оширишни таъминлай-  
диган;
- маҳсулот таннархини  
пасайтиришни таъмин-  
лайдиган;
- янги ишлаб  
чиқаришларни барпо  
этиш;
- мавжуд технологиялар-  
ни такомиллаштириш;
- меҳнат ва бошқарувни  
ташкил этишни яхши-  
лаш;
- санация (корхонани  
соғломлаштириш).

Амалга ошириш мудда-  
тига доир инвестицион  
лойиҳалар:

- қисқа муддатли;
- урта муддатли;
- узоқ муддатли.

Молиялаштириш манба-  
ларига доир инвести-  
цион лойиҳалар:

- ички имкониятлар ҳи-  
собига амалга оширила-  
диган;
- акциялар эмиссияси  
ҳисобига молиялашти-  
риладиган;
- тижорат банкларининг  
кредити ҳисобига моли-  
ялаштириладиган;
- хорижий молиявий  
институтлар ҳисобига  
молиялаштириладиган;
- аралаш молиялашти-  
риш шаклидаги.

Таваккалчилик муносабатига доир инвестицион  
лойиҳалар:

- таваккалчиликли; таваккалчиликсиз.

Инвестицион ресурслар ҳажмига доир инвестицион  
лойиҳалар:

- кичик; – урта; – йирик.

- Инвестицион лойиханинг амалга оширилишига кўра:
- бошқа инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга боғлик бўлмаган инвестицион лойиҳа;
  - бошқа инвестицион лойиханинг бажарилишига боғлик бўлган инвестицион лойиҳа;
  - бошқа инвестицион лойиҳа ўрнига амалга оширилган инвестицион лойиҳа.

#### **4.1.1-расм. Корхоналар инвестицион лойиҳаларининг таснифланиши**

лишини таъминлайдиган; янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш; мавжуд технологияларни такомиллаштириш; меҳнат ва бошқарувни ташкил этишини яхшилаш; санация (корхонани согломлаштириш) йўналишидаги инвестицион лойиҳалар.

Бу гурухдаги инвестицион лойиҳаларнинг ҳар бири корхонанинг иктисодий самарадорлигини оширишга олиб келади. Корхонанинг тижорат фаолияти асосида фойда олиш, яъни даромаднинг харажатдан устунлигини таъминлаш лойиҳа асосида туради.

Кўп ҳолларда даромад олишни бошқариш муракаб жараён ҳисобланади, чунки у ракобат мухитига боғлик. Харажатларни эса бошқариш имконияти мавжуд. Жумладан, тежамкорлик ва унумдорликка асосланган дастгоҳларни ўрнатиш, меҳнатни ташкил этишининг илфор услубларини жорий килиш, ходимлар малакасини ошириш ва бошқалар харажатларни камайтиришга олиб келади.

Таснифлашдаги *маҳсулот ҳажмини кенгайтиришини таъминлайдиган инвестицион лойиҳалар* бозор сегментида маҳсулотга бўлган талаб ошиб кетиши натижасида корхона қувватини ошириш билан боғлик бўлади. Бундай инвестицион лойиҳалар янги дастгоҳларни сотиб олиш, ходимлар сонини

купайтириш, сотиб олинадиган хом ашё ва материалар ҳажмини кўпайтириш орқали амалга оширилади.

*Маҳсулот турларини кенгайтиришини таъминлайдиган инвестицион лойиҳалар* корхонадаги мавжуд ишлаб чиқариш майдонларидан унумли фойдаланиш натижасида қувватларни ошириш, янгиларини барпо этиш, бошқа корхоналар мулкини бутунлигicha сотиб олиб, қайта мослаштириш каби мақсадли тадбирларни ўз ичига олади.

Корхонани модернизация қилиш ва реконструкциялаш ҳамда илғор технологияларни жорий этиш натижасида *маҳсулотнинг сифат курсаткичларини яхшилашини таъминлайдиган инвестицион лойиҳаларнинг* ишлаб чиқилиши ва улардан пиллакашлик корхоналарида фойдаланилиши иқтисодий самара-дорликни оширишнинг асоси ҳисобланади.

Тежамкор технологиялар, илғор ишлаб чиқариш усуллари, меҳнат мотивацияси, замонавий материалардан фойдаланиш натижасида ҳаражатларни камайтириш мақсадларига эришишда *маҳсулот таннархини пасайтиришини таъминлайдиган инвестицион лойиҳалар* амалга оширилади.

Янги ишлаб чиқаришни барпо этиш орқали корхона қувватини ёхуд технологик тизимдаги бошқа ишлаб чиқаришни ташкил этиш, масалан, пиллакашлик корхоналарида шойи тўкиш *ишлаб чиқарини барпо этишига асосланган инвестицион лойиҳалар* корхона фойдасини кўпайтиришни таъминлайди.

*Мавжуд технологияларни такомиллаштиришига доир инвестицион лойиҳаларни* ишлаб чиқиш ва амалга ошириш иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичида муҳим аҳамият касб этади. Чунки такомиллаштирилган технологиялардан фойдаланиш корхонанинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини оширади.

*Мехнат ва бошқарувни ташкил этишига доир инвестицион лойиҳалар* оркали корхона ходимлари қўнимсизлигини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат мотивацияси оркали ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришилади, янги меҳнат муносабатларини шакллантиришга асос бўлади.

Корхонанинг банкротлик ҳолатини олдини олиш ёки рақобатбардошлик даражасини оширишда *санацияга доир инвестицион лойиҳалар* амалга оширилади.

Амалга ошириш муддатига кўра, корхонанинг инвестицион лойиҳалари куйидагича гурухланади:

*Кисқа муддатли инвестицион лойиҳалар.* Бундай лойиҳалар бир йилгача муддатда амалга оширилиб, асосан, маълум турдаги янги дастгоҳларни сотиб олиш, инновацияни инвестициялаш, моддий айланма активлар захираси ўсишини инвестициялаш билан боғлик бўлади.

*Ўрта муддатли инвестицион лойиҳалар.* Бу турдаги лойиҳаларни амалга ошириш муддати бир йилдан уч йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, асосан, корхонанинг техник воситаларини модернизациялаш, уни реконструкциялаш, яхлит мулкларни тайёрлаш ва унга эгалик қилиш ишларини амалга оширишни ифодалайди.

*Узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларнинг* муддати уч йилдан кўп бўлиб, бу даврда янги йирик курилиш ишлари ёки корхонада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш максадида тўла реконструкция ишлари бажарилади.

Молиялаштириш манбаларига кўра, инвестицион лойиҳалар бешта гуруҳ бўйича таснифланади. Улар куйидагилар: ички имкониятлар ҳисобига амалга ошириладиган; акциялар эмиссияси ҳисобига молиялаштириладиган; тижорат банклари кредити ҳисобига ошириладиган.

бига молиялаштириладиган; хорижий молиявий институтлар ҳисобига молиялаштириладиган; аралаш молиялаштириш шаклидаги инвестицион лойиҳалар.

*Ички имкониятлар ҳисобига амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш айланма моддий активлар, унинг захиралари ўсишини таъминлаш, маълум турдаги дастгоҳларни янгилаш, киймати катта бўлмаган номоддий активларга эгалик қилишда фойдаланиладиган кичик лойиҳаларга хос.*

*Акциялар эмиссияси ҳисобига молиялаштириладиган инвестицион лойиҳалардан урта ва йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланилади.*

*Тижкорат банкларининг кредити ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳалар, одатда, дастгоҳларнинг молиявий лизинги билан боғлиқ бўлади.*

*Хорижий молиявий институтлар ҳисобига молиялаштириладиган инвестицион лойиҳалар, корхонага чет эл инвестицияси, шу жумладан, тўғридан тўғри инвестицияларнинг жалб этилиши натижасида амалга оширилади.*

*Аралаши молиялаштириши шаклидаги инвестицион лойиҳалар ҳозирги кунда инвестиция амалиётида энг кенг тарқалган гуруҳ ҳисобланади.*

Таваккалчиликка сезирлигига кўра инвестицион лойиҳалар икки хилга: *таваккалчиликли ва таваккалчиликсизга* бўлинади. Давлат буюртмаси асосида бажариладиган лойиҳаларнинг таваккалчилиги кам; энг кўп таваккалчилик янги ишлаб чиқариш ва технологияларни яратишга доир инвестицион лойиҳалардир.

Халқаро амалиётда инвестицион ресурслар ҳажми буйича корхона даражасидаги инвестицион лойиҳалар куйидагиларга бўлинади:

- қиймати 100 минг АҚШ доллариғача бұлган кичик инвестицион лойиҳалар;
- қиймати 100 мингдан 1000 млн. АҚШ доллариғача бұлган ўрта инвестицион лойиҳалар;
- қиймати 1 млн. АҚШ долларидан ошадиган йирик инвестицион лойиҳалар.

Бу белгига күра таснифлашда тармок хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, лойиҳага үзгартеришлар киритилади.

Хорижий тажриба ва амалиётни инобатта олган ҳолда, масалан, пиллакашлик корхоналарининг хусусиятларини ҳисобга олиб, инвестицион ресурслар ҳажми күйидаги миқдорларда бұлинади:

- 10 минг АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача бұлган кичик инвестицион лойиҳа;
- 100 минг АҚШ долларидан 500 минг АҚШ долларигача бұлган ўрта инвестицион лойиҳа;
- 500 минг АҚШ долларидан ошадиган йирик инвестицион лойиҳалар.

Амалга оширилишига күра, инвестицион лойиҳалар уч хил белгига асосланыб таснифланади:

*Бошқа инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан бөглиқ бұлмаган инвестицион лойиҳа.* Корхонада реал инвестиция киритиш орқали инвестицион мақсадларга эришишда мұқобиллікка асосланған лойиҳалардан фойдаланилади. Бу мұқобиллік, айниқса, лойиҳаны бажариш жараёнда күпроқ намоён бұлади.

*Бошқа инвестицион лойиҳаның бажарилиши-га бөглиқ бұлған инвестицион лойиҳа.* Корхонадағы инвестицион лойиҳалар мажмуасининг алохіда қисмлари технологик ёки вакт бүйіча кетма-кетликка асосланған инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланиладиган лойиҳалар.

*Бошқа инвестицион лойиҳа ўрнига амалга ошириладиган инвестицион лойиҳа.* Бундай лойи-

халарга муқобилликни инкор этадиган аниқ инвестицион максадларни амалга оширишда фойдаланилади-  
ган лойиҳалар киритилади.

Таснифланган инвестицион лойиҳаларни ишлаб  
чиқишида уларга дифференцияланган талаблар қўйи-  
лади.

Корхона маблағлари ҳисобидан молиялаштири-  
ладиган кичик лойиҳаларнинг таркибий қисми ва  
кўрсаткичлари сони камайтирилган бўлади.

Инвестицион лойиҳанинг таркиби амалга оши-  
риш мақсади, унинг асосий кўрсаткичлари, молиявий  
маблағлар ҳажми, инвестицияни амалга оширишнинг  
самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда инвестицион  
ложиҳанинг календарь режасидан иборат бўлади.

Ташки молиявий манбалар ҳисобига молиялаш-  
тириладиган ўрта ва йирик инвестицион лойиҳалар  
халқаро ва миллий стандартлар талаби асосида иш-  
лаб чиқилади.

**Йирик инвестицион лойиҳалар** Республика  
Вазирлар Маҳкамасининг қарорида келтирилган тар-  
тибда тегишли экспертизадан ўтказилади.

Ишлаб чиқилаётган инвестицион лойиҳалар ман-  
тикий тизим асосида бир хил шаклга келтирилади.

Айрим ҳолларда, тармоқ хусусиятлари ва реал  
инвестиция шаклига караб, ўзига хос инвестицион  
ложиҳаларни ишлаб чиқиш мумкин.


Инвестицион лойиҳаларни асослаш уларнинг ти-  
зимлаштирилишини назарда тутади. Инвестицион  
ложиҳаларни молиявий бошқаришда уларнинг қўйи-  
даги «ҳаётый даври» шаклидаги қисмлари йуна-  
лишлар бўйича тизимлаштирилади:

– инвестициялашдан олдинги босқичда инвести-  
цион қарорларнинг муқобил варианtlари ишлаб чи-  
қилади, улар баҳоланади ва аниқ бир вариант бўйича  
тўхтамга келинади;

- инвестицион босқичда қабул қилинган инвестицион қарор бевосита амалга оширилади;
- инвестицион босқичдан кейинги даврда лойиҳадаги кўрсаткичлар даражаси назорат қилинади.

Инвестицион лойиҳа кисмларининг функционал нуналиши бўйича тизимлаштирилиши халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган тавсияномалар асосида амалга оширилади.

Инвестицион лойиҳанинг таркиби куйидаги (4.1.2-расм)да келтирилган кисмлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.



**4.1.2-расм. Инвестицион лойиҳа таркиби ва қисмларининг таснифланиши**

**Лойиҳанинг қисқача тавсифи.** Инвестицион лойиҳанинг бу қисми тайёрланган барча мүкобил вариянтларнинг кўриб чиқилганлиги ва уларни амалга ошириш шакллари асосланганлиги тұғрисидаги хуло-салардан иборат.

Инвестицион лойиҳанинг бу қисми инвесторларга инвестицион стратегияси ва фаолияти йұналишига оид ҳамда инвестицион лойиҳанинг амалга оширилиши ва қўйилган капиталнинг қайтарилиши муддатлари ва шунга ухшаш маълумотлар асосида хуло-лар чиқариш имконини беради.

**Лойиҳанинг асосий гояси** қисмida бозор иктисолиёти талабларидан келиб чиқсан ҳолда, лойиҳа обьектининг жойланиши, ресурслар билан таъминланишини амалга ошириш графиги каби лойиҳанинг муҳим кўрсаткичлари тұғрисидаги маълумотлар ўз ифодасини топади.

**Бозор таҳлили ва маркетинг концепцияси** қисми таркибиغا куйидагилар киради: маркетинг тадқиқотларининг натижалари; маркетинг концепциясининг бюджетини ишлаб чиқиш; бозор тузилмаси ва маҳсулот тавсифи, унинг бозорда ракобатта бардошлилиги; тармоқнинг салоҳияти, рақобатчи корхоналар, тармоқни ривожлантириш истиқболлари ва муаммоларни баҳолаш, худудий жойлаштириш, маҳсулот сифати; тармоқнинг миллий иктисолиётдаги ўрни, унинг устуворликлари; мавжуд талаб, унинг ўсишини прогноз қилувчи асосий омиллар ва кўрсаткичлар; импорт ва унинг келгусидаги тенденциялари, ҳажми ва нархлари; бозорларнинг жойлашган жойи, бозор сегментацияси; мавжуд потенциал, маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан кутилаётган рақобат; сотиш дастури, сотишни ташкил этиш; сотиш башорати; фойдаланиладиган савдо маркалари ва маҳсулотнинг патент

тозалиги; маркетинг харажатларини баҳолашга доир маълумотларни ўз ичига олади.

*Хом ашё ва уни етказиб беришига доир қисми* ишлатиладиган хом ашё ва материалларга бўлган эҳтиёж, ҳудудда хом ашёнинг мавжудлиги ва таъминланиши даражаси, хом ашё сифатига ва уни тайёрлаш усулларига кўйиладиган талаблар, маҳаллий хом ашёнинг технологиялар талабларига мувофиқлиги, хом ашёни етказиб бериш дастури ва улар билан боғлик харажатлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат.

*Инвестицион объектнинг жойланиши, қурилиш майдончаси ҳақидаги маълумот қисмида* лойиҳанинг жойланиши, табиий муҳитни лойиҳанинг амалга оширилишига таъсири, ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий шароити ва инвестицион муҳити, ишлаб чиқариш ва тижорат инфратузилмаси, қурилиш майдончасининг муқобиллик асосида танланганлиги, қурилиш майдончасини ўзлаштириш билан боғлик харажатлар тўла тавсифланади.

*Лойиҳалаштириш ва технология қисми.* Бу қисм куйидаги маълумотларни ўз ичига олади: ишлаб чиқариш дастури ва корхона қуввати тавсифи; технологияларни танлаш ва уни жорий этишига доир таклифлар; дастгоҳлар рўйхати ва уларга техник хизмат курсатиш; йиллар бўйича ўзлаштириладиган ҳолда ишлаб чиқариш қуввати; технология ва асбоб-ускуналарни, технологик жараён схемалари ни танлашни асослаш, афзалликлар ва камчиликлар, асбоб-ускуналарнинг ишонччилиги ва етказиб берувчининг кафолати; технологиянинг атроф-муҳитга таъсири; асбоб-ускуналарни жойлаштириш схемаси; ноу-хауга эгалик қилиш шартлари, ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро ИСО 9000 стандарти талабларига мувофиқлигини таъминлаш тадбирлари ҳамда уларни амалга оширишга доир харажатлар.

**Бошқарувни ташкил этиши.** Лойиҳанинг бу кисмида корхонанинг ташкилий чизмаси ва бошқарув тизими; жавобгарлик марказлари ва фаолият соҳалари бўйича ташкилий бошқарув тузилмаси асосланади; бошқарувга доир харажатлар сметаси кўриб чиқлади.

**Мехнат ресурслари.** Бу қисм ходимларнинг таркиби бўйича функциялари, ҳудудда уларни шакллантириш имкониятлари; ходимларни кабул қилишни ташкил этиш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш режаси ва у билан боғлик харажатларга кўйиладиган талаблардан иборат.

**Лойиҳани амалга ошириш режаси.** Бу қисмда лойиҳанинг алоҳида қисмларини амалга ошириш босқичлари графиги ва бюджети асосланади.

**Молиявий режса ва инвестиция самарадорлигини баҳолаши.** Бу қисм инвестиция бўйича тўлиқ харажатлар; уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари, лойиҳани молиялаштириш; сотилган маҳсулотга тўлиқ чиқимлар; қарз маблағларининг қопланишини ва ўз вақтида қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий самарадорликни баҳолаш, валютанинг қопланиши; лойиҳанинг асосий таваккалчиликларга сезгирилиги; соф жорий қиймат кўрсаткичлари ва капитал кўйилмаларнинг ички қайтарилиувчанлиги меъёrlари түғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Хулоса сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин. Корхона инвестицион фаолиятни амалга ошириш мақсадида:

- молиялаштириш манбалари ва ҳал этилиши лозим бўлган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, тавсия этилаётган лойиҳалардан бирини ёки бир нечтасини танлаши мумкин;

- корхонанинг инвестицион салоҳияти ва рақобатбардошлиги инвестицион лойиҳаларнинг тўғри танланиши орқали амалга оширилади;

• корхона иктисодий самарадорлигини оширишда инвестицион имконият ва инвестицион лойиҳаларнинг қисмлар бўйича бажарилиши мониторингини ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Корхона маълум бир вақт оралиғида турли хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариб, узлуксиз равишда ривожланиб боради.

Корхонанинг «ривожланиш айланувчанлиги» ва фойдаси ўзгаришини даврларга бўлишилик фикрини хорижлик олма Н.И. Лахметкина илгари сурган<sup>1</sup>. Унга кўра:

- «болалик даври» – одатда, бу даврда молиявий натижалар манфий бўлади, айланувчанликнинг ўсиш суръатлари юқори бўлмайди;
- «ўсмирилик даври» – айланувчанликнинг тезда ошиши, дастлабки фойдани олиш билан боғлик давр;
- «етуклик даври» – айланувчанлик ўсишининг пасайиб бориши ва фойда камайишига хос бўлган давр;
- «кексалик даври» – айланувчанлик ва фойданинг кескин камайиши даври.

Бу давр ўз ичига 20-25 йилни олиб, ундан кейин корхона ўз фаолиятини тўхтатади ёки янги асосда, янги мулк эгалари ва бошқарувчилар билан фаолиятини давом эттиради.

Корхонанинг «ҳаётий фаолияти даври» тушунчаси унинг ишлаши мобайнида вужудга келадиган турли муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва инвестицион жозибадорликни баҳолаш имконини беради.

«Болалик» даврида, корхона асосан пул маблағлари етишмаслиги натижасида бозорда ўз ўрнини

---

<sup>1</sup> Лахметкина Н.И. Инвестиционная стратегия предприятия. – М.: КНОРУС, 2006.– 21 с

топа олиш билан боғлик муаммоларга дуч келади. Бунинг учун корхона келажакда ривожланиши учун кисқа муддатли молиялаштириш, шунингдек, етарли даражадаги инвестицион манбаларни топиши лозим.

«Ўсмирлик» даврида корхона иқтисодий кўтарилиш йўналишида фаолият кўрсатади. Бу даврда ўрта ва узоқ муддат давомида инвестициялаш маблағлари орқали иқтисодий ўсишни таъминлашга эҳтиёж туғилади.

«Етуклик» даврида корхона барча имкониятлардан максимал даражада фойда олишга интилади, яъни ишлаб чиқариш, технологик, тижорат имкониятларидан самарали фойдаланади. Ўзини маблағ билан таъминлаш имконияти ошади.

Махсулотларнинг бозорда рақобатбардошлигини сақлаб қолиш мақсадида, корхонага инвестиция киритиш бу даврга хос белгилардан ҳисобланади.

Кейинчалик техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш натижасида маркетинг соҳасидаги юқори ўринларни сақлаб қолиш учун ва киритилаётган маблағларнинг кисқа муддатларда қопланишини инобатга олган ҳолда, инвестиция киритилиши мақсадга мувофиқдир.

«Кексалик» босқичидаги корхоналарга маҳсулотнинг кенг қамровли диверсификация қилиниши, корхона фаолиятининг бошқа турга айлантирилиши, яъни таркибий ўзгартиришларнинг амалга оширилишидан ташқари ҳолларда инвестиция киритилиши самарасиз ҳисобланади.

Ҳаётий фаолият даврларига бўлишда корхонанинг охирги бир неча йилдаги маҳсулот ҳажмини белгиловчи кўрсаткичлар, активларнинг умумий суммаси, ўз капитали ва фойдасининг микдорларини таҳлил қилиш асосида белгиланиши мантиқан тўғри бўлади.

Яна бир хорижлик иқтисодчи олим И.А. Бланк ҳам корхонанинг «ҳаётий фаолият даври»га қараб

инвестицион жозибадорликни баҳолаш ғоясини илгари сурган<sup>1</sup>. У Н.И. Лахметкинадан фарқли ўлароқ, «ўсмирлик» даврини «дастлабки ўсмирлик» ва «охирги ўсмирлик» даврларига ажратилишини таклиф этган.

Корхонада «дастлабки ўсмирлик» ва «охирги ўсмирлик» даврларини аниқ белгилаш мушкул.

Шу нуктаи назардан, инвестицион жозибадорликни баҳолашда корхонани «ҳаётий фаолият даври»га бўлиш ғоясига қўшилган ҳолда, унинг 4.1.1-жадвалда келтирилган шаклда талқин қилиниши мақсадга мувофиқ.

#### **4.1.1-жадвал**

#### **Корхонанинг «ҳаётий фаолият даврлари»да инвестицион жозибадорликни баҳолашни белгиловчи кўрсаткичлар таснифи**

<b>«Ҳаётий фаолият» даври</b>	<b>Инвестицион жозибадорлик белгиловчи кўрсаткичлар</b>
Болалик	<ul style="list-style-type: none"><li>- реал инвестицияларнинг юкори суръатларини таъминлаш;</li><li>- инвестицион фаолиятнинг «зараарсиз»лигини таъминлаш.</li></ul>
Ўсмирлик	<ul style="list-style-type: none"><li>- реал инвестиция ҳажмини кенгайтириш;</li><li>- реал инвестиция йўналишини диверсификациялап;</li><li>- жорий инвестицион фойданинг минимал даражадаги меъёрини таъминлаш;</li><li>- инвестицион капиталнинг етарли даражадаги ўсишни таъминлаш.</li></ul>

<sup>1</sup> Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент. – Киев.: 2-е изд. «Ника-Центр» 2006. – 219-221 с.

Етуклик	<ul style="list-style-type: none"><li>- эришилган максимал инвестиция миқдорини саклаб қолиш;</li><li>- ноиктисодий мақсадларни күзлаган реал инвестицияни ривожлантириш;</li><li>- молиявий инвестиция портфелини шакллантириш;</li><li>- реал ва молиявий шаклдаги инвестицияларни көнгө күләмдә диверсификациялаш;</li><li>- инвестициялар даромадини ўртача мөттөйлөрни таъминлаш.</li></ul>
Кексалик	<ul style="list-style-type: none"><li>- амортизацияланадиган активларнинг ўз вактида реновациясини таъминлаш;</li><li>- кам миқдордаги йүқотишиларга эришиш учун самарасиз инвестицион объектларга капитални йўналтираслил.</li></ul>

Корхона инвестицион жозибадорлигининг баҳоланишини уларнинг молиявий фаолиятининг таҳлил килиниши асосида ҳам амалга ошириш мумкин<sup>1</sup>.

Бу усулдан, асосан, инвестиция маблағларидан кутилаётган даромадни баҳолаш, уларни муддатида кайтариш, шунингдек, корхонанинг молиявий ҳолатига сезиларли даражада таъсир этувчи инвестицион таваккалчиликларни аниқлашда фойдаланиш мумкин.

## **Кейс 1.**

### **I. “CASE STUDY”**

1. Инвестицион лойиҳа ва унинг таҳлили мавзуси *кейс марзида* талабалар билан биргаликда ўзлаштирилади.

<sup>1</sup> Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2002. – 82 с.

2. Ушбу кейснинг мақсади – талабалар томонидан пиллакашлик корхонасининг реал қўшма корхона барпо этиш бизнес режасини ишлаб чиқишдан иборат.

Кейсдан кутилаётган натижалар – талабалар томонидан пиллакашлик корхонасининг инвестицион бизнес режасини ишлаб чиқишда лойиҳанинг таркибий қисмларини ҳисоблаш ва ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида карорлар қабул қила олишни ўрганишдан иборат.

3. Бу ташкилий-институционал кейс бўлиб, корхонанинг реал фаолияти асосида ишлаб чиқилмаган.

4. Кейснинг обьекти пиллакашлик корхонаси. У структуравий ва кичик ҳажмдаги кейс-топширикдир.

5. Дидактик мақсадлари бўйича – тренинг кейси ҳисобланиб, амалий машғулот давомида берилган мавзу бўйича олинган билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган. Шу боисдан кейсда алоҳида вазиятда вужудга келган муаммони таҳлил қилиб, ижобий ҳал этиш учун вазифалар, уни ечиш кетма-кетлиги, ахборот манбалари берилган.

6. Кейснинг ахборот манбаи бўлиб инвестицион лойиҳанинг техник-иктисодий маълумотлари ҳисобланади.

Ушбу кейсда пиллакашлик корхонасини барпо этиш учун инвестицион лойиҳалардан энг мақбули, самаралисини танлаб олиш йўналишида ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

Берилган кейсни ечишда куйидаги ўкув натижаларга эришиш мумкин:

- ўрганилган мавзу бўйича олинган билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммони алоҳида ва гуруҳлараро таҳлил қилишга ва баҳо беришга ўрганиш;
- мустақил карор қабул қилишга ўрганиш;
- ўкув маълумотларини ўрганиш даражасини текшириш;

- инвестицион лойиҳаларни таҳлил этиш асосида уларга баҳо бера олиш.

## **II. ТАЛАБАЛАР УЧУН МЕТОДИК КУРСАТМАЛАР**

### **М у а м м о:**

Пиллакашлик корхонасининг барпо этиладиган инвестицион лойиҳаларини таҳлил этиш ва улардан энг самаралисини танлаб олиш.

### **В а з и ф а л а р:**

1. Инвестицион лойиҳанинг бизнес режаси асосий кисмларининг тузилиши ўрганиш.
2. Ишлаб чиқариш режаси тузиш.
3. Сотиш режасини ишлаб чиқиши.
4. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш.
5. Молиявий режани ҳисоблаш.
6. Техник иқтисодий асосни ҳисоблаш.
7. Лойиҳанинг муқобил варианларини таккослаш.

### **Е ч и ш қ е т м а - қ е т լ и г и:**

1. Ишлаб чиқариш режаси тузилади.
2. Сотиш режасини аниқлаш учун тавсия қилинган жадваллар маълумот манбалари ёрдамида тўлдирилади.
3. Тула кувват билан ишлаш шароитида хом ашё сарфи аниқланади.
4. Хом ашё етказиб бериш дастури ҳисоб-китоб қилинади.
5. Тула кувватда ишлаётган корхонада энергоресурслари қиймати ҳисобланади.
6. Энергоресурс тўловлари учун харажатларни ҳисоблашда тавсия қилинган жадвал маълумотлар орқали тўлдирилади.
7. Корхонанинг меҳнат ресурслари ҳисобланади.
8. Меҳнат ресурслари харажатлари ҳисобланади.
9. Божхона харажатлари ҳисоб-китоб қилинади.

10. Тұла инвестицион харажатлар аникланади.
11. Молиялаштириш манбалари аникланади.
12. Инвестициялаш графиги ишлаб чиқилади.
13. Амортизация ажратмалари ҳисобланади.
14. Сотилған маҳсулотларнинг тұла харажатлари ҳи-  
собланади.
15. Иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.
16. Накд пул оқими аникланади.
17. Лойиха бүйіча инвестиция лойиҳасининг қоплани-  
ши ҳисобланади.
18. Күп мақсадлы оптималлаштириш усули орқали ин-  
вестицион лойиҳасининг самарадорлиги баҳоланади.

---

## **4.2. Ишлаб чиқариш режаси**

---

Пиллакашлик корхонаси бизнес режасининг асо-  
сий кисмларидан бири **бұлыб** ишлаб чиқариш режа-  
си ҳисобланади. Қуйида пиллакашлик корхонаси ин-  
вестицион лойиҳасининг реал маълумотлар асосида  
ҳисобланиши ва унинг бизнес режа шаклида расмий-  
лаштирилиши үз аксини топған. Жадвал 4.2.1 да кор-  
хонанинг бизнес режасини тузиш учун керак **бұлган**  
маълумотлар келтирилған.

**4.2.1-жадвал**

**Ишлаб чиқариш режаси**

Махсулот турлари	Үлчов бирлиги						1 тн махсулотниң ичи бағасы (USD)
	%	Тұла күвватдаги мінкдори	Йил охирдаги захаралар даражаси, %	Умумий сотұда экспорттің салмоги, %	1 тн махсулоттнинг экспорт бағасы (USD)		
Күвватларни үзлаштириш	%	50	85	100	100		100
Хом ипак ипи 429/1	тн	110,4	6	100	32500		
Хом ипак ипи 310/1	тн	16,8	6	90	30500		30000
Жами хом ипак ипи	тн	127,2					
Лос	тн	31,8	6	0	0		5876
Холст 1-үтим	тн	10,9	6	0	0		4657
Холст 2-үтим	тн	12,6	6	0	0		4058
Гүмбак	тн	118	6	0	0		588
Ностандарт пилла	тн	39	6	0	0		2463
Ишлаб чиқариш үйлар бүйіча:		1 йил 50%	2 йил 85%	3 йил 100%	4 йил 100%	5 йил 100%	...
							10 йил 100%
<b>Ишлаб чиқарылған махсулот мінкдори</b>							
Хом ипак ипи 429/1	тн	55,20	93,84	110,4	110,4	110,4	...
Хом ипак ипи 310/1	тн	8,4	14,28	16,8	16,8	16,8	...
							16,8

*Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши*

<b>Жами хом ипак ипи</b>	<b>тн</b>	<b>63,6</b>	<b>108,12</b>	<b>127,2</b>	<b>127,2</b>	<b>127,2</b>	<b>...</b>	<b>127,2</b>
Лос	тн	15,9	27,03	31,8	31,8	31,8	...	31,8
Холст 1-үтим	тв	5,45	9,27	10,9	10,9	10,9	...	10,9
Холст 2-үтим	тн	6,3	10,71	12,6	12,6	12,6	...	12,6
Гумбак	тн	59,0	100,3	118,0	118,0	118,0	...	118,0
Ностандарт пилла	тн	19,5	33,15	39,0	39,0	39,0	...	39,0
<b>Йил охиридаги захира</b>								
Хом ипак ипи 429/1	тн	3,31	5,63	6,62	6,62	6,62	...	6,62
Хом ипак ипи 310/1	тн	0,5	0,86	1,01	1,01	1,01	...	1,01
<b>Жами хом ипак ипи</b>	<b>тн</b>	<b>3,82</b>	<b>6,49</b>	<b>7,63</b>	<b>7,63</b>	<b>7,63</b>	<b>...</b>	<b>7,63</b>
Лос	тн	0,95	1,62	1,91	1,91	1,91	...	1,91
Холст 1-үтим	тн	0,33	0,56	0,65	0,65	0,65	...	0,65
Холст 2-үтим	тн	0,38	0,64	0,75	0,75	0,75	...	0,75
Гумбак	тн	3,54	6,02	7,08	7,08	7,08	...	7,08
Ностандарт пилла	тн	1,17	1,99	2,34	2,34	2,34	...	2,34
<b>Сотувнинг умумий хажми</b>								
Хом ипак ипи 429/1	тн	51,89	91,52	109,41	110,4	110,4	...	110,4
Хом ипак ипи 310/1	тн	7,9	13,93	16,65	16,8	16,8	...	16,8
<b>Жами хом ипак ипи</b>	<b>тн</b>	<b>59,78</b>	<b>105,45</b>	<b>126,06</b>	<b>127,2</b>	<b>127,2</b>	<b>...</b>	<b>127,2</b>
Лос	тн	14,95	26,36	31,51	31,8	31,8	...	31,8
Холст 1-үтим	тн	5,12	9,04	10,8	10,9	10,9	...	10,9
Холст 2-үтим	тн	5,92	10,45	12,49	12,6	12,6	...	12,6
Гумбак	тн	55,46	97,82	116,94	118,0	118,0	...	118,0
  - D. Лизинг ва венчурли молиялаштириш
  
4. Куйида келтирилганлардан қайси бири лойиҳаларни ўз маблағлари эвазига молиялаштириш манбаси була олмайди?

  - A. Амортизация ажратмаси
  - B. Узок муддатли кредитлар

- С. Соф фойда  
Д. Таксимланмаган фойда
- 5. Лойиҳаларни молиялаштиришнинг қайси усули унинг ўз капиталини ташкил этади?**
- А. Корхона устав капиталида аҳолининг таъсис бадаллари  
Б. Тижорат банки кредитлари  
С. Лизинг беручининг лизинг қарзи  
Д. Нобюджет фондлар маблағлари
- 6. Инвестиция лойиҳаларини кредитлаш бу...**
- А. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг бир усули  
Б. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг манбай  
С. Корхонанинг қарз маблағлари  
Д. Корхонанинг жалб қилинган маблағлари
- 7. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш бу ...**
- А. Аниқ олинган лойиҳалар бўйича молиялаштириш  
Б. Инвестицияларни молиялаштиришнинг аниқ шакли  
С. Узоқ муддатли кредитлаш  
Д. Рискларни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаган ҳолдаги молиялаштириш
- 8. Инвестиция лойиҳасининг ишчи капитали деганда нимани тушунасиз?**
- А. Моддий захиралар ва ишчиларнинг меҳнат ҳақи билан боғлиқ харажатлар  
Б. Ишчиларнинг меҳнати учун тўловлар  
С. Асосий фондларни капитал таъмирлаш харажатлари  
Д. Корхонанинг ишчи ходимларини сақлаш билан боғлиқ барча харажатлар

10. Инвестиция лойиҳаларини техник-иктисодий асослашда қандай тадбирлар амалга оширилади?
- А. Талаб ва таклиф башоратларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулотлар бозорини баҳолаш
  - Б. Хом ашёларни башорат қилиш орқали захира ресурсларидан фойдаланганликни баҳолаш
  - С. Объект манзилгоҳи, инфраструктурани баҳолаш
  - Д. Технологик қарорларни танлаш, лойиҳанинг самарадорлиги ва ҳаётийлигини баҳолаш

### *“Блиц-сурров” саволлари*

1. Инвестицион лойиҳа тушунчаси нима?
2. Инвестицион лойиҳалар қандай таснифланади?
3. Инвестицион лойиҳалар қандай хусусиятларига кўра таснифланади?
4. Корхона иқтисодий самарадорлигини таъминлашга доир инвестицион лойиҳалар таркиби нималардан иборат?
5. Молиялаштириш манбаларига кўра инвестицион лойиҳалар қандай гуруҳларга бўлинади?
6. Инвестицион лойиҳаларнинг таркибий қисми нималардан иборат?

### *«Ақлий ҳужум» усулидан фойдаланиши учун саволлар*

1. Лойиҳавий молиялаштириш босқичлари.
2. Лойиҳаларнинг техник экспертизаси.
3. Лойиҳаларнинг иқтисодий таҳлили.
4. Лойиҳаларнинг молиявий таҳлили.
5. Инвестициянинг қопланиш муддати.

### *Адабиётлар рўйхати*

1. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросида мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва тавсиялар тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида»ги 91-сон Қарори, 2006 йил 22 май, 91-сон. Узбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й. 20-21 (208-209) – сон.
2. Джонс Эрнест. Деловые финансы: Пер. с англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 1998. – 654 с.
3. Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили; Акад. М.Шарифхўжаев таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2003. – 256-б.
4. Кочетков И.А., Никешин С.Н., Рудаков Ю.П. и др. Управление проектами (зарубежный опыт). – СПб.: «ДваТри», 1993. – 458 с.
5. Гуломов С.С. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси», 1998.
6. Маҳмудов Н.М., Маджидов Ш.А. Ипакчилик тармоғида инвестицион фаолиятнинг самараадорлигини ошириш. Монография. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2009 – 166 бет.

## V БОБ.

### **ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ ВА ТАРТИБЛАРИ**

---

#### **5.1. Молиялаштириш манбалари ва уларнинг тузилиши**

---

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкдан фойдаланиш ва унга эгалик қилишнинг ўзига хос бўлган «лизинг» куриниши жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Лизинг тушунчаси инглизча «leasing» сўзининг тұғридан-тұғри талаффуз шакли бўлиб, асоси «lease» яъни ўзбекча «ижара» ёки «ижараага бериш» сўзларига тұғри келади. Шу нуктаи назардан, аксарият ҳолларда лизингга ижара хусусиятидан келиб чикқан ҳолда таъриф берилади. Шундай ҳолатни Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Лизинг тұғрисида»ги Қонунида ҳам кузатиш мумкин. Мазкур Қонуннинг 2-моддасида лизинг тушунчасига куйидагича таъриф берилган: «Лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топширигига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради».

Юқоридаги Қонунда лизинг муносабатларида учта томон қатнашиши мажбурлиги белгилаб күйиләяпти. Бу ҳолат соҳага бағишлиланган бошқа илмий адабиётларда ҳам учраб, лизинг муносабатларида «учта ва ундан ортиқ субъект қатнашади: ускуналарни етказиб берувчи, лизинг (молия) компаниялари ва фойдаланувчилар» таҳриридаги таърифлар сифатида лизинг моҳияти ёритилади. Аммо бугунги кунда хорижий мамлакатларда кенг қўлланилаётган лизинг турларини таҳлил қиласиган бўлсак, уларнинг ҳаммасида ҳам учта томон иштирок этмаслигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, қайтарма лизингни оладиган бўлсак, унда икки томон иштирок этади. Ана шундай ҳолатда айланма маблағларга муҳтоҷлик сезган корхона ва маблағ таъминотчиси (молия ташкилоти, яъни лизинг берувчи) иштирок этади. Корхона ўз мулкининг талаб қилинадиган айланма маблағ суммасига teng кисмини лизинг берувчига шартнома асосида беради. Натижада корхона айланма маблағга эга бўлиш оркали ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга эришади ва шартноманинг амал килиш муддати тугагандан сўнг лизинг берувчидан мулкни сотиб олиш ҳукуқига эга бўлади. Бу эса юқоридаги таърифга кўра лизингнинг бундай, яъни икки хўжалик субъекти ўртасида амалга оширилиши мумкин бўлган тури четлаб ўтилаётганидан далолат беради, дейиш мумкин.

Лизинг иқтисодий атамасига баҳо бериш учун, энг аввало, унинг иқтисодий моҳиятини тўғри тушуниш талаб этилади.

Лизинг ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, тўғридан-тўғри инвестицияга хосдир, яъни лизинг муносабатларида фақатгина хўжалик субъектлари фаол қатнашиб, бевосита давлат аралашуви талаб этилмайди. Унга кўра, лизинг олувчи маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида

кўрсатган хизматлари учун лизинг берувчига пул ёки моддий кўринишда инвестиция харажатларини ва мукофот пули тўлади. Шу жиҳатдан лизинг тадбиркорлик фаолиятининг бир кўринишидир.

Лизинг фаолияти ўзида маълум муддат фойдаланилмай турган ёки жалб қилинган молиявий ресурсларни инвестициялашни гавдалантириб, молиявий ижара (лизинг) лизинг берувчи шартли мулкий шартнома асосида ишлаб чиқарувчи мулкига эга булиш ва бу мулкни лизинг олувчига тадбиркорлик мақсадида вактингчалик тұлов шарти асосида тақдим этишни ифодалайди. Лизинг берувчи ишлаб чиқарувчига тақдим этиладиган мулкни ўз маблағлари ёки жалб қилинган маблағлар ҳисобига молиялаштириши мумкин. Бу Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Лизинг тўғрисида»ги Конунининг 8-моддасида ҳам ўз ифодасини топган.

Лизинг шартномасида кўрсатилган муддат давомида мулк лизинг берувчининг мулкий ҳукуки остида бўлади. Лизинг олувчи эса ундан вақтингчалик фойдаланиш ҳукукига эга бўлади. Бу жараён шартномада кўрсатилган пул маблағи лизинг олувчи томонидан тўлик тўланган ёки шартнома шартлари бажарилгунга қадар давом этади. Амалдаги қонунчиликда ҳам «лизинг обьектига бўлган мулк ҳукуки лизинг олувчи томонидан сотиб олингунга қадар лизинг берувчига тегишлидир» деб белгилаб кўйилган.

Лизинг шартномаси тугагач, лизинг олувчи келишилган нарх (тўлов) ҳисобига лизинг обьектига эга булиши, лизинг шартномаси муддатини узайтиришга эришиши ёки уни эгасига қайтариши мумкин.

Одатда, лизинг муносабатларида учта томон, яъни лизинг берувчи, лизинг олувчи ва мулкни сотувчи (етказиб берувчи) иштироки кўзда тутилади. Баъзи

ҳолатларда улар сони қисқариши ёки аксинча, кўпайиши мумкин. Масалан, сотувчи ва лизинг берувчи ёки сотувчи ва лизинг олувчи бир шахс бўлганда, лизинг муносабатлари иштирокчилари сони иккитани, йирик микдордаги инвестицияни жалб қилишни талаб этадиган лойиҳаларни амалга оширишда эса молиявий манбаларга эга бўлган (банклар, суғурта компаниялари, инвестицион фондлар ва ҳоказо) хўжалик субъектларини жалб қилиш ҳисобига лизинг берувчилар сони кўпайиши натижасида лизинг муносабатлари иштирокчилари сони бир қанчани ташкил этиши мумкин.

Аксарият адабиётларда лизингга ижара шакли сифатида таъриф берилади. Масалан, «лизинг деганда кўчар ва кўчмас объектларга эгалик қилишнинг алоҳида ижара муносабатларига асосланган тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий-хукукий, шу жумладан, кредит-молиявий муносабатлар мажмуи ва мулкий хукуқларнинг йигиндинини тушунмоқ керак», «лизинг – молия-кредит муносабатларининг шаклларидан бири бўлиб, корхоналар томонидан машина, асбоб-ускуна ва шунга ўхшашларни узоқ муддатли ижарага олинишини англатади» ёки «лизинг ижара муносабатларининг алоҳида шакли» кабилар. Аммо улар ўртасида фарқ қилувчи жиҳатлар тўлиқ очиб берилмаган. Шундан келиб чиқкан ҳолда, «лизинг» ва «ижара» муносабатлари ўртасида фарқни очиб бериш юзасидан шахсий фикрларимизни баён қиласиз.

Ижара муносабатлари мулк эгаси ва ижарага олувчи ўртасида амал қилиб, мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ асосий масъулият ижарага олувчи зиммасига юклатилади. Лизинг муносабатларида эса ижарадан фарқли ўларок, лизинг олувчи лизинг берувчига нисбатан пассив роль ўйнайди. Сотувчи эса мустакил фаолият кўрсатиш хукукига эга бўл-

майди, яъни у мулкни бевосита шартномада кўрса-тилган манзилга (лизинг олувчига) етказиб бериш билан шуғулланади.

Ижара муносабатларида ижарага берувчи ижарачи олдида мулқдан фойдаланишга тўсқинлик қи-лувчи барча камчиликлар юзасидан жавобгарликни шартнома бўйича ўз зиммасига олишга мажбур бўлса, лизинг муносабатларида эса лизинг берувчи лизинг олувчи олдида лизингга берилган мулк нуксонлари, ундан фойдаланиш жараёнида кишиларнинг соғлифи ва ҳаётига етказилиши мумкин бўлган зиёнлар учун лизинг олувчи ва сотувчи олдида жавобгар эмас. Фақатгина объект лизинг берувчи томонидан ёки унинг тавсиясига кўра танланган вазиятларда лизинг олувчига етган зарарни коплаш лизинг берувчи зиммасига тушиши мумкин. Лизинг берувчи лизингга берилаётган мулқда кузатилиши мумкин бўлган но-созликни бартараф қилиш юзасидан жавобгарликни ишлаб чиқарувчи (сотувчи)га юклашга харакат қиласи. Бу, ўз навбатида, лизинг олувчига кабул қилиб олинган мулқда носозлик кузатилган вақтда тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчига талабнома билан мурожаат қилиш имкониятини яратади. Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, мулкни таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масъулият шартнома шартларига асосан, лизинг берувчи, лизинг олувчи ёки сотувчи зиммасига юклатилиши мумкин.

Шунга қарамасдан лизинг шартномасида кўзда тутилган муддатда объект лизинг берувчи мулкий ҳукуки остида бўлиб, лизинг олувчи эса ижарадан фарқли ӯларок, лизинг берувчи олдидаги тўлов интизомини тўлик адо этиш орқали мулкий ҳукук билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Ижара муносабатларида барча хавф-хатар ижарага берувчи зиммасида бўлиб, ижарага олувчи ихтиёрий вақтда шартномани бекор қилиши мумкин.

Лизинг муносабатларида эса лизинг шартномасини муддатидан олдин бекор килиш лизинг оловучи томонидан шартнома шартлари түлиқ бажарилмаган-лиги муносабати билан лизинг берувчи ёки аксинча, лизинг оловучи томонидан талаб қилинган тақдирда, иккинчи томон лизинг түловини ҳамда шу билан бирга, баъзи ҳолларда жарима тўлашга ҳам мажбур бўлади.

Умуман олганда, лизинг ижарага нисбатан кенг тушунча бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар масъулиятини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган замонавий тадбиркорлик фаолияти қуринишидир.

Йқтисодий нуктаи назардан, лизинг ва мулк сотиб олиш учун фойдаланиладиган кредит муносабатлари ўртасида ҳам үхшашликлар мавжуд. Лизингта «кучар ва кўчмас асбоб-ускуналарни ижарага бериш шартномасида унинг ижаракига сотилиши мумкинлигини кўзда тутивчи профессионал кредитнинг бир шаклидир» қўринишида берилган таъриф фикримиз тасдиғидир.

Асосий фондлар кредит ресурслари ҳисобига сотиб олинганда, кредитор (қарздор ёки тадбиркор) қарзни узиш учун ўрнатилган муддатда белгиланган микдордаги пул маблагини тўлаб боради. Мавжуд ҳолатда банк кредит маблагининг қайтарилишини таъминлашнинг кафолати сифатида кредитор томонидан кредит мажбуриятлари түлиқ бажарилгунга қадар мулкий ҳукуқни тўлиқ үзида ушлаб туради. Бундан ташқари, банк кредит қайтарилмаслик хавфини қисқартириш максадида сотиб олинаётган мулкни кредит суммасининг тўлиқ қийматида қабул қилмайди (асосан, умумий кредит суммасининг 80 фоизи микдорида ҳисобга олади). Лизинг муносабатларида ҳам лизинг оловучи томонидан лизинг шартномасида кўзда тутилган шартлар тўлиқ бажа-

рилгунга кадар мулкий ҳукук лизинг берувчидан сақлаб қолинади. Лизинг ва кредит муносабатлари ўртасидаги мавжуд ўхшашлик лизингнинг молиявий турига хосдир. Шуни эътиборга олган ҳолда, лизингта баъзи манбаларда «банк кредити ёки унинг шакли» сифатида баҳо берилади. Шундай таърифлардан бири қуйидагича баён этилган: «Лизинг – машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотларини ижарага берувчидан мулкий ҳукук сақланишини кўзда тутувчи узоқ муддатли ижарага беришнинг янги маҳсус шакли бўлиб, капитал қўйилмаларини молиялаштириш банк кредитининг муқобил шаклидир».

Замонавий лизинг хизматлари бозори лизингнинг кўплаб турларини, уларни амалга ошириш юзасидан турли хилдаги шартномалар ва лизинг операцияларини тартибга солишга қаратилган меъёрий ҳукуқий хужжатларни ўзида акс эттиради.

Лизингнинг муҳим турларидан бири **молиявий** лизинг бўлиб, у лизинг шартномаси даврида мулк (амортизация) қийматининг тўлиқ ёки асосий қисми тўланишини кўзда тутади. Бу асосан, мулкнинг лизинг олувчига ўтиши (агар шартномада бошқа мақсадлар кўзда тутилмаган бўлса) ва лизинг берувчи эса мавжуд молиявий операциядан фойда олишини назарда тутади.

Лизингнинг *тезкор* (оператив) тури эса бир марталик лизинг шартномаси билан мулкнинг лизинг олувчига ўтишини таъминламайди ва лизинг берувчининг мулкка эгалик қилиш билан боғлик барча харажатларини қоплаш имкониятини бермайди, яъни мулк қийматини тўлиқ шакллантириш ва маълум микдордаги даромадга эга бўлиш учун лизингта берувчи мулкни бир неча бор ижарага бериши лозим бўлади. Ўз навбатида, «лизинг компанияси тезкор лизингда мулкни олар экан, ундан аниқ ким

фойдаланишини билмайди, шунинг учун у лизинг мулки бозорининг конъюнктурасини яхши билиши керак».

Тезкор лизинг шартномаси мулкнинг жисмоний эскиришига нисбатан қисқа муддатга тузилиб, лизинг олувчи ихтиёрий муддат шартномани тұхтатиш юзасидан таклиф киритиш имкониятига эга бұлади. Мулк юзасидан асосий жавобгарлик лизинг берувчida булиб, унинг ишга яроқлилигини таъминлаб туриши талаб этилади. Бу лизинг түловларининг молиявий лизинггә нисбатан анча юқори бұлишини таъминлайди. «Тезкор лизинг обьекти ҳисобланувчи мулкни лизинг компанияларининг үзи суғурталаб, таъмирлаш масалалари билан шуғулланади».

Бугунги кунда жағон амалиётида лизинг операцияларининг умумий инвестициялардаги улуши пастилиги (уртача 15 фоиз) сақланиб қолаётган булиб, нисбатан юқори құрсаткичлар бир қатор ривожланған ва ривожланаётган мамлакатларга түғри келади. Мустақил Давлатлар Ҳамдүстлиги мамлакатларыда эса унинг улуши жуда пастилигича сақланиб қолмоқда.

Лизингнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлantiришдаги үрнига баҳо бериш учун, әңг аввало, мавжуд муносабатларнинг ривожланишини тақозо қылған омиллар моҳиятини атрофлича таҳлил қилиш зарур.

Лизинг – мулкка әгалик қилиш билангина чекланишдан эмас, балки ундан самарали фойдаланишдан иборат эканлигини ҳам исботлаб келмоқда.

Лизингнинг туб моҳияти мулкий ҳуқук, капитал, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи каби ишлаб чиқариш муносабатларини үйғунлаштиришга қаратылған. Шу билан бирга, мулкдордан мулкий ҳуқук босқичма-босқич ундан фойдаланувчига үтиб бориши ёки мавжуд фаолият даврида мулк субъекти үзгариши лизинг муносабатларининг үзига

хослигидан далолат беради. Яъни лизинг муносабатлари жараёнида лизинг олувчи ўз маблағи ва меҳнатини асосий фондларнинг сифати ва сон жиҳатидан яхшиланишига каратиши оқибатида фойдаланувчидан эгалик қилувчига айланиш имкониятига эга бўлади. У, ўз навбатида, тадбиркор – меҳнаткаш – мулкдор сифатида намоён бўлади.

Давлат инвестицион кўйилмалари, кредит ресурслари ва хорижий инвестициялар у ёки бу фаолият соҳаси, мулкчилик шаклини устун санаб, имтиёзли шартлар жорий килишни кўзда тутса, лизинг муносабатлари учун эса уларнинг барчаси бир хил мавқега эга.

Умуман олганда, лизингнинг иқтисодий-ижтимоий моҳияти мулкий муносабат, ҳамкорликдаги иқтисодий фаолият ва мулкий ҳуқук ўзгаришининг ҳаётда ўз ифодасини топиши билан баҳоланади, дейиш мумкин.

Лизингнинг ишлаб чиқариш функцияси фан-техника жадал ривожланиб бораётган бир шароитда тез фурсатларда маънавий эскириши мумкин бўлган асбоб-ускуналар сотиб олиш ҳисобига эмас, балки нисбатан кисқа муддатда вақтинчалик фойдаланиш шарти асосида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда намоён бўлади.

Бу ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қуроллантиришнинг самарали усули бўлиш билан бирга, фан-техниканинг охирги ютукларидан манфаатдор бўлишни таъминлайди. Шу билан бирга, лизинг олувчи ишлаб чиқарувчи ёки лизинг берувчи томонидан техник хизмат курсатиш, сугурта қилиш, хом ашё билан таъминлаш, ишчи кучи малакасини ошириш каби қатор хизматлардан ҳам фойдаланиш ҳукуқига эга бўлади.

Лизинг асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар учун янги бозорлар очиш имкониятини беради. Агар

буғунги кунда фан-техниканинг сўнгги ютуқлари асосида тайёрланган машина ва асбоб-ускуналар анча қиммат ҳисобланиб, уларнинг, асосан, ривожланаётган, ривожланиш даражаси паст бўлган (ёки сотиб олиш имконияти чекланган) ҳудудлар ишлаб чиқариши учун талаб қилинишини эътиборга оладиган бўлсак, лизинг фаолияти имкониятларини юқори баҳолаш мумкин.

Лизинг фаолиятини давлат томонидан қуллаб-куватлаш чора-тадбирлари 2006 йилда ҳам давом эттирилиб, 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Президентининг 325-сонли қарори қабул қилинди. Унга кура, 2006 йил 1 апрелдан бошлаб лизинг хизмати кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинган.

Амалга оширилган лизинг операциялари таркибини таҳлил қиласиган бўлсак, асосий улушни кишлоқ хўжалик техникалари ташкил қилганлигини куришимиз мумкин (5.1.1-жадвал).

Демак, республикада амалга оширилаётган лизинг операцияларининг катта қисми қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олишни молиялаштиришга қартилаётган бўлиб, «Ўзқишлоқхўжаликмазлизинг» акциядорлик лизинг компанияси асосий улушга эга.

Лизинг операцияларининг ривожланишида солиқ ва амортизация ажратмаларидан бериладиган имтиёзлар муҳим аҳамият касб этиб, улардан фойдаланиш куйидаги бир қанча хусусиятларга эга:

- лизингга олинган мулкнинг шартнома келишувига кура лизинг олувчи ёки лизинг берувчи балансида акс этиши;

**5.1.1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида 2010–2012 йилларда  
лизингга берилган мулклар таркиби**

*млн. АҚШ доллари*

Соҳалар бўйича асбоб- ускуналар	2010 йил		2011 йил		2012 йил	
	лизинг битим- лари сони	сум- ма	лизинг битим- лари сони	сум- ма	лизинг битим- лари сони	сум- ма
Енгил саноат	26	540	4	2152	38	5626
Полиг- рафия саноати	5	940	9	3301	30	3619
Компью- тер ва оргтех- никалар	52	756	36	1307	28	953
Кишлоқ хужалиги	2493	30527	3422	46157	5022	61337
Юк автотранс- порти	2	221	10	888	24	1700
Пассажир автотранс- порти	80	1552	242	5489	274	7019
Кўчмас мулк	16	2702	38	2352	49	8917
Бошқалар	12	426	33	1356	47	8222
Жами:	2686	37664	3794	63002	5512	97393

- лизинг туловларининг ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар таннархига киритилиб, солиққа тортиладиган базадан чегирилиши;

- тезлаштирилган амортизация усулини күллаш имкониятининг берилиши;
- лизинг берувчилар даромади (фойдаси)ни имтиёзли соликка тортиш тизимининг амал қилиши.

Республикамиз лизинг бозорида 2012 йилга қадар фаолият курсатувчи юридик шахсларнинг ҳаммаси ҳам лизинг фаолияти билан шуғулланишда давлат томонидан такдим этилган солик имтиёzlаридан бир хилда фойдаланиш имкониятига эга эмас эдилар. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 26 апрелда қабул қилинган «Лизинг хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 199-сонли қарорда белгиланган солик имтиёzlаридан умумбелгиланган солиқларни тұловчи корхоналар фойдаланиш ҳукукига эга булиб, ягона солик тұловчи хўжалик субъектлари ундан маҳрум эди. Чунки қонун хужжатлари ягона солик тұловчи хўжалик субъектлари учун мол-мулк солиғини тұлаш ва тезлаштирилган амортизация усулини күллаш имкониятини бермасди. Ушбу ҳолат ягона солик тұловчи хўжалик субъектларининг лизинг операцияларида фоал иштирокини таъминлаш мақсадида ягона солик ставкаси-ни лизинг тұловини амалга ошириш муддатида маълум микдорга қисқартириш буйича ҳуқукий-меъёрий хужжат қабул қилишни талаб этар эди. Мавжуд муаммо Узбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартағи «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3860 сонли Фармони билан ўз ечи-мини топди.

Юкорида санаб ўтилган омилларни республика-миз лизинг бозори амалиётига жорий этиш орқали лизинг фаолиятининг ривожланишига, унинг кўлами кенгайишига, корхоналарда ишлаб чиқаришнинг ри-вожланишига ва янги техника-технологияларни иш-

лаб чиқаришга жорий қилиш цикли қисқаришига өришиш мумкін, деб ҳисоблаймиз.

Лизингнинг *ижтимоий аҳамияти* – давлат мулки хусусийлашаётган бир шароитда унинг маълум қисмига эгалик қилиш, қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи талабга нисбатан бир неча бор ортиб кетган шароитда унинг тартибланишига кўмаклашиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлашда намоён бўлади.

*Сиёсий аҳамияти* эса ўрта мулқдорлар қатлами шаклланиши, моддий таъминот яхшиланиши натижасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан мамнуният хиссининг кучайиши билан боғлиқдир.

## **5.2. Лизинг тўловлари суммасини аниқлаш**

---

Лизинг тўлови – лизинг лойиҳаси молиявий қисмининг ялпи умумлашган кўриниши бўлиб, лизинг берувчи учун фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ (лизинг обьектини сотиб олиш, етказиб бериш, ишга яроқлилигини таъминлаш каби) харжатларни қоплаш ва даромад олиш имкониятини аниқловчи ҳамда лизинг олувчи олиши мумкин будгани (ёки олган) даромаднинг бир қисмини қайта таксимловчи молиявий курсаткичdir.

Лизинг берувчи ва олувчининг лизинг тўловлари таркиби бир-биридан фарқланади. Лизинг берувчининг лизинг тўлови таркиби 2004 йил 14 апрелга кабул қилинган «Лизинг тўғрисида»ги Конуннинг 22 мөддасига асосан аниқланади. Лизинг тұловиниң тегисодчи олим Юлдашев М.А. қуйидаги формула ердамида ҳисоблашни таклиф этади.

$$L_m = L_{cx} + K_m + L_{eb} + L_{x} + L_{bd}$$

$L_{cx}$  – лизинг объектини сотиб олиш харажатлари;

$K_m$  – кредит ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ тұловс;

$L_{eb}$  – лизинг объектини етказиб бериш харажатлари;

$L_{xx}$  – лизинг объектини ярокли ҳолда ушлаб туриш билан боғлиқ бұлған харажатлар;

$L_{bd}$  – лизинг берувчи даромади.

Лизинг олувчининг лизинг тұлови таркибини эса күйидаги формула күренишида ифодалаш мүмкін:

$$L_m = A_a + K_m + L_{xm} + M_n + C_m$$

$A_a$  – амортизация ажратмалари миқдори;

$K_m$  – кредит ресурсларидан фойдаланғанлық учун тұловс;

$L_{xm}$  – күшімча хизматлар учун тұловс;

$M_n$  – лизингга берувчи оладиган мұкофот пули;

$C_m$  – суғурта тұлови.

Юкорида лизинг берувчи ва лизинг олувчининг лизинг тұловлари таркибини формула күренишида ифодалаща Узбекистон Республикаси Президенттінинг 2002 йил 28 августдаги ПФ–3122 сонли «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги фармони билан лизинг тұловлари құшилған киймат солиғидан, лизинг объекти божхона божидан ва мол-мулк солиғидан озод килинғанлиги боис мазкур жиҳатлар эътиборға олинмади.

Ушбу Фармонда берилған имтиёзларни эътиборға олмаганда, лизинг тұлови киймати күйидагиларни үз ичига олади:

$$\Pi_{mk} = A_k + K_m + \Pi_{bkm} + \Pi_{bx} + K_{kc}$$

$A_k$  – амортизация ажратмалари қиймати;

$K_m$  – кредит ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ тұлов;

$\Pi_{bkm}$  – лизинг берувчининг комиссион тұлови (маржасы) мікдори;

$\Pi_{bx}$  – лизинг берувчининг бөшқа харажатлари;

$K_{kc}$  – құшилған қиймат солиги.

Лизинг тұловларини мулкка әгалик қилиш ҳуқукини берувчи мулк олди-сотдисининг иқтисодий шаклларидан бири сифатида эътироф этиш мүмкін. Лизинг беруучи мулкни лизингге бераётганда унинг қиймати құшымча даромад билан белгиланған фоизлар шаклида қайтиб келишини мақсад қиласы.

Масалан, қишлоқ хұжалик машинаси лизинг ассоциацияда берилганды, лизинг тұлови қуйидаги тартибда қисобланады: лизинг компаниясы томонидан умумий қиймати үртача 18 млн. сүм бұлған қишлоқ хұжалик техникасы 7 фоизли ставка билан 7 йил (84 ой)га лизингге берилған. Лизинг олувчидан лизинг объектининг 15 фоиз қиймати мікдорида бүнак тұлови амалға ошириліб, бу 2,7 млн. сүмни ташкил қиласы. Лизинг муддатыда лизинг олувчи томонидан лизинг объекти қиймати, яғни 15,3 млн. сүм ва фоиз ставкасы тұлапиши тараба этилады. Лизинг тұлови қар 6 ойда тенг улушда тақсимланған қолда 1092,86 минг сүмни ташкил этиб, лизинг тұлови илк давридан бошлаб фоиз ставкалари билан бирга асосий қарз суммаси хам тұлаб борилғанligini кузатиш мүмкін.

Асосий қарз суммасини топиш учун умумий қарз суммасини лизинг тұлови муддати (ойлар сони)га бүлинди 8кп

$$A_k = K_c / \Pi_{mm}$$

Бу ерда:  $A_k$  – асосий қарз суммаси;

$K_c$  – умумий қарз суммаси;

$L_{mm}$  – лизинг тұловлари муддати.

Фоиз тұловлари суммасини топиш учун эса асосий қарз суммаси фоиз ставкасига күпайтирилиб, йил кунларини ой кунлари күпайтмасига бўлинганига тенгдир. Уни формула ёрдамида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Phi_{mc} = A_k x \Phi_c / 365 x O_k$$

Бу ерда:  $\Phi_{mc}$  – фоиз тұлови суммаси;

$A_k$  – асосий қарз суммаси;

$\Phi_c$  – фоиз ставкаси;

$O_k$  – ой кунлари сони.

Жами лизинг тұловлари суммаси,

$$L_m = A_k + \Phi_{mc}$$

Лизинг олувчи томонидан 19093,13 минг сүм лизинг тұлови тұланиши талаб этилиб, шундан 80,1 фоизи асосий қарз суммасига тұгри келади. Лизинг компанияси фоиз куринишида 3793,13 минг сүм ёки асосий қарз суммасининг 24,8 фоизи микдорида маржала олиши намоён бўлмоқда. Умумий маржа суммасининг 35,7 фоизи лизинг компаниясига тегишли бўлиб, умумий маржа суммасининг 50 фоизи Молия вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш жамғармасига, қолган 14,3 фоизи эса «Агробанк»га ўтказиб борилади.

Қишлоқ хўжалик техникаси 7 йил ёки 84 ойга лизингга берилганда, амортизация қийматининг 81 фоизини ташкил қилиб, ишлаш нормаси 9112,5 мото/соатни ташкил этиши кўзда тутилади. Демак, бу лизинг тұловини нафақат муддат, балки ишлаган мото/соати

Билан ҳам боғлаш заруратини туғдиради. Масалан, текшириш натижалари 2012 йил 1 июль ҳолатига 1900 мото/соат ёки 20,9 фойзни ташкил қилишини күрсатса, тұлов суммаси 3186,6 минг сүм үрнига 3981,0 минг сүм булиши лозимлигини билдиради. Уни аниклаш күйидагича амалга оширилади:

Лизинг тұлов суммаси =  $(19093,13 \times 20,9\%) = 3981,0$  минг сүм.

Бу лизинг тұловлари жадвалига қишлоқ хұжалик техникаси ишлаши лозим бұлған мото/соатларни ҳам киритиб бориш лозимлигини күрсатади. Мото/соатни назорат қилиб борищдан асосий мақсад эса лизингга олувчи томонидан лизинг шартлари үз вақтида бажарылмаган, яғни лизинг объектини қайтариб олишга зарурат туғилғанда ҳисоб-китобни тұғри амалга ошириш ва бөшқа лизингга олувчига беришда қолдик қийматини аниклашда фойдаланишдан иборатdir.

Бугунги кунда республика лизинг амалиётида лизинг тұловларини ҳисоблашнинг юкорида «Ўзкишлокхұжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси мисолида келтирілган каби, асосан, молиявий рента (аннуитетлар) усулидан фойдаланиб келинмоқда.

---

### **5.3. Хорижий инвестициялар ва у орқали амалга ошириш тартиби**

---

Хар бир алохida мамлакатнинг жағон ҳамжамиятидаги тутган үрни ва салоҳияти унинг иктисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгилендиди. Ҳар қандай давлатнииг тарақиётида хорижий инвестициялар муайян үрин тутади. Шунинг учун ҳам хорижий инвестицияларни үз иктисодиётига жало қилишнинг оқилюна йүлларини танлаш Ўзбекистон учун энг мухим вазифалардан бири булиб келди. Бозор иктисодиёти талабларидан келиб чиқиб,

жаҳонда инвестициялар учун катъий рақобатли кураш давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиётiga бевосита хорижий инвестициялар жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқукий, ижтимоий-иктисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан ўтказиш, маблағларни мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллариридир. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишда турли мулк шакллари вужудга келишининг шарт қилиб қўйилиши, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётида давлат, хусусий, ширкат мулк шакллари билан бир қаторда, аралаш мулк шакли ҳам фаолият юритишига имконият яратди. Аралаш мулк шаклининг классик кўриниши бўлиб хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар хисобланади. Аксарият ривожланган давлатларда вужудга келган молиявий тангликтан чиқишида ушбу турдаги ҳўжалик субъектларидан фойдаланилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов миллий иқтисодиётни ривожлантиришда, уни босқичма-босқич юксалтиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти хусусида: «Мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш – бу нафакат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, айни пайтда – бу, аввало, янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлашга қаратилган», деб таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон миллий иқти-

содиётини юксалтиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти кун сайин ошиб бормоқда. Ташкил иктиносидий алоқаларнинг ривожланиши иқти-содиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияла-шувига ва унинг барқарор суръатлар билан ривожла-нишига кенг йўл очди.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштиро-кидаги корхоналарнинг молия-кредит механизми-даги муаммоларини тадқиқ этишнинг долзарблиги ушбу корхоналар фаолиятини ташкил этишда айрим жиддий камчиликларнинг мавжудлиги; мамлака-тимизга жалб этилган хорижий инвестицияларнинг минтақавий нотекис жойлашганлиги; хорижий инвес-тициялар иштирокидаги корхоналарнинг мамлака-тимиз иқтисодиётини устувор тармокларида етарли даражада фаолият курсатмаётганлиги; инвестиция салоҳиятини шакллантиришда ва хорижий инвести-циялар иштирокидаги корхоналарнинг самарали фао-лият юритишида солик тизимидағи ўзгаришларнинг таъсирини сезиларлиги нисбатан заифлиги билан белгиланади.

Мамлакатимизга кириб келаётган хорижий ин-вестициялар иштирокидаги корхоналар «... айниқса, тўғридан-тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур»лигидан келиб чиқиб, хорижий инвестиция-лар иштирокидаги корхоналар билан боғлик бўлган муаммоларни тадқиқ этиш, уларни бартараф қилиш йўулларини белгилаш бугунги куннинг долзарб муам-моларидан бири булиб қолмоқда.

Республикадаги барқарор сиёсий ва иқтисодий вазият, пухта ўйланган сиёсат ҳамда Президент ва ҳукуматнинг хорижий инвестициялар кириб келиши-ни рағбатлантириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бораётганлиги, хорижий инвестициялар иш-тирокидаги корхоналарни солиқка тортиш тартиби

мукаммаллиги туфайли күшма корхоналар, чет эл фирмалари, уларнинг шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ҳамда тижорат фаолияти билан шуғулланувчи халқаро бирлашмаларнинг ташкил этилиши кун сайн кўпайиб бормоқда.

Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни барпо этиш масаласида Президент И.А. Каримовнинг: «Энг муҳими, четдан имтиёзли сармояларни олиб келиш – бу пировард натижада мамлакатимизда ракобатга бардошли, кучли иқтисодиётни барпо этиш ва жаҳон бозорида ўз муносаб ўрнимизни эгаллашга қодир бўлиш демақдир. Ўйлайманки, бугунги кунда бу ҳақиқатни ҳеч кимга исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқдир» деб билдирган фикрлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий сиёsat жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнининг факат давлатнинг таркиби тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашишини назарда тутади. Очиқ бозорнинг фаолият курсатиши учун яратилаётган шароит Farb ва Sharқ ишбилармонларининг мамлакатимизга баркарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жалб этмоқда.

Хозирги даврда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш куйидаги босқичларни ўз ичига олади: корхонани ташкил этиш сабабларини инобатга олиш; шерик танлаш; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида карор қабул қилиш. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларининг, асосан, уч туркумини ажратиб кўрсатиш мумкин: ички, ташқи ва стратегик.

*Ички сабаблар* таркиби қуйидагилардан иборат:

- яратилган инвестиция муҳитидан фойдаланиш;
- бошқарувнинг янги усулларини ўзлаштириш;
- замонавий ва энг қулай тартибга эришиш;
- маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишини кенгайтириш;
- ходимлар малакасини ошириш.

**Ташқи сабаблар** таркиби куйидагилардан иборат:

- жаҳон бозорига чикиш;
- соғлом ва самарали рақобат муҳити;
- сиёсий кескинликнинг юмшаси;
- маҳаллий ҳукуматнинг талаблари.

**Стратегик сабаблар** таркиби куйидагилардан иборат:

- мамлакатда замонавий иш юритиш усулларидан фойдаланиш имконияти;
- мустаҳкам хомашё базасига эга булиш;
- технологиялар трансферти;
- ишлаб чиқаришини кенгайтириш.

### *Тест топшириги*

1. «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қачон қабул қилинган?
  - A. 1999 й 14 апрель
  - B. 1998 й 18 апрель
  - C. 2000 й 10 декабрь
  - D. 2005 й 10 март
2. Лизинг операцияларининг қандай турлари мавжуд?
  - A. Молиявий, оператив, қайтариувчан

- Б. Оператив, молиявий
- С. Қайтарилиувчан, оператив
- Д. Оператив
- 3. Қайтарилиувчан лизинг құлланилганда, кимлар харидор сифатида намоён бўлиши мумкин?**
- А. Суғурта компаниялари; тижорат банки; фирма; якка инвестор
- Б. Суғурта компаниялари; тижорат банки
- С. Фирма, якка инвестор
- Д. Тижорат банки; якка инвестор
- 4. Жаҳон амалиётида лизингнинг нечта тури мавжуд?**
- А. Молиявий; оператив; қайтарилиувчан
- Б. Молиявий; оператив
- С. Оператив; қайтарилиувчан
- Д. Молиявий; қайтарилиувчан
- 5. Молиявий лизингнинг ўзига хослигини нимадан билса бўлади?**
- А. Ижара олинган мол-мулкка ижарага берувчи ҳеч қандай хизмат курсатмайди, ижарани муддатидан олдин тўхтатишга йўл қўйилмайди, молиявий лизинг тўлиқ амортизациялаштирилган ҳисобланади
- Б. Муддатидан олдин тўхтатишга йўл қўйилмайди
- С. Молиявий лизинг тўлиқ амортизациялаштирилган ҳисобланади
- Д. Ижарани муддатидан олдин тўхтатишга йўл қўйилмайди, молиявий лизинг тўлиқ амортизациялаштирилган ҳисобланади

**“Блиц-сурөв” савол ва топшириқлари**

1. Лизинг тушунчасига таъриф беринг.
2. Лизинг фаолиятини амалга оширишни кафотлайдиган республикамизда қандай меъёрий-хуқукий асослар яратилган?
3. Лизинг муносабатида қандай томонлар иштирок этади?
4. Лизингнинг иқтисодий моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Лизинг ижарадан қандай фарқланади?
6. Лизингнинг қандай турлари мавжуд?
7. Ўзбекистонда лизингни ривожлантириш түгрисида маълумот беринг.
8. Лизинг тўловлари қандай хисобланади?
9. Лизингнинг ижтимоий аҳамиятини таърифланг.
10. Лизингнинг сиёсий аҳамиятини таърифланг.

**“Ақлий ҳужум” усулидан фойдаланиши учун савол ва топшириқлар**

1. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий моҳияти нимадан иборат?
2. Хорижий инвестицияларнинг заруратини асослаб беринг.
3. Республикамизда хорижий инвестицияларни меъёрий – хуқукий асослари қай даражада таъминланган?
4. Тұғридан-тұғри хорижий инвестицияларнинг моҳиятини тушунтириңг.
5. Хорижий инвестициялар асосида иқтисодиёт соҳаларида барпо этилган корхоналар ҳақида маълумот беринг.
6. Хорижий инвесторларга қандай солиқ имтиёзлари берилган?

### *Адабиётлар рўйхати*

1. Узбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида”ги Қонуни, 1991 йил 19 ноябрь.
2. Узбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни, 1999 йил 14 апрель.
3. *Бернар И., Колли Ж-К.* Толковый экономический и финансовый словарь Французская, русская, немецкая, испанская терминология: В 2-х тт. – Т1: Пер с фр. – М.: Международные отношения, 1994. – 507 с.
4. *Васильев Н.П., Катырин С.Н., Лепе Л.Н.* Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства. – М.: ИКК «Дека», 1999. – 185 с.
5. *Газибеков Д.Г., Сабиров О.Ш.* «Лизинг и его развитие в Узбекистан». - Т.: «Молия», 2001. – 68 с.
6. *Газман В.Д.* Лизинг: теория, практика, комментарии. – М.: Фонд “Правовая культура”, 1997. – 30 с.
7. *Жуков Е.Ф.* Банки и банковские операции: – М.: Банки и биржи «ЮНИТИ», 1997.-128 с.
8. *Маликов Т.С.* Соликқа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: «Академия». 2002. -153 б.
9. Рынок. Бизнес. Коммерция. Экономика. Толковый терминологический словарь. -4е изд., исправ. и доп. – М.: Информационно – внедренческий центр «Маркетинг». 1998.- 356 с.
10. *Хайдаров Ш.У.* Лизинг: Признание, оценка и учет /Хайдаров Ш.У., Ортиков Х.А., Туксанов Х.А. – Ташкент: ООО «NORMA», 2006. – 240 с.
11. *Ғозибеков Д.Ғ., Сабиров О.Ш.* ва бошқалар. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Тошкент, «Fan va texnologiya», 2004.-308 б.
12. *Ғозибеков Д.Ғ.* Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Фан ва технология», 2004. – 308-б.
13. *Юлдашев М.А.* Лизинг – иктисодиётни модернизация қилишнинг асосий воситаларидан биридир. // Иктисодиёт ва таълим, 2007. № 1

## **VI БОБ.**

### **ИНВЕСТИЦИОН ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

#### **6.1. Таваккалчиликни баҳолашнинг асосий мезонлари ва унинг услублари**

Инвестицион фаолиятни амалга оширишда инвестиция таваккалчилиги тушунчасини билишнинг ўзи етарли эмас. Бунда таваккалчилик, аввало, корхонанинг молиявий ҳолатига таъсир этишини ва уни пасайтириш йўлларини билиш мухимдир. Одатда, таваккалчиликни пасайтириш икки йўналишда амалга оширилади.

- Таваккалчиликнинг вужудга келишини камайтириш;
- Таваккалчиликнинг корхона молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини камайтириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида реал инвестицияларнинг барча турлари турли шаклдаги таваккалчиликлар таъсирида бўлади. Бунга асосий сабаб иқтисодиётдаги турли ўзгаришларнинг мавжуд булиши, инвестиция бозори конъюнктурасининг ўзгариб туриши, турли шаклдаги реал инвестицион лойиҳаларни вужудга келиши ва уларни молиялаштириш шаклларини турлича булишлигидадир. Лойиҳаларни баҳолашда таваккалчилик даражаси инвестицион харатжатлар ҳажми ва соф пул оқими суммасидан кейин учинчи ўринда туради.

*Реал инвестицион лойиҳанинг таваккалчилиги*, бу – инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга

тахдид солувчи ва уларнинг ҳисобланган самарадорлигини пасайтирувчи имкониятлар тушунилади.


Корхонани лойиҳавий таваккалчилиги кўп қиррали бўлиб, уларни самарали бошқариш мақсадида куйидаги хусусиятларга қараб таснифлаш лозим (6.1.1- расм).


Корхонанинг инвестицион лойиҳаси таваккалчилиги таснифи куйидаги еттита гуруҳдан иборат:

- тури бўйича;
- лойиҳани амалга ошириш босқичлари бўйича;
- вужудга келиш манбалари бўйича;
- вақт бўйича намоён бўлиш хусусиятига қўра;
- молиявий йўқотишлар даражаси бўйича;
- кўра билиш имконияти бўйича;
- суғурталаш даражаси бўйича.

Бу гурухлар, ўз навбатида, ҳар бири яна турли хусусиятларга қараб гурухланади.

Бугунги кунда таваккалчиликни бошқариш бўйича етарли даражада яхши таркиб топган фаолият мавжуддир. Бу фаолият қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади.





### **6.1.1 расм. Корхонанинг лойиҳавий таваккалчилик таснифи**

1. Идентификация;
2. Таваккалчиликларни баҳолаш;
3. Таваккалчилик бошқарувида мақсад ва инструмент танлаш;
4. Таваккалчиликнинг олдини олиш ва назорат қилиш;
5. Таваккалчиликни молиялаштириш;
6. Натижалар баҳоси.

Биринчи ва иккинчи йўналишлар *таваккалчиллик таҳлили*, дейилади. Таваккалчиллик идентификацияси сифат таҳлили бўлса, таваккалчиллик баҳоси миқдорий таҳлилларидир. Таваккалчиллик таҳлиллари ичida энг кўп учрайдиган таваккалчилликнинг назарий бошқаруви бўлиб статистик усуслар хисобланади.

---

## **6.2. Таваккалчилликни бошқариш ва таваккалчиллик даражасини пасайтириш йўллари**

---

Таваккалчиллик таъсирини камайтиришда иккита бир-бирини тўлдирувчи йўллар мавжуд:

- шартномаларни бажариш босқичида уларни бажарилишини таъминловчи чора-тадбирлар;
- лойиҳани амалга ошириш жараёнида бошқарув қарорларининг назоратини самарали ташкил этиш.

Биринчи йўл дунё амалиётида куйидагича амалга оширилади:

- суғурталаш;
- қарздорнинг мулкини ушлаб туриш ёки кафиллигини таъминлаш;
- лойиҳани молиялаштириш жараёнини босқичларга бўлган ҳолда тасдиқлаш;
- инвестицияни диверсификациялаш.

Иккинчи йўл, яни лойиҳани амалга ошириш жараёнида бошқарув қарорларининг назоратини самарали ташкил этиш куйидаги услублар асосида амалга оширилади:

- кутилмаган харажатларни қоплаш мақсадида маблағларни захиралаш;
- кредитларни реструктуризациялаш;

Лойиҳавий таваккалчилкларни камайтируvчи услубларнинг бир нечтасини кўриб чикамиз.

Инвестицион таваккалчилкларни камайтируvчи услубларнинг энг муҳимларидан бири, бу – *дивер-*

**сификациялаши** ҳисобланади. Ҳар қандай инвестицион лойиҳаларни қабул қилувчи шахс инвестицион лойиҳага боғлиқ бўлган бошқа лойиҳаларни ҳам биргаликда кўриб чиқади. Таваккалчиликни камайтиришда шундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш режалаштирилиши лозимки, унга бўлган талаб қарама-қарши йўналишда ўзгарсин.

Лойиҳавий таваккалчиликнинг лойиҳа қатнашчилари орасида тақсимланиши уни камайтиришнинг энг мақбул услубларидан ҳисобланади. Бунда таваккалчиликнинг алоҳида ҳолатларини инвестицион лойиҳа қатнашчилари орасида тақсимланиши назарда тутилади.

Таваккалчиликнинг тақсимланиши лойиҳанинг молиявий режасини ишлаб чиқишида ҳисобга олинади ва шартнома ҳужжати кўринишида расмийлаштирилади.

**Кутимаган харажатларни қоплаши мақсадида маблагларни захиралаши** – инвестицион лойиҳаларнинг таваккалчилигини камайтирувчи кенг тарқалган услублардан бири ҳисобланади. Бунда лойиҳани амалга оширишда вужудга келадиган таваккалчиликларни камайтириш мақсадида лойиҳа қийматининг маълум қисми захиралаштирилади. Дунё амалиётида лойиҳа қийматини форс-мажор ҳолатлари учун 7-12 фоиз кўпайтиришга руҳсат берилади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги алоҳида таваккалчиликлар таъсирини йўқотиш ёки юмшатиш учун бир қанча усувлар қўлланилади.

1. Таваккалчиликдан қочиш. Қочиш деганда таваккалчилик билан боғлиқ тадбирлардан шунчаки оғиш тушуниллади. Таваккалчиликни пасайтиришнинг бу усули мукаммал кўриб чиқилмайди.

2. Таваккалчиликни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш (таваккалчиликнинг бир қисмини ҳамкорларга бериш). Таваккалчиликни тақсимлаш

лойиҳанинг молиявий режасини ва аниқ хужжатларини ишлаб чиқишида амалга оширилади.

3. Таваккалчиликни сұғурталаш. Таваккалчиликни сұғурталаш, мантиқан олганда, муайян таваккалчиликларни сұғурта компанияларига беришни англатади. Унинг моҳияти инвесторнинг таваккалчилиқдан кутулиш мақсадида даромаднинг бир қисмидан воз кечиши орқали акс эттирилади. Бунда инвесторнинг таваккалчилик даражасини «ноль»га тушириш учун тұловни амалга оширишга тайёр эканлигини тушуниш мүмкин. Күп холларда, сұғурта компаниялари молиявий таваккалчиликларни сұғурталаш билан таваккалчилик даражасини пасайтиришга тұлық эришишга хизмат қиладилар.

4. Таваккалчиликни пасайтириш (күзда тутилмаган харажатларни қоплаш учун захира маблағларини ташкил этиш йўли билан йўқотишлар ҳажмини қисқартириш). Күзда тутилмаган харажатларни қоплаш учун захира маблағларини ташкил этишдаги асосий муаммо таваккалчиликларнинг жиддий оқибатларини баҳолаш ҳисобланади. Бунинг учун лойиҳа кийматини бошланғич баҳолашни ҳисобга олиш лозим. Бу эса захира суммасини аниқлашга катта ёрдам беради.

Таваккалчиликни пасайтиришнинг аниқ воситасини танлашда инвестор қўйидаги тамойилларга асосланса, мақсадга мувофик бўлар эди:

- ортиқча таваккал қилиш керак эмас;
- таваккалчилик оқибатлари түғрисида ўйлаш лозим;
- кам нарса учун таваккалчилик қилиш керак эмас.

Биринчи тамойилнинг амалга оширилиши инвестор капитални қўйишдан олдин:

- ушбу таваккалчилик бўйича мумкин бўлган зарарнинг максимал ҳажмини аниқлаб олиши;

- уни барча хусусий молиявий маблағлари билан тақослаши ва ушбу капиталнинг йўқотилиши инвесторнинг банкрот бўлишига олиб келишкелмаслигини аниқлаши лозим.

Капитал қўйилмасидан кўрилган зарар ҳажми ушбу капитал ҳажмига teng, undan катта ёки кичик бўлиши ҳам мумкин. Хусусан, бевосита инвестициялардаги зарар ҳажми, одатда, инфляция омилини ҳисобга олган ҳолдаги венчур капитали ҳажмига тенгdir.

Иккинчи тамойилнинг амалга оширилиши инвесторнинг таваккалчилик эҳтимоллиги миқдори ва оқибатларини аниқлаб олган ҳолда таваккалчиликни пасайтириш усуллари тўғрисида қарор қабул қилинишини талаб этади.

Учинчи тамойилнинг амал қилиниши лойиҳадан кўриладиган зарар ҳажми нисбатан юқори бўлган ҳолларда таваккалчиликдан бош тортиш зарурлиги билан англашилади.

Инвестор учун унинг манфаатига мос бўлган лойиҳа уни амалга оширишдаги юзага келувчи таваккалчиликларнинг тўлик бартараф этилганидир. Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда муқобил лойиҳаларни таққослама таҳлил этишнинг аҳамияти жуда каттадир. Лойиҳаларнинг таққослама таҳлили, ҳатто, уларнинг қайси бири энг кам таваккалчиликли, юқори фойдали, тез қайтимли, кафолатланган даромадли, ҳаётйлиги ишончли инвестиция лойиҳаси эканлигини аниқлашга имкон беради. Бундай таҳлил инвесторнинг молиялаштиришга лойик ҳақиқий рақобатбардош лойиҳани аниқлаши ва танлашига имкон яратади.

### **Тест топшириги**

#### **1. Иқтисодий таваккалчиликлар – бу...**

- А.** Иқтисодий омилларнинг ўзгариши билан боғлиқ таваккалчиликлар.
- Б.** Давлат томонидан амалга ошириладиган сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ таваккалчиликлар.
- С.** Инвестицияланаётган корхоналарнинг ишчилари таъсири остида режалаштирилмаган ижтимоий дастурларни амалга ошириш.
- Д.** Инвестицияланаётган обьектлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи турли хил экологик офатлар ва жижалар.

#### **2. Мавжуд бўлиш хусусиятига кўра таваккалчиликлар:**

- А.** Тижорат, ишлаб чиқариш, молиявий таваккалчиликлар.
- Б.** Моддий-техника таъминоти.
- С.** Тизимсиз таваккалчиликлар.
- Д.** Тизимли таваккалчиликлар.

#### **3. Таваккалчиликни пасайтиришнинг аниқ воситасини танлашда инвестор қайси тамойилларга асосланади?**

- А.** Ортиқча таваккал килиш керак эмас.
- Б.** Таваккалчилик оқибатлари тўғрисида ўйлаши лозим.
- С.** Кам нарса учун таваккалчилик килиш керак эмас.
- Д. А, Б ва С.**

#### **4. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги алоҳида таваккалчиликлар таъсирини йўкотиш ёки юмшатиш учун қандай усувлар кўлланилади?**

- А.** Таваккалчиликдан қочиш.
- Б.** Таваккалчиликни лойиҳа иштирокчилари ўртасида таксимлаш.
- С.** Таваккалчиликни сугурталаш, таваккалчиликни пасайтириш.
- Д. Барча жавоблар туғри.**

### ***“Блиц-сұров” савол ва топшириқлари***

1. Таваккалчиликларнинг турларини айтинг.
2. Таваккалчиликлар қандай таснифланади?
3. Иктисодий ва сиёсий жараёнларнинг таваккалчиликка қандай тәссири бор?
4. Күтилмега н ҳаражатларни қоплаш мақсадида маблағтарни захи ралаш деганда нимани тушунасиз?

### ***“Ақлий ҳұжысум” усулидан фойдаланши учун саволлар:***

1. Инвестиция таваккалчиликларини аниқлаш усууллари.
2. Таваккалчиликни бошқариш ва таваккалчилик даражасини пасайтириш йүллари нималардан иборат?
3. Таваккалчиликларни суғурталаш қандай амалга оширилади?

### ***Адабиётлар рұйхати***

1. Узбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тұғрисіда»ғи Қонуни. 2002 ы.
2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14 апрель 2001 йилдаги «Корхоналар инвестицион фаолтігини рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ғи 184-сонли Қарори.
3. Абдуллаев Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: - Молия, 2002.
4. Глазунов В.П. Финансовый анализ и оценка рисков реальных инвестиций. М.: - Финстатинформ. 2002.
5. Шодмоноғаш Ш., Жұраев Т. Иктисодиёт назарияси. Т.: ТДИУ, 2001.-5276.

## **Иқтисодий атамалар изохи (глоссарий)**

**Автоном инвестиция** – соф даромад (фойда) шаклла-нишига бевосита боғлиқ бўлмаган капитал қўйилмаларни ифодалайди. Масалан, технологик жараёнларни такомил-лаштириш учун йўналтириладиган инвестиция.

**Аралаш инвестиция** – инвестиция объектларига хусусий ва давлат капитали қўйилишини ифодалайди.

**Бевосита инвестиция** – капитал қўйилмаларни инвес-тор томонидан тўғридан-тўғри инвестицион объектларга йўналтирилиши назарда тутилади.

**Билвосита инвестиция** – воситачи молиявий таш-килотлар орқали инвесторлар томонидан капитал қўйил-маларнинг қўйилиши тарзида ифодаланилади.

**Бир-бирини инкор этувчи инвестиция** – амалга ошириш мақсадида ўхшаш технологияларни, маҳсулот турларини танлашда муқобилликни талаб этишни ифода-лайди.

**Боғлиқ бўлмаган инвестиция** – инвестицион дас-тур доирасидаги инвестицион лойиҳа таркибига кирувчи ўзаро боғлиқ бўлмаган объектларга капитал қўйилишини ифодалайди.

**Давлат инвестицияси** – давлат бюджети ва бюджет-дан ташқари давлат фондлари ҳамда давлат корхоналари томонидан капиталлар қўйилишини ифодалайди.

**Даромадсиз инвестиция** – инвестор томонидан фойда олмаслик мақсадида инвестицион объектларни инвести-циялашни ифодалайди. Одатда, бундай инвестициялардан ижтимоий, экологик ва бошқа ноиқтисодий самара олиш мақсад килиб қўйилади.

**Даромаднинг ички меъёри** – инвестициядан пул оқимини, келажакдаги қийматини дисконт ставкаси билан

белгиланган инвестицион маблағларни хозирги кийматига келтирилган аниқ бир инвестицион лойиҳанинг даромадлилик даражасини ифодалайди.

**Дастлабки инвестиция** – ўзининг маблағи ҳамда қарз шаклидаги молиявий ресурслар ҳисобига инвестицион мақсадлар учун қайта шаклланган капитал ишлатилишини ифодалайди.

**Дезинвестиция** – инвестицион мақсадлар учун қайта ишлатмаслик шарти билан илгари киритилган инвестицион капитални инвестицион оборотдан ажратиб олиш жараёнини ифодалайди. Масалан, корхона кўрган заарини қоплаш учун йўналтирилган инвестиция.

**Дисконтланган қоплаш муддати** – инвестицион лойиҳанинг амалга оширилишидан бошлаб, иқтисодий ижобий самарага эришгунга қадар бўлган қисқа вақт интервали.

**Инвестиция** – капиталнинг барча шакларини хўжалик фаолиятининг турли обьектларига фойда олиш мақсадида киритилиши ҳамда бозор тамойилларига асосланган таваккалчилик, ликвидлик ва вакт омилига боғлик бўлган иқтисодий ёки ноиктисодий самара олишdir.

**Инвестицион жозибадорлик** – инвестиция обьектларини таснифлаш ва баҳолаш, рейтинг орқали таққослашни амалга ошириш, турли иқтисодий ривожланиш босқичлари ва даражасидаги хўжалик ҳамда инвестицион жараёнларни қиёслаш орқали таҳлил қилиш.

**Инвестицион лойиха** – маълум ҳаракатларни амалга оширувчи, яъни келгусида фойда олиш мақсадида капитал кўйилишига асосланган, ташкилий-хукукий ва молиявий ҳисоб-китоб ҳужжатлари тизими.

**Инвестицион мухит** – корхона, тармок, ҳудудда инвестицион жозибадорликни таъминловчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, хукукий ва бошқа шарт-шароитларнинг обьектив жамламаси.

**Инвестицион таваккалчилик** – ноаниқ ҳолатдаги инвестицион фаолиятда кутилмаган йўқотишларнинг вужудга келиши эҳтимоли.

**Интеллектуал инвестиция** – патентлар, лицензиялар, ноу-хаулар, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга инвестицияларнинг йўналтирилиши.

**Ички инвестиция** – мамлакат ичидаги турли шаклдаги капиталлар қўйилишини ифодалайди.

**Ишлаб чиқариш инвестицияси** – жамғариш ва ис-теъмол орқали соф даромад (фойда) олиш динамикасини ифодалайди.

**Кам даромадли инвестиция** – инвестициянинг соф инвестицион фойда даражаси унинг ўртacha меъеридан кам бўлган инвестиция обьектларига йўналтирилишини ифодалайди.

**Капитал қўйилма** – асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш, куриш, капитал таъмирлаш, кенгайтириш ҳамда яратиш билан боғлик харажатлар йиғиндиси.

**Лизинг** – машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотларини ижарага берувчида мулкий ҳукуқ сақланишини кузда тутувчи узоқ муддатли ижарага беришнинг янги маҳсус шакли бўлиб, капитал қўйилмаларини молиялаштириш банк кредитининг муқобил шаклидир.

**Лизинг тўлови** – лизинг лойиҳаси молиявий қисмининг ялпи умумлашган куриниши бўлиб, лизинг берувчи учун фаолиятни амалга ошириш билан боғлик (лизинг обьектини сотиб олиш, етказиб бериш, ишга яроқлилигини таъминлаш каби) харажатларни қоплаш ва даромад олиш имкониятини аниқловчи ҳамда лизинг олувчи олиши мумкин бўлган (ёки олган) даромаднинг бир қисмини қайта тақсимловчи молиявий кўрсаткичидir.

**Миллий инвестиция** – корхоналар ёки давлат ташкилотларининг капиталини мамлакатимиздаги турли инвестицион обьектларга қўйилишини ифодалайди.

**Молиявий инвестиция** – даромад олиш мақсадида инвестицияларни турли қимматли қофозларга (акциялар, облигациялар, банкларнинг депозит сертификатлари ва бошқалар) қўйилиши назарда тутилади.

**Молиявий лизинг** – лизинг шартномаси даврида мулк (амортизация) кийматининг тўлиқ ёки асосий кисми тұланишини кўзда тутади. Бу асосан, мулкнинг лизинг олувчига ўтиши (агар шартномада бошқа мақсадлар кўзда тутилмаган бўлса) ва лизинг берувчи эса мавжуд молиявий операциядан фойда олишини назарда тутади.

**Ноликвидлик инвестиция** – алоҳида амалга ошириш имконияти бўлмаган ва инвестицион бозорларда барча мулк таркибида биргаликда амалга ошириладиган инвестициялар киритилади.

**Паст таваккалчилик инвестиция** – ўртacha бозордаги хавф-хатар даражасидан паст бўлган инвестицион объектларга капитал кўйилишини ифодалайди.

**Паст ликвидлик инвестиция** – ўзининг жорий бозор кийматини йўқотмаган ҳолда, узоқ муддатдан кейин (ярим йил ва ундан кўп) пул шаклига айлантириш имконияти мавжуд бўлган инвестицион объектларга киритилиши.

**Реал инвестиция** – асосий воситаларни вужудга келтириш, товар-моддий бойликлар захирасини оширишга қўйиладиган капитал, яъни корхоналарни бунёд этиш ҳамда уларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш учун етарли миқдорда хом ашё захираларини барпо этишга йўналтирилиши.

**Реинвестициялар** – инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) муомалага киритиш.

**Реновация инвестицияси** – асосий воситаларни қайта тиклашга қўйиладиган капитал ҳажмини ифодалайди. Миқдорий жиҳатдан реновация инвестицияси маълум даврдаги амортизация ажратмалари суммасига tengлаштирилади.

**Рентабеллик индекси** – лойиха бўйича инвестицион харажатлар ҳажми билан кутилаётган соф пул оқими ўртасидаги боғланишни аниқлаш.

**Соф инвестиция** – асосий воситаларни такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун инвестицияланадиган капитал ҳажмини ифодалайди. Миқдорий жиҳатдан соф инвестиция маълум даврдаги ялпи инвестициядан барча

турдаги амортизацияланадиган капиталларни амортизация ажратмаси суммасининг айрмаси сифатида ҳисобланади.

**Соф жорий қиймати** – муайян вақт оралиғида даромад ва капитал қўйилмалар орасидаги дисконтланган фарқни ифодалайди.

**Стратегик инвестиция** – стратегик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун йуналтирилади.

**Таваккалчиликсиз инвестиция** – ҳисобланган реал соф инвестицион фойда олиш кафолатланган ёки капитални йўқотиш хавфи бўлмаган инвестицион объектларга маблағларнинг қўйилишини ифодалайди.

**Ташқи инвестиция** – капитал бошқа корхоналарининг реал активларига қўйилишини ифодалайди.

**Ташқи омилларга боғлиқ бўлган ва таъсир этувчи инвестиция** – ўзаро боғлиқ булиб, улар инфляция даражаси, ижтимоий инфраструктура, ишлаб чиқаришнинг мавжудлигига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлган капитал қўйилма.

**Тезкор лизинг (оператив)** – бир марталик лизинг шартномаси билан мулкнинг лизинг олувчига ўтишини таъминламайди ва лизинг берувчининг мулкка эгалик килиш билан боғлиқ барча харажатларини қоплаш имкониятини бермайди, яъни мулк қийматини тұлиқ шакллантириш ва маълум миқдордаги даромадга эга бўлиш учун лизингта берувчи мулкни бир неча бор ижарага бериши лозим бўлади.

**Тижорат инвестицион таваккалчилиги**, бу – тадбиркорлик таваккалчилигининг бир тури бўлиб, инвестицион фаолият билан боғлиқ инвестицион лойиҳа, тижорат фаолиятининг амалга оширилиши билан боғлиқ таваккалчилик бўлиб, ҳамкорларнинг масъулиятсизлиги, асоссиз техник ва технологик ечимлар, муваффакиятсиз маркетинг натижасидаги йўқотишларни англатади.

**Узок муддатли инвестицион лойиҳа**, бу – турдаги лойиҳани амалга ошириш муддати уч йилдан кўп бўлиб, бу даврда янги йирик курилиш ишлари ёки корхонада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида тўла реконструкция ишлари бажарилади.

**Халқаро инвестиция ёки (халқаро бозордаги инвестиция) – мамлакатдаги турли шаклдаги капиталларни унинг ташқарисида қўйилишини ифодалайди.**

**Хорижий инвестиция** – чет эллик инвесторлар фойда (даромад) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўшаётган мулкий бойликларнинг ва уларга нисбатан ҳуқуqlарнинг, шунингдек, интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуqlарнинг барча турлари чет эл инвестициялари хисобланади.

**Хорижий инвестиция** – республикамиздаги инвестицион объектларга хориждаги юридик ёки жисмоний шахсларнинг капитали қўйилишини ифодалайди. Бундай инвестициялар давлат томонидан кафолатланган ёки тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар шаклида киритилади.

**Хусусий инвестиция** – жисмоний шахслар, шунингдек, нодавлат мулк шаклига эга бўлган юридик шахслар томонидан капиталлар қўйилишини ифодалайди.

**Юқори даромадли инвестиция** – инвестицион бозорлардаги ўртacha фойда меъеридан кутилаётган юқори соғ инвестицион фойда даражасини таъминловчи лойиҳаларга капитал қўйилишини ифодалайди.

**Юқори таввакалчиликли инвестиция** – ўртacha бозордаги хавф-хатар даражасидан юқори бўлган инвестицион объектларга капитал қўйилишини ифодалайди.

**Юқори ликвидлик инвестиция** – ўзининг жорий бозор қийматини йўқотмаган ҳолда, қисқа муддат ичida (одатда бир ойгача) пул шаклига айлантириш имконияти мавжуд бўлган инвестицион объектларига киритилади.

**Ялпи инвестиция** – маълум давр ичida асосий威尼斯лар ва номоддий активларни вужудга келтириш учун сарфланадиган инвестицион капиталнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

**Якка тартиbdаги инвестиция** – корхонанинг жорий фаолияти давомида янги ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш учун ишлатилади.

**Якка ҳолда ажратилган инвестиция** – бошқа инвестицияга эҳтиёж қолдирмайдиган қўйилма.

**Үзаро боғлиқ бўлган инвестиция** – капитални маълум бир кетма-кетликда жойлашган ва ишлатилиши үзаро боғлиқ бўлган инвестицион объектларга қўйилишини ифодалайди.

**Ўрта даромадли инвестиция** – инвестицион бозорларда шаклланган фойда меърига мос келадиган соф инвестицион фойдани олиш имкониятини берадиган лойихаларга капитал қўйилишини ифодалайди.

**Ўрта ликвидлик инвестиция** – ўзининг жорий бозор қийматини йўқотмаган ҳолда, (одатда бир ойдан олти ойгача) бўлган муддат ичидаги пул шаклига айлантириш имконияти мавжуд бўлган инвестицион объектларига кириллади.

**Ўрта муддатли инвестицион лойиха** – бу турдаги лойихани амалга ошириш муддати бир йилдан уч йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, асосан, корхонанинг техник воситаларини модернизациялаш, уни реконструкциялаш, яхлит мулкларни тайёрлаш ва унга эгалик қилиш ишларининг амалга оширилишини ифодалайди.

**Ўрта таваккалчиликли инвестиция** – ўртача бозордаги хавф-хатар даражасига мос келадиган инвестицион объектларга капитал қўйилишини ифодалайди.

**Қиска муддатли инвестицион лойиха** – бундай лойиха бир йилгача муддатда амалга оширилиб, асосан, маълум турдаги янги дастгоҳларни сотиб олиш, инновацияни инвестициялаш, моддий айланма активлар захираси ўсишини инвестициялаш билан боғлиқ.

**Қоплаш муддати** – амалга оширилган инвестициянинг (капитал қўйилманинг) қайтарилиши кутилаётган йили сифатида ифодаланилади.

**Ақлий ҳужум** – бевосита жамоа булиб «фикрлар ҳужуми»ни олиб бориш. Бу усулнинг мақсади – мумкин қадар катта микдордаги ғояларни йиғишиш, талабаларни айни бир хил фикрлашдан холи қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгиштирди.

**Бахс-мунозара** усулида гурух аъзолари бирор муаммони ечиш (ёки билимларни ошириш ёхуд мавзуни тушиши) максадида ўз гояларини оғзаки таклиф этадилар. Усулдан самарали фойдаланиш учун иштирокчилар мухокама предметига оид етарли билим ва тажрибага эга булишлари лозим.

**Блиц – ўйин** усули – ҳаракатлар кетма-кетлигини тұғри ташкил этиш, мантикий фикрлашға, үрганилаётган фаннинг предмети асосида күп хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклisisini танлаб олишни үргатишига қаратылған.

**Бошқарув** технологияси – үқитувчиларни аудиторияни бошқаришдаги усуллари ҳамда талабларни иш жараёнида бошқариш усуллари билан таништирувчи ва шунга үргатишига қаратылған.

**Бумеранг** технологияси – талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарыда түрли адабиётлар, матнлар билан ишлеш, үрганилған материални ёдида сақлаб қолиши, сұзлаб бера олиш, фикрини әрқин ҳолда баён эта олиш ҳамда дарс давомида барча талабаларни бағолай олишга қаратылған.

**Вейер** технологияси мураккаб, күп тармоқлы, мумкин қадар муаммо характеристидаги мавзуларни үрганишга қаратылған. Технологиянинг мөхияти шундан иборатки, бунда мавзунинг түрли тармоқлари бүйіча бир йұла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алохіда нұқталарда мухокама этилади. Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффакиятли ривожлантиришга ҳамда ўз гоялары, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

**Интервью** технологияси – үқувчи-талабага савол беріш, әшита олиш, тұғри жавоб беріш, саволни тұғри тузишни үргатишига қаратылған.

**Иерархия** технологияси – оддийдан мураккабға, мураккабдан оддийға үтиш усулларини құллаш орқали улар-

ни мантикий, танқидий, ижодий фикрлашга ўргатишига қаратилган.

**Интерфаол** – инглизча сўз булиб, «интераст», «интер»- ўзаро ва «аст» – ҳаракат қилмоқ, яъни ўзаро ҳаракат қилмоқ маъносини англатади.

**Кейс-Стади**, бу – услуга аниқ вазият, ҳодисага асосланган ўқитиш услуги хисобланади.

**Мулокот** технологияси ўқитувчиларни аудитория диққатини ўзига жалб этиш, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишига, уни ташкил этишини ўргатишига қаратилган.

**Скарабей** – интерактив технология булиб, у талабаларга фикрий боғлиқлик, мантикий хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология ўқувчиларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасавурларни аниқлаш имконини беради. У айни пайтда, турли гояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашига имкон беради.

**Талаба тренинги** – талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тусиқни йўқ қилиш, ҳамкорликда ишлаш йўлларини ўргатишига қаратилган.

**Тармоқлар (Кластер)** усули – талабани мантикий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишига ўргатишига қаратилган.

**Ўқитувчи шахси тренинг** – ўқитувчининг инновацион фаолиятини очиб берувчи «Ўқитувчи шахсига кўйиладиган талаблар» мавзусидаги мустақил фикрлашга, ижодий иншо ёзиш орқали фикрларни баён қилишига қаратилган.

**Зx4** усули – талабаларнинг эркин фикрлаши, кенг доира да турли гояларни бера олиши, таълим жараёнида якка, кичик гурух ҳолда таҳлил этиб, хулоса чиқара олиши, таъриф бера олишига қаратилган.

*Илова-1*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ  
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар  
жалб этилишини рағбатлантиришга оид  
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжасатлари  
тўплами, 2012 й., 15-сон, 167-модда; 2013 й., 12-сон,  
150-модда)

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди.

Натижада республикада иқтисодиётнинг етакчи тармоклари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳар йили 3,0 миллиарддан кўпроқ асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 26,6 фойиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти барқарорлиги ва пишиқ-пухталигига, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан яққол далолат беради.

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва миңтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мав-

жуд бюрократик ғовлар ва түсіккларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йул құймаслик борасыда күшимча чоратадбірлар қабул қилинішини тақозо этмокда.

Юқори технологияли ишлаб чиқарышларни ривожлантиришга тұғридан-тұғри құйилмалар киритаёттан хорижий инвесторлар учун максимал даражада кулай инвестиция мұхитини яратып, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини күчайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини яна-да мустаҳкамлаш мақсадыда:

1. Маълумот учун қабул қилинсінки, республика қонунчилиги томонидан 1-иловага<sup>1</sup> мувоғиқ хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кенг күләмдеги кафолатлар, имтиёзлар ва афзалліклар тизими яратылған.

2. Белгилаб қўйилсінки, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам булмаган янгидан ташкил этилаёттан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солик қонунчилигида ўзгаришлар юз берган холларда, юридик шахслардан оли-надиган фойда солиғи, кўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация килиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тұлов, ягона солик тұлови, шунингдек, Республика йүл жамғармасига ҳамда Таълим ва тибиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тұлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасыда амал қылған меъёрлари ва коидаларини қўллашга ҳақлидирлар.

---

<sup>1</sup> 1-илова рус тилидаги матнда берилған.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур тащки муҳандислик-коммуникация тармокларини куриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Узбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони билан белгиланган солиқ имтиёzlари 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб:

2-иловага мувофиқ, иқтисодиёт тармоклари ва соҳаларида фаолият юритаётган;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти истисно этилган ҳолда, республиканинг барча минтақаларида жойлаштириладиган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга татбиқ этилсин.

5. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари, хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, тижорат банклари томонидан хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаблар ва чекловлар ўрнатилиши қатъян тақиқлансин ва бу ҳол қонунга хилоф деб ҳисоблансин.

Узбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий инвесторларнинг, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг хукуқ ва кафолатларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари сўзсиз риоя этишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатсан ҳамда конунчилик бузилишининг олдини олиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таъсирчан чоралар кўрсинг.

6. Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер (танлов) савдоларини ўтказиш бўйича Давлат

комиссиясига (Р.С. Азимов) хорижий инвесторларнинг буюртманомалари бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансида бўлган паст ликвидли объектларни аниқ инвестиция мажбурияти остида инвестор билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан танлов ўтказмасдан «ноль» харид қиймати бўйича сотиш ҳукуки берилсин.

7. Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг буюртманомалари бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда катнашаётган хорижий компанияларнинг мансабдор шахслари ва мутахассисларига 12 ой муддат билан кириш визалари ҳамда кўп марталик визалар расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банкни жалб этган ҳолда хорижий инвесторларга ўзларининг инвестиция фаолиятини амалга оширишлари учун Давлат бюджети ва унинг ижроси, пул-кредит сиёсати, ташқи савдо ҳамда бошқа курсаткичларни ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган иқтисодий ахборотлардан тизимли асосда белгиланган тартибда кенг фойдаланиш имкониятларини таъминласин.

9. Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун берилган кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликларга доир конун ҳужжатларининг амалда рӯёбга чиқарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда берилётган имтиёзлар ва афзалликларга вазирликлар, идоралар ва бошқа ижрочилар томонидан риоя этилмаслиги ҳолатлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ахборот киритиб борсин.

10. Узбекистон Республикаси Президентининг «Тўғри-

дан-түгри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишини рағбатлантириш борасидаги құшимча чора-тадбирлар тұғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонаига 2-иловага мувофик үзгартыш ва құшимчалар кириллесин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда қонун құжжатларига ушбу Фармонандай келиб чиқадиган үзгартыш ва құшимчалар тұғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар кириллесин.

11. Мазкур Фармонаинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасасының Баш вазири Ш. М. Мирзиёев зыммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2012 йил 10 апрель, ПФ-4434-сон

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10  
апрелдаги ПФ-4434-сон Фармонаига 2-илова*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
«Тұғридан-түгри хусусий хорижий  
инвестицияларни жалб этишини  
рағбатлантириш борасидаги құшимча чора-  
тадбирлар тұғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги  
ПФ-3594-сон Фармонаига киритиладиган  
ҮЗГАРТИРИШ ВА ҚҰШИМЧАЛАР**

1. 2-бандда:

а) иккінчи хатбоши қуйидаги тақрирда баён этилсін:  
«мазкур корхоналарни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятини истисно қылған ҳолда, республиканиң барча шаҳарлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш»;

- б) туртингчи хатбошидаги «50 фоизни» сўзлари «33 фоизни» сўзлари билан алмаштирилсинг;
  - в) бешинчи хатбоши чиқарип ташлансан;
  - г) олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишли равища бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;
  - д) олтинчи хатбошидаги «даромадни» сўзи «даромаднинг камида 50 фоизини» сўзлари билан алмаштирилсан.
2. Илова қуидаги таҳрирда баён этилсан:

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоклари**

## **РЎЙХАТИ**

1. Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.

2. Енгил саноат:

- тайёр ип газлама, жун газлама ва аралаш газламалар, шунингдек, трикотаж газлама ишлаб чиқариш;
- тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпок маҳсулотлари ва тўқимачилик галантерияси ишлаб чиқариш;
- табиий терилар ишлаб чиқариш, кўн-галантеряя саноати, пойабзал саноати.

3. Ипакчилик саноати:

- шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

4. Курилиш материаллари саноати:

- Узбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартағи ПФ-3586-сонли Фармони 1а-иловасида курсатилган курилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.

5. Парранда гүшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириши.

6. Озиқ-овқат саноати:

- маҳаллий хом ашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкогольсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).

7. Гүшт-сүт саноати:

– гүшт ва сүт маҳсулотларининг тайёр турлари, пишловқ ва сариёғ, шунингдек, ҳайвонларнинг ички органларидан қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

8. Балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда консервалаш.

9. Кимё саноати.

10. Нефть-кимё саноати.

11. Тиббиёт саноати, шунингдек, ветеринария учун дори воситаларини ишлаб чиқариш.

12. Қадоклаш материалларини ишлаб чиқариш.

13. Муқобил энергия манбалари негизида электр станциялари куриш.

14. Күмир саноати:

- күмирни бойитиш;
- күмир брикетларини ишлаб чиқариш;
- сланец саноати.

15. Ишлаб чиқаришга мұлжалланган электроферросплав ва металл буюмларни ишлаб чиқариш.

16. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш:

- машинасозлик;
- трактор ва қышлоқ хұжалик машинасозлиги;
- қурилиш, йүл ва коммунал машинасозлик;
- енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги.

17. Станоксозлик ва асбобсозлик саноати.

18. Шиша ва чинни-фаянс саноати.

19. Микробиология саноати.

20. Үйинчоқлар ишлаб чиқариш.

**Республикамизнинг худудларида 2013–2015  
йилларда енгил саноат соҳасида амалга  
ошириладиган лойиҳалар**  
(қисқартирилган кӯчирма)

№	Махсулот турлари	Корхона номи	Йиллик кувват	Лойиҳа қиймати, % шу жумладан:		Янги иш уриннлари, кипи
				ўз маблаги	банк кредити	

Қорақалпоғистон Республикаси

**I. Янги лойиҳалар**

1	Ипкалава ишлаб чиқариш	«Астера текстиль» МЧЖ	минг тн	5,2	12,2	87,8	150
	Газлама ишлаб чиқариш	«Астера текстиль» МЧЖ	млн. кв.м.	22,5	-	100,0	150
2	Ипгазлама ишлаб чиқариш	“Элит Стар текстиль” МЧЖ	млн. кв.м.	22,5	-	100,0	150
3	Ипкалава ишлаб чиқаришини ташкил қилиш	“Амударё текстиль” МЧЖ	минг тн	8,0	82,6	17,4	250
	Газлама ишлаб чиқариш	“Амударё текстиль” МЧЖ	млн. кв.м.	5,2	100,0	-	105
4	Тайёр тикув маҳсулотини ишлаб чиқариш	«Хурзия-Разия» МЧЖ	минг дона	700	24,4	75,6	50

*Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши*

5	Тайёр тикув маҳсулотини ишлаб чиқариш	«Сахба Универсал бизнес» МЧЖ	минг дона	1 700	20,0	80,0	25
---	---------------------------------------	------------------------------	-----------	-------	------	------	----

**II. Мағжуд кувватларни кенгайтириш ва модернизация килиш**

1	Ипкалава, жинси матоси ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни тиклаш	«Global national textile» МЧЖ	минг ти	2,0	28,6	71,4	300
			млн. кв.м	3,2			
			минг дона	1 500			
2	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Туртқўл Асака текстиль” МЧЖ	минг ти	4,0	100,0	-	120

**Андижон вилояти**

**I. Янги лойиҳалар**

1	Трикотаж мато	“Крав Текстиль” МЧЖ	тонна	500	16,7	83,3	200
2	Пайпок маҳсулотлари	“Олтинкўл тўқимачилик саноати” МЧЖ	минг жуфт	1600	33,5	66,5	140
3	Трикотаж мато	“Кезар Текст” МЧЖ	тонна	3100	20,1	79,9	130
	Трикотаж маҳсулотлари		минг дона	700			
4	Трикотаж маҳсулотлари	“Ал Хаким” ХК	минг дона	500	74,7	25,3	100
5	Ип калава	“Trust rest servis” МЧЖ	минг тонна	1,2	100,0		160

<b>II. Мавжуд кувватларни кенгайтириш ва модернизация қилиш</b>								
1	Трикотаж маҳсулотлари	МЧЖ “Роял Силк”	минг дона	500	-	100,0	100	
2	Трикотаж маҳсулотлари	“Нил Гранит” МЧЖ	минг дона	5000	66,7	33,3	200	
3	Ип қалава	“Асака Текстиль” МЧЖ	минг тонна	1,6	-	100,0	120	
	Сочик маҳсу- лотлари		минг тонна	0,6	-	100,0	100	
4	Ип қалава	ХК “Скортон Текстиль”	минг тонна	4,2	24,8	75,2	120	
5	Трикотаж маҳсулотлари	“Хонобод Олтин водий текстиль” МЧЖ	минг дона	1000	100,0	-	200	
	Трикотаж мато		тонна	250	68,8	31,3	50	

### **Бухоро вилояти**

<b>I. Янги лойиҳалар</b>								
1	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Meridian Servis Вуҳара” МЧЖ	минг дона	2000	37,5	62,5	80	
2	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“И. Фозилов” МЧЖ	минг дона	5000	25,0	75,0	200	
3	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Индорама Индастриэз” (Сингапур)	минг тн	18	100,0	-	700	
4	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Маданият Артекс” ҚҚ	минг тн	1	20,0	80,0	70	
5	Ипйигирув корхонасини ташкил этиш	“Бухоро текс” АЖ	минг тн	2,5	30,0	70,0	150	

*Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши*

**II. Мавжуд кувватларни кенгайтириш ва модернизация  
қилиш**

1	Калава ип ишлаб чиқаришни модернизация қилиш	“Текстиль Спектрум Колорс” КК	минг тн	2,5	20,7	79,3	100
2	Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	“ОФС” МЧЖ	минг дона	50	100,0	-	35
3	Калава ип ишлаб чиқаришни модернизация қилиш	“Умидтекс” МЧЖ	минг тн	2,5	28,6	71,4	100
4	Ипгазлама ишлаб чиқариш кувватларини кенгайтириш	“Бухоро натур-продукт” МЧЖ	млн. кв.м.	1,8	50,0	50,0	50
5	Тикувчилик фаолиятини тиклаш	“Алмаз Оил” КК	минг дона	1500	-	100,0	100

**Жиззах вилояти**

**I. Янги лойихалар**

1	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Жиззах Кентекс” МЧЖ	минг тн	7,5	37,6	62,4	150
2	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Элеганс текс” МЧЖ	минг тн	5	-	100,0	100
3	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Сангзор текстиль” МЧЖ	минг тн	3	28,6	71,4	80

4	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Жиззах Пласттекс” МЧЖ ҚҚ	минг тн	12	43,6	56,4	700
5	Трикотаж мато ишлаб чиқариш	“Жиззах Пласттекс” МЧЖ ҚҚ	минг тн	6,1	43,2	56,8	350

**II. Мавжуд күвватларни көнгайтириш ва модернизация килиш**

1	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Жиззах Пласттекс” МЧЖ ҚҚ	минг тн	12	26,7	73,3	150
2	Пайпок махсузлолтлари ишлаб чиқариш	“Мир Улугбек МХ” МЧЖ	млн. жуфт	2	38,9	61,1	40

**Қашқадарё вилояти**

**I. Янги лойиҳалар**

1	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Қарши йиғма темирбетон” МЧЖ	минг тн	5	100,0	-	200
2	Ипкалавани буюш цехини ташкил қилиш	“SN INVEST” МЧЖ	минг тн	5	28,6	71,4	50
3	Мато ишлаб чиқариш	“SN INVEST” МЧЖ	тн	2500	25,9	74,1	100
4	Тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш	“Коттон роуд” ҚҚ	минг дона	150	100,0	-	100
5	Сочик ва пайпок махсузлолтлари ишлаб чиқариш	“Касби Сеул” МЧЖ	минг жуфт	1	100,0	-	51

**II. Мавжуд күвватларни көнгайтириш ва модернизация килиш**

1	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Оксарой-текстиль” МЧЖ	минг тн	4	100,0	-	50
---	------------------------	------------------------	---------	---	-------	---	----

***Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши***

2	Ипкалава ишлаб чикаришни кенгайтириш	“Якка-богтекс” МЧЖ	минг тн	1	100,0	-	40
3	Ипкалава ишлаб чикариш	“Яккабоғ Ҳумо текс” МЧЖ	минг тн	0,6	61,5	38,5	25
4	Ипкалава ишлаб чикариш	“Китоб ип йигирув” ОАЖ	минг тн	3,5	30,0	70,0	100
5	Кийим-кечак ишлаб чикаришни кенгайтириш	“Садо” МЧЖ	минг дона	100	50,0	50,0	20

**Навоий вилояти**

**I. Янги лойихалар**

1	Газлама ишлаб чикариш	“Эдем Текстиль” МЧЖ	млн. кв/м	0,5	89,0	11,0	20
2	Аралаш мато, одеял ва плед ишлаб чикариш	“Навоий-азот” ОАЖ	млн. кв/м	0,21			
			минг дона	46,6	100,0	-	60
			минг дона	35,4			
3	Тайёр трикотаж мато ишлаб чикариш	“Форт про импекс” МЧЖ	минг тн	2	100,0	-	60
4	Калава ип ишлаб чикариш	“Навбахор Текстиль” МЧЖ	минг тн	5,4	63,6	36,4	240
5	Тайёр тикув маҳсулотлари ишлаб чикариш	“Навоий кварц тош” МЧЖ	минг дона	100	50,0	50,0	25

**II. Мавжуд қувватларни кенгайтириш ва модернизация  
килиши**

1	Ипкалава ишлаб чиқаришни модернизация килиш	“Бахт текстиль” КК	минг тн	2	3,2	96,8	40
2	Ипкалава (синтетик) ишлаб чиқаришни модернизация килиш	“Элмурод Улмас” ИЧФ	тн	150	25,0	75,0	5
3	Тайёр тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	“Триумф горняк” МЧЖ	минг дона	400	40,0	60,0	30
4	Гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	“Ишонч гилам” ИЧФ	млн. кв.м	0,625	17,1	82,9	20

**Наманган вилояти**

**I. Янги лойихалар**

1	Ипкалава, тайёр газламалар, трикотаж мато ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш	“Намимпекс Текстиль” МЧЖ	минг тн	2,6	29,9	71,1	450
			млн. кв.м.	8			
			тн	1000			
			минг тн	1,2			
2	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Янтекс” МЧЖ	минг дона	280	11,9	88,1	80

*Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши*

3	Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Поп курғони” Х.К	минг дона	50	50,0	50,0	50
4	Ип-калава ишлаб чиқариш	“Азиз-94” Х. К	минг тн	1,2	100,0	-	60
5	Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Мос транш монтаж” МЧЖ	минг дона	800	21,6	78,4	37

**II. Мавжуд қувватларни кенгайтириш ва модернизация қилиш**

1	Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Асадбек Чоркесар” Х.К	минг дона	400	20,0	60,0	85
2	Момик сочиқ ишлаб чиқаришни ташкил этиш	“AISHA HOME TEXTILE” ҚҚ	минг тн	1,2	100,0	-	100
3	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Нам Текс” МЧЖ	минг тн	0,6	-	100,0	30
4	Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Голден Хелло Тrade” МЧЖ	млн. кв.м.	1,1	40,9	59,1	15
5	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Олмос Нисора бону” ХК	минг дона	650	20,2	79,8	75

**Самарқанд вилояти**

**I. Янги лойиҳалар**

1	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Жомбай Текс” МЧЖ	минг тн	2,0	50,0	50,0	120
---	------------------------	-------------------	---------	-----	------	------	-----

2	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Мароқанд сифат сервис” МЧЖ	минг тн	3,0	47,2	52,8	350
	Ипкалава (аралашма) ишлаб чиқарышни ташкил этиш			1,5	33,3	66,7	
3	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Сам универсал текс” МЧЖ	минг тн	3,0	14,0	86,0	150
4	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Нарпай Нозимжон” фермер хужалиги негизида	минг тн	3,0	100,0	-	200
5	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Оқдарё Текс” МЧЖ	минг тн	4,5	20,4	79,6	250
	Газлама ишлаб чиқариш		млн. кв.м.	1,6			

**II. Мавжуд қувватларни кенгайтириш ва модернизация қилиш**

1	Ипкалава ишлаб чиқарыш қувватларини кенгайтириш	“Артек интернэшнл” КК	минг тн	0,5	76,9	23,1	30
2	Ипкалава ишлаб чиқарыш қувватларини кенгайтириш	“Дака Текс” хорижий корхонаси	минг тн	2,0	9,1	90,9	70

*Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши*

3	Трикотаж мато ишлаб чиқариш	“8-март” МЧЖ	тн	825,0	-	100,0	40
	Тайёр маҳ- сулотларни ишлаб чиқа- риш		минг дона	1200	-	100,0	120
4	Трикотаж мато ишлаб чиқариш	“Самарқанд Техмат мато” МЧЖ	тн	1500	100,0	-	50
5	Ип газлама ишлаб чиқариш	“Амина Голд Инвест” МЧЖ	млн. кв.м.	5,0	47,4	52,6	32

**Сирдарё вилояти**

**I. Янги лойихалар**

1	Пайпок маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Neo Cotton” МЧЖ	млн. жуфт	20,0	100,0	-	120
2	Пайпок маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Жам- шидбек” СИЧК	минг жуфт	0,5	25,0	75,0	120
3	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Бахттекс- фарм” МЧЖ	минг тн.	3,3	100,0	-	120
4	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Neo Cotton” МЧЖ	минг тн.	3,0	30,0	70,0	150
5	Гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“RED CARPET” МЧЖ	млн. кв.м	1,2	22,6	77,4	60

<b>II. Мавжуд қувватларни кенгайтириш ва модернизация килиш</b>										
1	Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Барака текс” ҲҚ “West FZE” (ОАЭ)	млн. дона	2,0	33,3	66,7		150		
2	Тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Ҳабиб текс” ҲҚ “Twenty First Century Trading” CO LLC (ОАЭ)	минг дона	500,0	100,0	-		80		
4	Тайёр боғлама материаллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш (стерилланган салфетка)	“Бахттекс- фарм” МЧЖ	млн. дона	1,0	20,0	80,0		150		
5	Тикувчилик мажмуаси ташкил этиши	“BAYTEKS TIGARET” МЧЖ	млн. п.м. мато	25,0						
			млн. п.м. тайёр газ- лама	15,0	31,4	68,6		200		
			млн. дона	10,7	-	100,0		510		
<b>Сурхондарё вилояти</b>										
<b>I. Янги лойихалар</b>										
1	Тикув- трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Зулай- хобону Ибрахи- мовна” хусусий корхонаси	минг дона	0,7	30,0	70,0		50		

*Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши*

2	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Кумкўргон механика заводи” МЧЖ	минг тн	2,0	25,0	75,0	70
3	Ипкалава ишлаб чиқариш	“Мўмин текстиль” МЧЖ	минг тн	3,5	18,8	81,3	100
4	Тикув- трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Бойсун текстиль” ҲҚ	минг дона	0,4	33,3	66,7	40
5	Тикувчиликни ташкил этиши	“Акс Сурхон” МЧЖ	минг дона	0,6	44,4	55,6	50

**II. Мавжуд кувватларни кенгайтириш ва модернизация қилиш**

1	Пахта ипли газламалар ва трикотаж мато ишлаб чиқариш ва бўяш	“TELA TEXTILE” ҚҚ	млн. кв.м.	22,5	26,0	74,0	250
					20,0	80,0	

**Тошкент шаҳри**

**I. Янги лойихалар**

1	Болалар ва ўсмиirlар учун тайёр тикув маҳсулотларини ишлаб чиқариш	“RUTA” ХТИФ	минг дона	500	30,2	69,8	120
2	Тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“FAR-EKO-PLAST” МЧЖ	минг дона	2000	100,0	-	150

3	Тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Royan Lux Exclusiva” МЧЖ	минг дона	50	55,9	44,1	75
4	Болалар учун тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“Bultex Eurostar” МЧЖ	минг дона	1400	100,0	-	250
5	Тайёр тўкимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“N-joy Garments” КК	минг дона	2500	100,0	-	150

**II. Мавжуд кувватларни кенгайтириш ва модернизация қилиш**

1	Тайёр текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш	“UNIKS STAR” МЧЖ	минг дона	300	100,0	-	50
2	Ип калава ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилиш	“BF Tekstile Produktion” ХК МЧЖ	минг тн	0,372	100,0	-	300
3	Трикотаж мато ишлаб чиқаришни кенгайтириш	“ELEKTRO-TEST” МЧЖ	тн	1500	100,0	-	150
4	Нотўқима ва ватин маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш	“TO‘QI-MACHI ABDUL-LOH” МЧЖ	тн	500	100,0	-	175

5	Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш	“Savdo-energo” МЧЖ	минг дона	4000	95,3	4,7	200
---	---	--------------------	-----------	------	------	-----	-----

*Илова-3*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ**

**Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш  
ва амалга ошириш мониторинги  
механизмларини такомиллаштириш,  
мурувват ёрдами юкларини ва техник  
кумаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва  
назорат қилиш чора-тадбирлари тұғрисида**

(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами, 2005 й., 46-сон, 350-модда; 2006 й., 20-21-сон, 180-модда, 33-сон, 331-модда, 48-50-сон, 484-модда; 2007 й., 1-2-сон, 11-модда, 19-20-сон, 196-модда, 23-сон, 238-модда; 2009 й., 5-сон, 41-модда, 43-сон, 456-модда, 46-сон, 498-модда; 2010 й., 23-сон, 182-модда; 2012 й., 36-сон, 412-модда, 44-сон, 507-модда, 45-сон, 516-модда; 2013 й., 37-сон, 485-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига үзгартериш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тұғрисида» 2005 йил 10 августдаги 192-сон қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Куйидагилар:

(1-банднинг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-

*сонли қарори билан ўз кучини йўқотган – УР КХТ, 2007 й., 23-сон, 238-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тұғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Муруватт ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда муруватт лойиҳалари мониторинги тұғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш ва келишиш, шунингдек техник күмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тұғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиклансан.

*(1-банднинг тұрткынчи хатбоюниси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 8 ноябрдаги 319-сонли қарори таҳририда – УР КХТ, 2012 й., 45-сон, 516-модда)*

2. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига үзгартырышлар киритилсін, шунингдек баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб хиabolансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш., 2005 йил 15 ноябрь, 251-сон

*(1-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган – УР КХТ, 2007 й., 23-сон, 238-модда)*

*Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон  
қарорига 2-илова*

**Ўзбекистон Республикаси Инвестиция  
дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш  
ва уларнинг амалга оширилиши устидан  
давлат мониторинги тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий коидалар**

1. Мазкур Низом «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чел эллик инвесторлар хукукларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиши тўғрисида» 2005 йил 26 июлдағи ПҚ-136-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низомнинг амал қилиши улар учун қонун хужжатларида амалга ошириш ва мониторинг олиб боришнинг алоҳида тартиби белгиланган лойиҳаларга татбиқ этилмайди.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 5-сон қарорига мувофиқ иккинчи хатбоши билан тўлдирилган – ЎР КХТ, 2007 й., 1-2-сон, 11-модда)

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги (кейинги ўринларда «Мониторинг» деб аталади) Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини бошқариш ва назорат қилишнинг асосий механизми хисобланади.

**3. Мониторинг:**

вазирликлар, идоралар томонидан ташаббус курсатилган инвестиция лойиҳалари ва таклифлари юзасидан – Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил

департаментлари билан биргаликда, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни ҳамда хорижий инвестициялар жалб этилган корхоналар томонидан ташаббус кўрсатилган инвестиция лойиҳалари ва таклифлари юзасидан – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни билан биргаликда Ташқи иктисадий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ҳалқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Идоралараро кенгаши (кейинги ӯринларда Идоралараро кенгаши деб аталади) – хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича.

(3-банднинг учинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 октябрдаги 274-сонли қарори таҳририда – УР ҚХТ, 2009 й., 43-сон, 456-модда)

#### 4. Куйидагилар:

- республика инвестиция дастурига киритилган ва биринчи навбатда, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали рӯёбга чиқарилишини таъминлаш;

- давлат бошқаруви органларининг, инвестиция жараёни бошқа катнашчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини, улар тулиқ тугаллангунга қадар, амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида хал этиш юзасидан жавобгарлигини ошириш;

- инвестиция лойиҳалари ҳаракатига уларни амалга оширишнинг барча босқичларида тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва ўрганиш, уларни, шу жумладан инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши билан

боғлиқ бўлган турли хил масалаларни кўриб чиқиш муддатларини ўзгартириш иули билан, бартараф этиш бўйича тезкор чора-тадбирлар куриш;

– инвестиция лойиҳалари тасдиқланган ҳажмлар ва муддатларга қатъий риоя килинган ҳолда инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари ва ваколатли банклар томонидан маблағлар билан уз вактида таъминланиши устидан назорат қилиш;

– инвестиция лойиҳаси бўйича хорижий шериклар олдида қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишига кўмаклашиш;

– инвестиция муҳитини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар ва таклифлар бўйича маълумотлар банкини шакллантириш мониторингнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

5. Аниқ дастурга ва Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг таркибий қисми бўлган инвестиция таклифларининг йигма рўйхатига киритилган инвестиция лойиҳалари мониторинг объекти ҳисобланади.

## **II. Инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотлар банкини яратиш**

6. Инвестиция дастури белгиланган тартибда тасдиқланган вақтдан бошлаб бир ой муддатда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари билан биргаликда инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастурига, шунингдек инвестиция дастурининг таркибий қисми бўлган устувор инвестиция таклифларининг йигма рўйхатига киритилган лойиҳалар бўйича маълумотлар банкини (кейинги ўринларда «Маълумотлар банки» деб аталади) шакллантиради.

### **7. Маълумотлар банки:**

– инвестиция лойиҳасининг ташаббускори томонидан тасдиқланган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастурига киритилган инвестиция лойиҳаси паспорти;

– ҳар бир инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари томонидан Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган режажадваллари;

– устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатига киритилган инвестиция таклифлари бўйича ишлаб чиқиладиган янгидан бошланаётган устувор инвестиция лойиҳаларини олға суриш чора-тадбирлари дастури.

Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаси ташаббускори томонидан йилнинг ҳар чорагида тақдим этиладиган ахборот асосида шакллантирилади.

(7-банднинг бешинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли қарори таҳририда – УР ҚҲТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда)

8. Инвестиция лойиҳаси паспорти мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича тузилади ва унда инвестиция лойиҳаси ташаббускори, хорижий шерик, лойиҳанинг умумий қиймати ва барпо этилаётган ишлаб чиқаришнинг лойиҳадаги қуввати, маҳсулотни экспорт килиш, маблағ билан таъминлаш манбалари ва схемаси бўйича прогноз курсаткичлар, лойиҳанинг копланиш ва карз маблағларни қайтариш муддатлари тўгрисидаги ахборотлар, шунингдек, зарурат бўлганда, хорижий инвестициялар иштироқида ташкил этилаётган корхона бўйича маълумотлар бўлади.

9. Режа-жадвал мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича тузилади ва унда янги ташкил этилаётган корхонанинг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш (зарурат бўлганда), асосий контрактни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш, инвестиция лойиҳаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорини келишиш ва қабул қилиш, кредит битимларини имзолаш, лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш, миллий ва хорижий валютада маблағ билан таъминлашни бошлаш, ишлаб

чиқариш майдонларини ва инфратузилма объектларини қуриш, технология асбоб-ускуналарини ўрнатиш, корхонанинг лойиҳадаги қувватга чиқиши бўйича аниқ муддатлар тўғрисидаги ахборотлар бўлади.

10. Чора-тадбирлар дастури мазкур Низомга З-иловага биноан Халқаро молия ва иқтисодий институтлар ҳамда донор мамлакатлар иштирокида Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш регламентига мувофиқ ишлаб чиқилади ва инвестициялашдан олдин инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини тасдиқлаш ва маблағ билан таъминлашнинг аниқ манбаларини белгилашгача бўлган ишлар комплексини (уларни бажаришнинг прогноз муддатларини кўрсатган ҳолда) ўз ичига олади.

11. Инвестиция лойиҳасининг ташаббускори ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 3-кунидан кечикмай йилнинг ҳар чорагида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига келишилган шакл бўйича инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режа-жадвалининг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этади.

(11-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли қарори таҳририда – УР КХТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда)*

12. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги йилнинг ҳар чорагида:

(12-банднинг биринчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли қарори таҳририда – УР КХТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда*).

– хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ҳажмда ва муддатларда тақдим этиладиган йигма статистика ахбороти бўйича – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан;

– марказлаштирилган инвестициялардан, шу жумладан Ҳукумат кафолати остида жалб этиладиган хорижий ин-

вестициялар ва кредитлардан фойдаланиш бўйича – Молия вазирлиги ва тижорат банклари томонидан;

– хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича – Адлия вазирлиги томонидан;

– хусусийлаштирилаётган корхоналар акциялари пакетини хорижий инвесторларга сотиш, мулкида давлат улуши бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти бўйича – Давлат ракобат қўмитаси томонидан;

(12-банднинг бешинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сонли қарори таҳририда – УР ҚҲТ, 2013 й., 37-сон, 485-модда);

(12-банднинг олтинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 105-сон қарорига асосан чиқарилган – УР ҚҲТ, 2010 й., 23-сон, 182-модда);

– лойиҳа кўрсаткичлари (войиҳадаги кувватни таъминлаш, экспортни таъминлаш, янги иш ўринлари барпо этиш) инвестиция лойиҳаси ташаббускори томонидан бажарилиши юзасидан – Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим этиладиган ахборотлар асосида Маълумотлар банкини янгилаб боради.

13. Маълумотлар банкига Инвестиция дастурида назарда тутилган капитал қўйилмалар ҳажмлари прогнози белгиланган тартибда аниклаштирилиш натижалари бўйича Идоралараро кенгашнинг қарори билан тузатишлар киритилиши мумкин.

(13-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 октябрдаги 274-сонли қарори таҳририда – УР ҚҲТ, 2009 й., 43-сон, 456-модда)

### **III. Мониторингни амалга ошириш**

14. Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иктисодий вазирлиги, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментлари, Молия вазирлиги (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан

Молия вазирлиги карз олувчи сифатида иш кўрадиган қарзлар бўйича), Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси хукуматининг қабул қилинган қарорларига, шунингдек тасдиқланган режа-жадвалларга мувофиқ инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ишларининг ҳолатини, шу жумладан жойнинг ўзига чиқиб мунтазам равишда урганади.

Бундай ишни ташкил этиш учун Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги турли вазирликлар ва идоралар ёхуд ҳалқаро ташкилотлар ва консультация компаниялари мутахассисларини жалб этиши мумкин.

15. Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан мониторинг:

инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари томонидан Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тақдим этиладиган тасдиқланган режа-жадвалларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ҳажмда ва муддатларда тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси бўйича хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги йигма статистика ахборотини;

– мавжуд ва потенциал хорижий инвесторлар фаолиятининг норматив-хуқукий базасини таомиллаштириш бўйича уларнинг таклифларини урганиш асосида вакти-вакти билан тайёрланадиган инвестиция мухити шарҳини;

– манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан тақдим этиладиган тезкор ахборотларни;

– марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳаларни ўз вақтида маблаг билан таъминлаш масалалари бўйича ахборотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш йули билан амалга оширилади.

16. Хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик мухим инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторинги Идоралараро кенгаш томонидан:

(16-банднинг биринчи хатбоюниси Узбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамасининг 2009 йил 15 октябрдағи 274-сонли қарори таҳририда—УР ҚҲТ, 2009 й., 43-сон, 456-модда)

тасдиқланган режа-жадваллар бажарилишини, лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан зарур ишлар комплексини олиб боришнинг технологик изчиллигига риоя этилишини назорат қилиш;

техник-иктисодий асослашларнинг асосий қоидаларини кўриб чиқиш, лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлиги юзасидан умумий қарорлар қабул қилиш;

алоҳида йирик лойиҳалар, шу жумладан техник-иктисодий асослашлар кўрсаткичларига нисбатан лойиҳаларнинг қимматлашиши ёки арzonлашиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда базавий лойиҳалаштиришни тасдиқлаш;

марказлаштирилган манбалар ҳисобига ажратиладиган маблағларнинг ўз вақтида молиялаштиришини ва улардан самарали фойдаланишини таъминлаш, ҳукумат кафолати остида жалб этиладиган қарз маблағларнинг ўз вақтида қайтарилиши таъминланишини назорат қилиш;

манфаатдор вазирликлар ва буюртмачи идоралар томонидан ишлаб чиқилган эҳтиёт қисмлар ва компонентлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ташки бозорларга кириб бориши бўйича маркетинг дастурларини экспертиздан ўтказиш;

айрим стратегик муҳим ва йирик лойиҳаларни давлат томонидан кўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари, курилиши амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда амалга оширилаётган лойиҳаларни маблағ билан таъминлашни тўхтатиб қўйиш, шунингдек Инвестиция дастури бажарилиши барбод бўлишига йўл қўювчи вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва буюртмачи ташкилотларнинг раҳбарларини жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида рӯёбга

чиқаришга күмаклашувчи бошқа асосий масалаларни кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

#### **IV. Мониторинг натижаларини кўриб чиқиш**

17. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва ваколатли банклардан олинган маълумотлар асосида инвестиция дастурининг амалга оширилиши тўғрисида йигма ахборот тайёрлайди.

Йигма ахборотда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича умумлаштирилган маълумотлар билан бир қаторда вазирликлар, идоралар ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари бўлган корхоналар ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган инвестиция лойиҳалари ва таклифларини амалга оширишнинг асосий босқичлари бўйича куйидаги маълумотлар:

- инвестициялашдан олдинги тадқиқотларнинг ўз вақтида ўтказилиши, техник-иктисодий асослашлар ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши тўғрисида инвестиция лойиҳалари ташаббускорларида олинган ахборот;
- техник-иктисодий асослашлар ва лойиҳа-смета ҳужжатлари ваколатли экспертиза органлари томонидан экспертиза қилинганилиги тўғрисидаги ахборот;
- инвестиция лойиҳаларининг маблағ билан таъминлашнинг тасдиқланган схемаларига мувофиқ ўз вақтида маблағ билан таъминланиши тўғрисидаги ахборот;
- курилиш-монтаж ишларини бажариш ва объектларни ишга тушириш муддатларига ва технологик изчиллигига риоя қилиниши тўғрисидаги ахборот;
- хукумат кафолати остидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган кредит маблағларидан фойдаланиш ва уларни қайтариш муддатлари ва шартларига риоя қилиниши тўғрисидаги ахборот (банклар);
- инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари томонидан лойиҳаларни инвестиция лойиҳаларининг аниқ дасту-

рига киритиш учун асос ҳисобланадиган лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосланишида ифодаланган инвестициялаш шартларига риоя қилиниши тұғрисидаги бошқа ахборот;

Инвестиция дастурига киритилгандыктан көнбайыр инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаш буйича аник чоратадбирларни асослаган ҳолда таклифлар мавжуд болады.

18. Инвестиция дастурини амалга оширишнинг йиғма таҳлили, шунингдек құшимча таҳлилий ахборот асосида, Ташқи иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

шаклланып жаткан йұналишларни үрганиб чиқади, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги бюрократик түсікіларни аниклады, хорижий инвесторлар учун мавжуд имтиёзлар ва преференциялар тизiminинг самарадорлигини таҳлил қилади;

инвестиция фаолиятининг норматив-хуқуқий базасини тақомиллаштириш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқади;

инвестиция жараёни самарадорлигини ошириш учун зарур болған хукumat қарорларини тайёрлаш ишларини ташкил этади;

Иктисодиёт вазирлиги томонидан тақдим этиладын ахборот асосида иктисодиёттің устувор секторлары ва тұғридан-тұғри хорижий инвестиацияларни жалб этиш учун энг муҳим ишлаб чиқаришлар рүйхатини, шунингдек жалб этилаёткан инвестиацияларни республика иктисодиёты тармоқлари ва минтақалари буйича мақбул жойлаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг муаммоли масалаларини ҳал этиш буйича вазирликтер, идоралар, ташкилотлар, маҳаллар давлат қоқимиети ва бошқарув органдары билан биргаликда таклифлар тайёрлайды;

Иктисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишув буйича құшимча инвестиция лойиҳаларини Инвестиция дастурининг аник кисмiga киритиш ёки йиғма

кисмига ўтказиш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун Идораларо кенгашга киритади;

(18-банднинг еттинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 октябрдағи 274-сонли қарори таҳририда—ЎР КҲТ, 2009 й., 43-сон, 456-модда)

инвестиция дастурини шакллантириш ва унинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ишларни ташкил этади.

19. Мониторинг натижалари йилнинг ҳар чорагида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахбороттаҳлил департаментларига ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига киритилади.

(19-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли қарори таҳририда – ЎР КҲТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда)

20. Зарур қарорлар қабул қилиш учун йилнинг ҳар чорагида:

(20-банднинг биринчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли қарори таҳририда – ЎР КҲТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда)

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари мажлисларида кўриб чиқилади;

мониторинг натижалари Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунларига бағишиланган мажлисларида тингланади.

*Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги Низомга I-илова*

## **Инвестиция лойиҳаси ПАСПОРТИ**

**(ложиҳанинг номи ва жойлашган жойи)**

1. Лойиҳа буюртмачиси бўлган ташкилот –
2. Лойиҳанинг мақсади –
3. Лойиҳани инвестициялаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори (агар зарур бўлса) –
4. Ҳукумат кафолатлари –
5. Лойиҳа ТИА ҳолати –
6. Хорижий шерик ва инвестор (шу жумладан кредитор, бош пудратчи) –
7. Лойиҳани амалга ошириш муддатлари, шу жумладан лойиҳадаги қувватга чиқиш муддати (йиллар) –
8. Лойиҳа жойлашган жой –

T/r	Кўрсаткичлар номи	Улчов бирлиги	ТИА бўйича	Лойиҳани амалга оширишнинг 2006 йил 1 январдаги амалдаги ҳолати	Изоҳ
1.	Лойиҳа ташаббуси (ким томонидан, сана ва хужжатлар тартиб рақами)				
2.	Лойиҳанинг умумий киймати	млн. АҚШ доллари			

*Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши*

	жорий нархларда (ш. ж. эквивалент)				
	ЭМВда (эквивалент)				
3.	ЭМВдаги харажатлар, хаммаси	млн. АҚШ доллари			
	ш. ж. асбоб-ускуналар харид қилиш ва бошқалар учун				
3.1	Миллий валютадаги харажатлар, хаммаси (эквивалент)	сүм/ АҚШ доллари			
	ш. ж. қурилиш-монтаж ишлари ва бошқалар учун				
4	Молиялаштириш манбалари	тегишли бирлик- ларда			
	бюджет маблағлари				
	хорижий кредитлар, хаммаси				
	ш. ж. хукумат кафолатлари остида				
	бошқа манбалар:				
	тұғридан-тұғри хорижий инвестициялар, хаммаси				
	ш. ж. хорижий шерикнинг устав фондига улуси				
	уз маблағлари				
	тижорат банклари кредитлари				
	бошқа манбалар				
5	Банд бұладиганларнинг мұлжалланаётган сони	киши			

6.	Курилишнинг давом этиши, ҳаммаси	ой			
	ш. ж. курилиш бошланадиган йил				
	курилиш тугалланадиган йил				
7.	Лойиҳанинг ўзини коплаш муддати, ҳаммаси	йил			
	ш. ж. йиллар бўйича				
8.	Қарз маблағларини тўлаш муддати, ҳаммаси	йил			
	ш. ж. йиллар бўйича				
9.	ш. ж валюта маблағларини тўлаш муддати, ҳаммаси	йил			
10.	Қарз маблағларини тўлапнинг ҳолати, ҳаммаси	тегишли бирликларда			
	ш. ж. йиллар ва тўлаш манбалари бўйича				
11.	ш. ж. тўловларнинг муддати утказиб юборилган суммаси, ҳаммаси	тегишли бирликларда			
	ш. ж. йиллар ва тўлаш манбалари бўйича				
12.	Корхона қуввати (номенклатура бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва курсатиладиган хизматларнинг йиллик ҳажми)	тегишли бирликларда			

*Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши*

13.	Олинадиган хом ашёнинг мавжудлиги ва ҳажмлари	тегишли бирлик-ларда			
	ш. ж. йиллар бўйича				
14.	Лойихани маҳаллийлаштириш даражаси, ҳаммаси	%			
	ш. ж. йиллар бўйича				
15.	Экспорт ҳажми (маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар экспорти ҳажми) ва унинг номенклатураси	тегишли бирлик-ларда			
16.	Маҳсулотни сотишнинг мўлжалланаётган бозорлари:				
	ички бозор	%			
	ташқи бозор	%			
17.	Лойиҳа бўйича ваколатли экспертиза органлари хulosаси (хатлар тартиб рақами)				
	1. Молия вазирлиги –				
	2. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги –				
	3. Иқтисодиёт вазирлиги –				
	4. Банк –				

*Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги Низомга 2-илова*

**«Тасдиқлайман»**

Корхона раҳбари (раис, директор)  
(Ф.И.О.)

200 \_\_\_\_ й. \_\_\_\_\_ « \_\_\_\_ »

**Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш**

**РЕЖА-ЖАДВАЛИ<sup>1</sup>**

(войтича номи, ташаббускор)

T/p	Лойиҳани амалга ошириш босқичлари	Бошлиш санаси (йил, ой)	Тугатиш санаси (йил, ой)
1.	Лойиҳа ташаббуси (ким томонидан, сана ва ҳужжатлар тартиб рақами)		
2.	Лойиҳанинг ТИАни ишлаб чиқиши тасдиқлаш		
3.	Хорижий шерик, инвестор, бош пурдатчини ва бошқаларни танлаб олиш буйича тендер ўтказиш (сана ва ҳужжатлар тартиб рақами)		
4.	Янги ташкил этилаётган корхонани, шу жумладан хорижий инвестициялар иштироқидаги корхонани (зарурат бўлса) рўйхатдан ўтказиш (ким томонидан, сана ва ҳужжатлар тартиб рақами)		

<sup>1</sup> И з о х . Маблағларни манбалар (инвестициялар, кредитлар, бюджет маблағлари ва бошқалар) буйича ўзлаштириш жадвали илова килиниши зарур.

*Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши*

5.	Асосий контрактни тузиш, келишиб олиш ва рўйхатдан утказиш (ким томонидан, сана ва ҳужжатлар тартиб рақами)		
6.	Молиялаштириш шартларини, шу жумладан маблағ билан таъминловчи институтлар (банклар) билан тузиладиган кредит битимлари шартларини белгилаш		
7.	Лойиха бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул килиш (агар талаб қилинса)		
8.	Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш ва тасдиқлаш		
9.	Миллий валютада маблағ билан таъминлашни бошлаш		
10.	Хорижий валютада молиялаштиришни бошлаш		
11.	Курилиш-монтаж ишларини бажариш		
12.	Технология асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш ва ишга тушириш-созлаш		
13.	Ишлаб чиқаришни бошлаш ва лойихадаги кувватга чиқиш		

**Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги Низомга  
3-илюва**

**ХМИИ ва донор мамлакатлар иштироқидаги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш  
РЕГЛАМЕНТИ**

T/p	Тайёрлаш ва амалга ошириш босқичлари	Назорат муддатлари	Масъул орган
<b>I. Лойихани амалга ошириши мақсадга мувофиқлигини олдиндан ишлаб чиқиш ва асослаши – муддат 2 ойгача</b>			
1	Тармок ва худудни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш	Регламентга мувофик	Вазирлик/идора (бойик ташаббускори)
2	Айрим лойиҳаларни амалга оширишининг иқтисодий самарадорлигини олдиндан ишлаб чиқиш		Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ахборот-таҳжил департаменти
3	Дастлабки ҳисоб-китобларни ишлаб чиқиш юзасидан техник топширикни идоралараро келишиб олиш	1 ҳафта	Вазирлик/идора

## Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши

4	Ташаббускор томонидан лойиҳанинг дастлабки ҳисоб-китоблари тайёрланиши ва Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташки иқтисодий алоқалар масалалари йигма ахборот-таҳлил департаментига ва ваколатли экспертиза органларига (Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига) киритиш	1 ой	Вазирлик/идора
5	Лойиҳани кўрсатиб ўтилган дастлабки шартларда амалга опиришнинг максадга мувофиқлиги тўғрисида ваколатли экспертиза органлари хуносаларини олиш	3 ҳафта (регламентга мувофиқ)	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
6	Ташаббускор томонидан камчиликларнинг бартараф этилиши	Экспертиза якунларига кўра	Вазирлик/идора

<sup>1</sup> Ишлар ХМИИ/кредитор тартиб-қоидалари буйича Лойиҳани бошқариш тўғрисидаги ҳужжатни тайёрлаш билан бир вактда олиб борилади.

<b>II. ТИА/ТИХ ишлаб чиқиши – муддат 3 ойгача</b>			
7	Лойиха ТИАни ишлаб чиқиши буйича молиялаштириш манбаларини белгилаш		Вазирлик/идора
8	ТИА/ТИХРни ишлаб чиқиши юзасидан техник топширикни ички идоравий келишиб олини	3 ойгача	Вазирлик/идора
9	Лойиханинг якуний ТИА/ТИХни тайёрлаш		Вазирлик/идора
<b>III. Лойиханинг техник-иктисодий параметрларини экспертизадан утказиши, Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб олиши ва тасдиқлаши тартиб-қоидаларини амалга ошириши – муддат 2 ойгача</b>			
<b>Ички экспертиза</b>			Вазирлик/идора
10	Маъқуллаш учун Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ахборот-тахлил департаментига киритиш	1 ҳафта	Вазирлик/идора
11	Камчиликларни бартараф этиш ва Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ахборот-тахлил департаментининг маъқуллаши	1 ҳафта	Вазирлик/идора

*Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши*

<i>Ташқи экспертиза</i>			
12	Лойихаларнинг ТИА/ТИХ буйича ваколатли экспертиза органларидан (Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, ваколатли банк) лойиҳани ишлаб чиқилган якуний шартлар билан амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги түғрисида холосани олиш	3 ҳафта	Вазирлик/идора
13	Ташаббускор томонидан ТИА/ТИХ буйича камчиликларнинг бартараф этилиши	Экспертиза якунларига кура	Вазирлик/идора
14	Лойиха ТИА/ТИХ параметрларини ваколатли экспертиза органлари билан белгиланган тартибда келишиш	1 ҳафта	Вазирлик/идора
<i>Лойиҳанинг ТИАни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши</i>			
15	Хукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ваколатли экспертиза органлари билан келишиб олиш	10 кун	Вазирлик/идора

16	Лойиҳанинг асосий техник-иктисодий параметрларини тасдиқлаш юзасидан келишилган Ҳукумат карорининг келишилган лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ахборот-таҳлил департаментига киритиш	1 хафта	Вазирлик/идора
17	Лойиҳанинг асосий техник-иктисодий параметрларини тасдиқлаш юзасидан Ҳукумат карорини кабул қилиш	Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ	Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ахборот-таҳлил департаменти
<i><b>IV. Лойиҳани амалга ошириш учун молиялаштириши манбаларини қидириб топиш ва келишиб олиш – муддат 3 ойгача</b></i>			
18	Лойиҳани молиялаштириш (зарурат бўлганда қўшимча молиялаштириш) манбаларини ишлаб чиқиши	1 хафта (ТИА/ТИХни ишлаб чиқиши билан бир вактда	Иктисодиёт ва ташки иктисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти, Иктисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

*Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши*

Т/р	Тайёрлаш ва амалга ошириш босқичлари	Назорат муддатлари	Масъул орган
20	Молиявий институтлар билан молиявий қарз маблағлари ажратиш шартларини ишлаб чиқиши	4 ҳафта (ТИА/ТИХни ишлаб чиқиш билан бир вактда)	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
21	Молиявий институтларнинг баҳолаш ҳисоботлари асосида тегишли дастлабки битим (узаро англаш тұғрисидаги меморандум, умумий битим)ни имзолаш	1 ой (ТИА/ТИХни ишлаб чиқиш билан бир вактда	Вазирлар Маҳкамасининг мутасаддилек килювчи комплекси раҳбари ёхуд ваколатли мансабдор шахс
<b>Асосий молиявий институт</b>			
22	Лойихани Молиявий институттунинг Директорлар кенгаши күриб чиқиши учун киритишни таъминлаш юзасидан музокара жарайёнини олиб бориши, зарур бүлгандан лойиха ва кафолат битими матнларини келишиб олиш	Молиявий институт томонидан белгиланган муддатларни хисобға олган ҳолда	вазирликлар ва идоралар жалб этилған ҳолда Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-тахлил департаменти
23	Лойихани Директорлар кенгаши күриб чиқиши учун киритиш тұғрисидә молиявий институттунинг дастлабки розилигини олиш		Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-тахлил департаменти ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

Күшимча молиялаштирувчи орган			
24	Лойихани Молиявий институттинг Директорлар кенгаши кўриб чиқиши учун киритишни таъминлаш юзасидан музокара жарабину олиб бориш, шунингдек қарз битими, зарур бўлганда лойиҳа ва кафолат битими матнларини келишиб олиш	Молиявий институт томонидан белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда	вазирликлар ва идоралар жалб этилган ҳолда Иктисодиёт ва ташки иктисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти
25	Лойиҳани Директорлар кенгаши кўриб чиқиши учун киритиш тўғрисида молиявий институттинг дастлабки розилигини олиш		Иктисодиёт ва ташки иктисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти хамда Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
26	Лойиҳанинг ХМИИ Директорлар кенгаши томонидан маъқулланиши	Молиявий институт Директорлар кенгапининг навбатдаги йиғилиши	

*Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириши*

<b>V. Лойиҳани амалга ошириши тұғрисидаги Ҳукумат қарорини келишиб олиши ва қабул қилиши – муддат 1 ойгача</b>			
27	Вазирлар Маҳкамасининг бойиҳани амалга oshiриш чора- тадбирлари тұғрисидаги қарори лойиҳасини тайёрлаш	1 ҳафта	Вазирлик/идора
28	Вазирлар Маҳкамаси қарорини ваколатли вазирларлар ва идоралар билин келишиб олиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш	2 ҳафта	Вазирлик/идора
29	Вазирлар Маҳкамасининг бойиҳани амалга oshiриш чора- тадбирлари тұғрисидаги қарорини қабул қилиш		
30	Қабул қилинган Ҳукумат қарорини бажариш бүйіча назорат режасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш	3 кун	Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ахборот-тахжил департаменти
<b>VI. Моливий битимлар түзүши – муддат 1 ойгача</b>			
31	Молиявий институт билин қарз битимини имзолаш	Молиявий институт билин тузилған шартнома бүйіча	Вазирлар Маҳкамаси комплекси раҳбары/ Молия вазирлиги
32	Зарурат бўлганда, бойиҳа ва кафолат битимларини имзолаш	Молиявий институт билин тузилған шартнома бүйіча	Молия вазирлиги, ваколатли банк Вазирлик/идора

<b>VII. Тендер савдололари тартиб-қоидаларини бажарши, молиялаштиришини, инвестиция жараёнини ва молиявий маблагларни ўзлаштиришини бошлиши – муддат З ойгача</b>			
33	Лойиҳани Инвестиция лойиҳасининг аниқ кисмига киритиш	Регламентта мувофиқ	Ташки иктиносидий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги хамда Иктиносидиёт вазирлиги
34	Тендер хужжатларини тайёрлаш ва тасдиқлаш	1 ой	Вазирлик/идора
35	Етказиб берувчиларни танлаб олиш бўйича тендер ўтказиш		Вазирлик/идора
36	Тендер натижаларининг ХМИИ/кредитор томонидан маъкулланиши	Молиявий институтлар тартиб-қоидаларини хисобга олган ҳолда	
37	Амалга оширилаётган лойиҳа доирасида контрактлар тузиш	2 ҳафта	Вазирлик/идора .
38	Лойиҳа доирасида импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш ва хулоса бериш	2 ҳафта / регламентта мувофиқ	Ташки иктиносидий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, ваколатли банк
39	ХМИИ томонидан молиялаштириш (кушимча молиялаштириш) бошланиши ва давлат бюджети маблағлари ажратиш	Контрактларни экспертизадан ўтказиш якунларига кўра	Молия вазирлиги (бюджет маблағлари қисми бўйича)

**И з о ҳ л а р :**

1. Лойиҳани тайёрлаш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида ижро этувчи агентлик Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди департаменти билан келишган ҳолда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги-га инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши мониторинги тизимининг ягона компьютерлашган маълумотлар базасини шакллантириш ва унга ўзгартиришлар киритиш мақсадида лойиҳанинг жорий ҳолати тұғрисидаги ахботни тақдим этади.

2. Лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишнинг мажбурий босқичлари чекланган муддатлари Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди департаменти билан келишган ҳолда тузатишлар киритилиши мүмкін.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>	5
<b>I БОБ. “ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАЗМУНИ</b>	8
1.1. Инвестициянинг иқтисодий тушунчаси ва иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни	8
1.2. Инвестицияни назарий ва иқтисодий мазмунни ва инвестицияларнинг зарурлиги. Инвестициянинг шакллари	12
1.3. Давлат инвестицион сиёсати	24
<b>II БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ ВА ВАҚТ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ИНВЕСТИЦИОН ДАРОМАДЛАРНИНГ ҲИСОБЛАШ</b>	38
2.1. Инвестицияларни мұқобил варианtlарини жорий этишда NPV-соғ жорий қыйматни таққослаш усули	39
2.2. Инвестицияларни мұқобил варианtlарини жорий этишда даромаднинг ички меъёри асосида таққослаш усули – IRI (Internal Rate Index)	45
2.3. Инвестицияларни мұқобил варианtlарини жорий этишда лойихани қоплаш мүддати усули – PP (Payback Period)	47
2.4. Инфляция. Инфляция шароитида келгусида пулнинг қадрини ҳисоблаш	50
2.5. Инфляция шароитида келтирилган қыйматни ҳисоблаш усули	53
2.6. Инвестицион қарорларни баҳолашни таққослаш усули (WACC усули)	55
2.7. Аннуитет ва унинг турлари	57
2.8. Аннуитетни келгуси қыймати ва келтирилган қыйматини ҳисоблаш усуллари	57
Мустақил иш учун топширик	61

<b>III БОБ. ҚАТЪЙ БЕЛГИЛАНГАН ДАРОМАД КЕЛТИРУВЧИ ИНСТРУМЕНТЛАРНИНГ БОЗОР ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ</b>	71
3.1. Купонли облигациялар даромадлилиги турлари ва уларнинг бозор баҳосини аниқлаш қоидаси. Номинал баҳода сотиладиган купонли облигациялар даромадлилиги .....	71
Мустақил иш учун топширик .....	81
<b>IV БОБ. ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХА ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ</b>	86
4.1. Инвестицион лойиханинг бизнес режаси асосий кисмларининг тузилиши. Инвестицион лойиханинг ҳаётий циклга эгалиги .....	86
4.2. Ишлаб чиқариш режаси .....	105
4.3. Сотиш режаси .....	109
4.4. Махсулот таннархини ҳисоблаш .....	115
4.5. Молиявий режани ҳисоблаш .....	120
4.6. Техник иктиносий асосни ҳисоблаш тартиби .....	123
4.7. Лойиханинг мұқобил варианларини таққослаш усуллари .....	134
4.8. Заарасизлик нұқтаси .....	142
Мустақил иш учун топширик .....	145
<b>V БОБ. ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ ВА ТАРТИБЛАРИ</b>	151
5.1. Молиялаштириш манбалари ва уларнинг тузилиши ..	151
5.2. Лизинг тұловлари суммасини аниқлаш .....	163
5.3. Хорижий инвестициялар ва у оркалы амалга ошириш тартиби .....	167
<b>VI БОБ. ИНВЕСТИЦИОН ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ</b>	175
6.1. Таваккалчиликни баҳолашнинг асосий мезонлари ва унинг услублари .....	175
6.2. Таваккалчиликни бошқариш ва таваккалчилик даражасини пасайтириш йүллари .....	178
<b>ИҚТИСОДИЙ АТАМАЛАР ИЗОХИ</b>	184

## **СОДЕРЖАНИЕ**

<b>ВВЕДЕНИЕ .....</b>	5
<b>ГЛАВА I. ПРЕДМЕТ И СОДЕРЖАНИЕ «ОРГАНИЗАЦИЯ И ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ» .....</b>	8
1.1. Экономическое понятие об инвестиции и её роль в развитии экономики .....	8
1.2. Теоретическое и экономическое содержание инвестиции и её востребованность. Формы инвестиции .....	12
1.3. Государственная инвестиционная политика .....	24
<b>ГЛАВА II. ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИНВЕСТИЦИЙ И ИСЧИСЛЕНИЕ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРИБЫЛЕЙ НА ОСНОВЕ КОНЦЕПЦИИ ВРЕМЕНИ .....</b>	38
2.1. Метод сравнения чистого приведенной стоимости – при внедрении альтернативных вариантов инвестиций .....	39
2.2. Метод сравнения внутренней нормы прибыли – при внедрении альтернативных вариантов инвестиций .....	45
2.3. Метод срока окупаемости проекта – .....	47
2.4. Инфляция. Рассчёт покупательной способности денег в условиях инфляции .....	50
2.5. Метод рассчёта стоимости при условиях инфляции .....	53
2.6. Метод сравнения оценки инвестиционных решений (метод WACCA) .....	55
2.7. Аннуитет и его виды .....	57
2.8. Метод исчисления будущей и приведенной стоимости аннуитета .....	57
<b>ГЛАВА III. ВЫЯВЛЕНИЕ РЫНОЧНОЙ СТОИМОСТИ КОНКРЕТНЫХ ИНСТРУМЕНТОВ ПРИБЫЛИ .....</b>	71
3.1. Виды прибыльности купонных облигаций и правило определения их рыночной стоимости .....	71
Задание для самостоятельной работы .....	81

<b>ГЛАВА IV. ИНВЕСТИЦИОННЫЙ ПРОЕКТ И ЕГО АНАЛИЗ</b>	86
4.1. Структура составных частей бизнес-плана инвестиционного проекта. Обладание инвестиционного проекта определённым жизненным циклом	86
4.2. Производственный план	105
4.3. План реализации	109
4.4. Рассчёт себестоимости продукции	115
4.5. Рассчёт финансового плана	120
4.6. Порядок рассчёта технико-экономической основы	123
4.7. Методы сравнения альтернативных вариантов проекта	134
4.8. Точки без убыточности	142
Задание для самостоятельной работы	145
<b>ГЛАВА V. ИСТОЧНИКИ И ПОРЯДОК ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПРОЕКТА</b>	151
5.1. Источники финансирования и их структура	151
5.2. Рассчёт сумм лизинговых платежей	163
5.3. Иностранные инвестиции и порядок их использования	167
<b>ГЛАВА VI. МЕТОДЫ УПРАВЛЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННЫХ РИСКОВ</b>	175
6.1. Основные критерии и методы оценки риска	175
6.2. Пути и методы управления рисками и понижения их степени	178
<b>ГЛОССАРИЙ</b>	184

## CONTENTS

Introduction .....	5
<b>CHAPTER I. THE SUBJECT AND CONTENT OF "THE MANAGEMENT AND FINANCING INVESTMENTS" .....</b>	<b>8</b>
1.1. An economic concept of investments and its role in economic development .....	8
1.2. Theoretical and economic content of investments and their importance. Forms of investments .....	12
1.3. State investment politics .....	24
<b>CHAPTER II. AN EFFICIENCY OF INVESTMENTS AND INVESTMENT INCOME ACCOUNTING BASED ON TIME CONCEPTION .....</b>	<b>38</b>
2.1. Method of comparison Net Present Value – NPV in introduction alternative versions of investment .....	39
2.2. Method of comparison Internal Rate Index- IRI in introduction alternative versions of investment .....	45
2.3. Method of Payback Period – PP (Payback Period) .....	47
2.4. Inflation. The monetary purchasing power counting in a period of inflation .....	50
2.5. Method of counting value in a period of inflation .....	53
2.6. Method of comparison rating investment decisions (WACC) .....	55
2.7. Annuity and its forms .....	57
2.8. Method of analysing future and represented price of annuity .....	57
Tasks for an individual work .....	61

<b>CHAPTER III. REVEALING A COMMERCIAL VALUE OF CONCRETE OF PROFIT INSTRUMENTS</b>	71
<b>3.1. Forms of profitability of coupon bonds and commercial value determination rules for them</b>	71
<b>Tasks for an individual work</b>	81
<b>CHAPTER IV. INVESTMENT PROJECT AND ANALYSIS FOR IT</b>	86
<b>4.1. The formation of business plan components of investment project. Definitive life cycle of investment project</b>	86
<b>4.2. Plan of production</b>	105
<b>4.3. Realization plan</b>	109
<b>4.4. Counting a cost of product</b>	115
<b>4.5. Financial plan counting</b>	120
<b>4.6. The calculating system of technical and economic basis</b>	123
<b>4.7. Methods of comparison alternative ways of project</b>	134
<b>4.8. Points without profitability</b>	142
<b>Tasks for an individual work</b>	145
<b>CHAPTER V. SOURCES AND RULES OF FINANCING INVESTMENT PROJECT</b>	151
<b>5.1. Sources of finance and their structure</b>	151
<b>5.2. Leasing payments amount counting</b>	163
<b>5.3. Foreign investments and using rules for them</b>	167
<b>CHAPTER VI. METHODS OF MANAGING INVESTMENT RISKS</b>	175
<b>6.1. Basic criteria and methods of risk rating</b>	175
<b>6.2. Ways and methods of managing risk and reduction it's degree</b>	178
<b>GLOSSARY FOR ECONOMIC TERMS</b>	184

А.А. ХАШИМОВ, Ш.А. МАДЖИДОВ,  
Н.М. МУМИНОВА

## ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ

Уқув қўлланма


«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2014

Муҳаррир *P. Бойтура*  
Бадиий муҳаррир *Ф. Башарова*  
Техник муҳаррир *P. Бобохонова*  
Саҳифаловчи *A. Нисанбаева*  
Мусаҳдид *Ф. Отахонов*

Нашр лицензияси: АI № 201 28.08.2011.

Теришга берилди 19.11.2013. Босишга рухсат этилди 22.04.2014.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. «Times New Roman» гарнитураси. Шартли босма  
табоги 13,02. Нашриёт-хисоб табоги 11,97. Адади 500 нусха. Буюртма  
№ 3511 Баҳоси шартнома асосида.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси,  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41.



ISBN 978-9943-26-122-8

9 789943 261228